142

Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Д
Инв. № 765

САЛАХУТДИНОВА Дилорам Исамутдиновна

"БАДОЕЪ УЛ-БИДОЯТ" ДЕВОНИ ВА БАДИИЙ САНЪАТКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Мутахассислик – 10.01.03. Ўзбек адабиёти тарихи

Филология фанлари номзоди илмий даражаси учун

Д И С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар – филология фанлари доктори, профессор Б.Н.ВАЛИХЎЖАЕВ

РНТБ РФОНД

Самарқанд 199[illegible]

МУНДАРИЖА

КИРИШ 3

I БОБ. "БАДОЕЪ УЛ-БИДОЯ" ВА АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ДЕВОН ТУЗИШДАГИ МАҲОРАТИ 7

1. Алишер Навоий лирикасини ўрганиш тарихидан 7
2. "Бадоеъ ул-бидоя" Алишер Навоий тузган биринчи девон ва уни ўрганишнинг аҳамияти 24
3. Алишер Навоий девонининг ўзи томонидан тузилган девонлар билан умумий жиҳатлари ва фарқлари .... [illegible]
4. "Бадоеъ ул-бидоя"даги шеърларнинг "Хазойин ул-маоний"га кўчирилиши, тузатиш ва шоир маҳоратининг тадрижий такомили 41

II БОБ. "БАДОЕЪ УЛ-БИДОЯ" – ШАРҚ НАЗМИНИНГ САНЪАТКОРЛИК МАКТАБИ 61

1. Девондаги асарларнинг мавзу ва ғоялари 61
2. Ҳаётий шеърлар, бадиий либос 89
3. "Бадоеъ ул-бидоя" назмларининг таржимаси ва маҳорат масалалари 103

ХУЛОСА .... [illegible]

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ 127

ЖАДВАЛ.

СХЕМА.

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Ҳар қандай бадиий асарда бадиийлик масаласи ҳал қилувчи ўринда туради. Аҳли табъ у ёки бу шоирнинг асарига баҳо берганда ўша асарда ифодаланган мазмунни кўзда тутиш билан биргаликда унинг қай даражада бадиий санъаткорлик билан юзага чиқарилганлигига ҳам эътибор берадилар. Алишер Навоий асарларининг бадиий қиммати хусусида фикр юритиш зотида қийиндир. Чунки шоирнинг бадиий санъаткорлик масаласи доирасига киритган талабларини маълум бир қамровга олиш амри маҳол ишдир. Зотан, Алишер Навоий бадиийлик доирасига ҳар қандай асарда ифодаланган мазмуннинг салмоқдор бўлишини, халқчил бўлишини, ўша шоир яшаб турган давр учун зарур, фойдали бўлишини, шунинг билан бирга у мумтоз шаклда ифодаланиши, лозим даражада бадиий тасвирий омиллар билан безатилишини, бундай омилларнинг ҳам мантиқий нуқтаи назардан тўғри бўлишини, кам-кўстсиз бўлишини ва бадиий-тасвирий воситалар сон-саноқсиз даражада бўлмай, улар мавзунинг характерига мос равишда ўринли ҳамда эҳтиёжга яраша ишлатилишини кўзда тутган.

Алишер Навоийнинг бадиий маҳорати ҳақида кўпгина илмий ишлар яратилган бўлса-да, аммо улуғ шоирнинг "Бадоеъ ул-бидоя" девони алоҳида тадқиқотнинг бοиси бўлган эмас. Шунинг учун ҳам юқорида айтилган масалаларни шоирнинг бир девони "Бадоеъ ул-бидоя" мисолида ёритишга ҳаракат қилиндики, бу ишнинг долзарблигини таъминлайди. Бундан ташқари ишда Алишер Навоийнинг шоир сифатида ўз асарларини таҳрир қилгани, бундай таҳрир эса, ўз навбатида, бадиий маҳоратнинг тадрижий камолоти ифодаси эканини ёки маҳоратнинг доимий ривожда

эканини тасдиқловчи далиллар асосидаги фикрлар билдирилади.

Тадқиқотнинг илмий жиҳатдан янгилиги. "Бадоеъ ул-бидоя"ни назардан кечириш шундай хулосаларга олиб келдики, Алишер Навоий девон тартиб беришда унинг мукаммал чиқиши учун дастлаб девоннинг тузулишига ("Дебоча" билан таъминлаш, уни ғазал жанридаги шеърлар билан бошлаш, ҳар бир ҳарф учун ёзилган шеърлар гуруҳини орифона асарлар билан таъминлаш, девонга иложи борича барча лирик жанрдаги асарларни киритиш ва ҳ.к.) катта эътибор берган. Бу нарса ўз давридаги ва ундан кейинги қаламкашлар учун ибратомуз аҳамият касб этган. Кейин, Алишер Навоийнинг ҳар бир шеърида у қайси мавзуда бўлмасин, бирор ибратомуз фикрни албатта киритиши ҳам унинг бадиий қарашлари хусусиятларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам биз девонни кўздан кечирар эканмиз, шоирнинг илмий, фалсафий, ижтимоий, бадиий қарашларига доир қатор фикрларга дуч келамиз. Сўнгра, Алишер Навоий шеърларининг қурилиши, вазн хилма-хиллиги, қофия ва радифлардаги ранг-баранглик ва бошқа соҳалардаги санъаткорлиги ҳам очиқ кўзга ташланиб туради. "Бадоеъ ул-бидоя"даги шеърларни унинг турли нусхаларидаги матнлар билан солиштириб кўриш шоирнинг бадиий таҳрир устида ҳам жиддий иш олиб борганлигини англатади. "Бадоеъ ул-бидоя" "Хазойин ул-маоний"нинг юзага келишига замин бўлган биринчи катлам пойдевор эканлиги билан ҳам аҳамиятга моликдир. Бу девон Алишер Навоий ижодининг 1465 йилгача, 1465 йилдан 1470 йиллар ўрталаригача бўлган даврини илмий таҳлил қилишга ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Алишер Навоийнинг мумтоз адабиёт анъаналарига муносабатини таҳлил этиш ва жуда кўп бошқа масалаларни, жумладан, шоир ижодида таҳрир масаласини ўрганиш сингари мураккаб ишни амалга

оширишда ҳам мазкур девоннинг ҳал қилувчи ўрни бор. Ишимизда "Бадоеъ ул-бидоя"даги айрим машҳур шеърларнинг ўрис тилидаги таржимаси ҳақида ҳам фикр юритдик. Шундай қилиб, "Бадоеъ ул-бидоя" девони ҳақида махсус кичик бир тадқиқот юзага келди. Бу ишда кейинчалик яна ривожланиши кўзда тутилган масалалар кун тартибига қўйилдики, бу нарса унинг илмий қимматини белгилайди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаси.

Бадиий санъаткорликнинг Алишер Навоийга хос бўлган қирраларини "Бадоеъ ул-бидоя" девони асосида кўрсатиш, девондаги шеърлар асосида Алишер Навоийнинг ижтимоий-фалсафий ҳамда бадиий-эстетик қарашларини ўрганиш ва талқин қилиш.

Амалий аҳамияти.

Мазкур тадқиқот Алишер Навоийнинг бадиий-эстетик ҳамда ижтимоий-фалсафий қарашларининг илк даврини ўз ичига камраб олган девонга бағишланиши жиҳатидан ҳам муҳим амалий аҳамият касб этади. У Алишер Навоий ҳақида келгусида шубҳасиз яратилиши лозим бўлган монографик характердаги кўп томлик тадқиқотлар учун материал бўлиб хизмат қила олади. Навоийхонлик янги поғонага кўтарилган ҳозирги давр учун эса у талабалар ва кўп сонли китобхонлар учун фойдадан холи эмас.

Тадқиқотнинг методологик асослари.

Тадқиқотни юзага келтиришда Жомий, Бобур, Хондамир, Зайниддин Восифий, Огаҳий, Мирий ва Шарқнинг бошқа муаллифлари Алишер Навоий ижоди ҳақидаги қарашлари ҳамда замондош олимларнинг классик адабиётни ўрганиш ва таҳлил этишда қўллаган усуллари асос қилиб олинди.

Ишнинг апробацияси.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг ўзбек адабиёти тарихи кафедрасининг йиғилишида муҳокама қилинди. Ишнинг асосий мазмуни матбуотда, шу жумладан, марказий ва жумҳурият нашрларида эълон қилинган 6 мақола ва маърузалар тезисларида акс эттирилган.

Диссертациянинг тузилиши.

Диссертация кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

I БОБ

"БАДОЕЪ УЛ БИДОЯ" ВА АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ДЕВОН ТУЗИШДАГИ МАҲОРАТИ

1. Алишер Навоий лирикасини ўрганиш тарихидан

Адабиёт илми ўзининг жуда кўп хусусиятлари билан турли соҳадаги бошқа фанлардан ажралиб туради. Чунки бошқа фанлар асосан инсоннинг онгига, тасаввурига таъсир этиб, уни такомиллаштиришга, бойитишга хизмат қилса, адабий асарлар фақатгина инсоннинг онгига, тасаввурига таъсир этиб қолмай, балки унинг ҳиссиётларига, туйғусига, руҳига ҳам таъсир қилиб, уларни жунбушга келтиради. Бошқачароқ қилиб айтсак, адабиёт табиат ва жамият ҳақидаги ҳукм ва мулоҳазаларни тайёр, агар айтиш мумкин бўлса, зебу-зийнат берилмаган хулосалар тарзида инсонга тортиқ қилмайди, балки уни гўзаллик либослари билан ўраклаб ўқувчи қалбига сингдиради. Шу жиҳатдан ҳам адабиёт бошқа фанларга кўра жуда мураккаб, ўзига хос хусусиятларга эгадир. Демак, бирор бир бадиий асар ёки ёзувчининг ижодига баҳо берилар экан, тадқиқотчи муайян асарда ёхуд муайян ёзувчи ижодида адабиётнинг ўзига хослигини таъминловчи омиллар қай даража истифода этилганлигини, қай даражада ўринли ёки ўринсиз қўлланилганлигини назарда тутади, ана шу мезон воситасида хулоса ва ҳукмлар чиқаради. Зеро, адабиётшунослик, бизнинг назаримизда, бадиий асарлардаги ёки бирор муайян шоир ёхуд насрнавис ижодидаги гўзалликларни кашф этиш илми ҳамдир. Шундай экан, Навоий лирикасининг бадиий жиҳатини ўрганиш тарихи Навоий ижодидаги гўзалликларни кашф этиш тарихини ўрганиш демакдир. Бу тарих эса ҳозирча беш ярим асрни ишғол этиб турибди. Бадиий асарларда, хусусан, поэтик асарларда бадиийликни таъминловчи асосий омиллар нималардан

иборат эканлигини бир хотирлаб кўрайлик. Албатта, бу омиллардан биринчиси, ҳазрат Алишер Навоийнинг ўзлари ҳам қайд қилганларидек, поэтик мазмундир. Алишер Навоийнинг катта ишонч билан уқдиришларича, поэтик мазмун бадиий асарнинг жони бўлса, бошқа омиллар гўё инсонга комилликни, башарий қиёфани бағишловчи чиройли либосга ўхшайди. Жумладан, буюк шоир "Ҳайрат ул-аброр" да мазмун ва шакл хусусида фикр юритиб, қуйидаги мулоҳазаларини баён этган эдилар:

Ғунчаи назм ўлғали рангин манга,
Ҳарна йўлуқти санами Чин манга.

Бор эди машшотаи табъим иши,
Бермак алар ҳуснининг оройиши.

Шона уриб сунбули гисусига,
Сурма чекиб наргиси жодусига,

Қон ёш ила оразини ол этиб,
Юзида кўз мардумини хол этиб.

Лафз либосин тикибон ранг-ранг,
Киймак учун ул санами шўху шанг.

Кийдирибон ҳуллаи мавзун анга,
Зевар этиб юз дури макнун анга,

Қилсам этиб бошдин аёқ жон ани,
Ҳайкали ноз ичра хиромон ани. [9, 46-47-б.]

азмуни: Шеърият бўстони менга гўзал ва дилкаш бўлиб кўрингач, ўзимга Чин гўзали тушгандек бўлди. Шоирлик табъимнинг иши ана шу ўзаллар ҳуснига оройиш беришдан иборат бўлиб қолди. Табъим машшотаси ларнинг сунбул сочларини тараб, жоду кўзларига сурма қўйиш билан

нурғулланди. Мен эса, қон ёшим билан юзларига қизиллик юритдим, кўзим қорачикларини эса уларнинг юзига хол қилдим. Турли нафис сўзлардан уларга либос тикдим. Шундай қилиб, уларга ярашадиган либос тайёрладим. Зебу зийнатдан холи бўлган гўзаллик чинакам жонга айланди ва ҳақиқий инсон сифатида юзу истиғно билан қадам ташлади.

Келтирилган бу парчадан кўринадики, поэзияда қуруқ мазмуннинг, маънонинг ўзи ҳам етарли эмас. Гарчи мазмун ҳар қандай асарда бирламчи ўринда бўлса-да, у бошқа бадиий омилларсиз поэтик асар бўла олмайди. Демак, ҳазрати Алишер Навоий бадиий асарда мазмун етакчилигида бадиий шаклга хос унсурларнинг ҳам аҳамияти катта эканлигини теран тушуниб етганлар ва ўз ижодларида яна шу талабга қаттиқ риоя қилганлар.

Алишер Навоий поэзиядаги "мазмун" деб тушуниладиган нарсага жиддий эътибор билан қарайди. Навоий назарида ҳар қандай мазмун ҳам поэтик асарни юзага келтира олмайди. Навоий тушунчасига кўра, поэтик фикр инсоннинг ҳис ва туйғуларига, руҳига таъсир қилиши, ўқувчини турли кайфиятларга солиши керак. Масалан, шоирнинг бир байтида шундай фикр ифодаланган: ёрнинг ғами ошиқни тошбўронга тутади. Лекин, жабрдийда ошиқ бошини яширмайди. Чунки, ёрнинг ғами отган тошлар ошиқнинг бошига бахт дурлари каби зеб берар эди:

> Сангборони ғамингдин бош не янглиғ ёшурай,
> Ким саодат гавҳаридур бошима тошинг сенинг. [5, II т., 317-б.]

Шуни ҳам айтиш керакки, Алишер Навоий сўзларда ифодаланган маънони чинакам жонга айланиши учун шакл унсурларидан ўринли фойдаланишини доимо уқдириб ўтади. Бир ўринда у ҳар бир шеърдаги поэтик мазмунга мос равишда вазн танлаш, ўхшатиш, сифатлаш, муболаға каби бадиий

омилларнинг мазмунни юзага чиқариш учун жуда мос бўлишлигига алоҳида эътибор беради. Яна шуниси ҳам борки, Навоий лирик шеърда мавзу нуктаи назаридан яклоқраликни маъқул кўради, яъни, унингча ғазал, рубоий каби жанрларда ёзилган шеърларда асосан бир мавзу ёритилса, у шеърнинг бошидан охиригача тадрижий ривожлантирилган ҳолда ўзининг турли томонларини ўқувчилар кўз ўнгида гавдалантириб турса, бундай шеър муваффақиятли чиққан шеър ҳисобланиши лозим. Навоий ўзининг жуда кўп шеърларида яна шу эътиқодга амал қилган. Бунга шоирнинг "Келмади", "Айлаб", ёғлиқ ҳақидаги шеърлари ва бошқалар мисол бўла олади. Алишер Навоий ўз шеърларининг бадиийлигини таъминлаш учун юқорида айтганларимиздан ташқари яна кўп имкониятларни ишга соладики, биз тадқиқот ишимизнинг бундан кейинги саҳифаларида имкониятимиз даражасида улар ҳақида ҳам мулоҳазалар баён этишни мақсад қилиб қўйганмиз.

Алишер Навоий бадиий мазмун ва бадиий шакл унсурларидан уларнинг ўзаро узвий боғланиши асосида усталик билан фойдалана олганлиги учун ҳам ижодининг илк давридаёқ малик уш-шуаро Лутфий каби ижодкорларнинг диққатини жалб қила олган. Уни ҳали у жуда ёш бўлган даврлардаёқ ўша даврнинг Камол Турбатий, Атоийи Шошийй сингари шоир ва алломалари таниганлар ҳамда унинг шеърларига юқори баҳо берганлар. Кейинчалик Нуриддин Абдураҳмон Жомий, соҳибқирон Ҳусайн Бойқаро – Ҳусайний, Давлатшох Самарқандий ва бошқалар Навоий ижодини юксак баҳолаганлар. Чунончи, Абдураҳмон Жомий ўзининг "Лайли ва Мажнун", "Юсуф ва Зулейхо", "Хирадномаи Искандарий" каби асарларида Навоий асарларининг чуқур мазмун ва юксак бадиийлигига таҳсин ўқийди.[104] Давлатшох Самарқандий эса шоирнинг форсий ва туркий тилда ёзилган шеърларини чуқур ўзлаштирар экан, унинг ҳақида "Тазкират уш-шуаро"да

шундай мисралар орқали унинг поэтик қобилиятига тасанно ўқийди:

Туркийсин кўриб қилурлар эрди тарку тавба ҳам,
Гар тирик бўлсалар эрди Лутфий бирлан Кардарий.
Бовужуди форсий дар жанои шеъри комилаш.
Чист ашъори Заҳиру, чист боре Анварий. [107, 15-б.]

Султон Ҳусайн Бойқаро - Ҳусайний Навоийнинг барча асарларини ўз таҳриридан ўтказган, таъбир жоиз бўлса, унинг асарларига биринчилардан бўлиб юксак баҳо берган адабиётшунос олим ҳамдир. У шоирни сўз мулкининг подшоси, қаҳрамони, ҳатто соҳибқирони деб атайди:

Эрур сўз мулкининг кишварситони.
Кашь кишварситон, хисрав нишони.
Дема хисрав нишони, қаҳрамони,
Эрур гар чин десанг соҳибқирони. [23, 11-12 б.]

XV-XVI асрнинг таниқли шоири Камолиддин Биноий ҳам Алишер Навоий шахсияти ва ижодиётига ғоятда катта ҳурмат билан қараган. У ўзининг "Беҳрўз ва Баҳром" маснавийсида Алишер Навоийнинг мўъжазгина образини яратиб, уни ўта закий шоир сифатида таърифлайди. "Мажмаъ ул-ғаройиб" қасидасида эса Навоий шахсияти маърифатли инсон, беназир ва донишманд давлат арбоби сифатида талқин этилади:

Дар сухан бехтарий аз Хоқоний,
Дар ҳукумат най кам аз Хоқон.
Фазли ту аззҳару мин аш-шамс аст,
Ҳамчу хуршед дар жаҳон тобон.

Ман чи гўям, ки аз фазоили ту.
Ҳар чи гўянд ҳаст ҳазор чандон [102, 327-б.]

Бошқа бир маҳсулдор Форс-тожик шоири Абдулло Ҳотифий (1454-1521) ўзининг "Лайли ва Мажнун" достонининг VII бобини "Мир Алишер таърифида" деб атайди. Мазкур бобда Ҳотифий Навоий шахсиятидаги кўпгина фазилатларни қайд қилиш билан бирга унинг лирик ижоди ҳақида ҳам фикр юритиб, Навоий лирикасининг бадиий ифода дарёсини оламнинг чиройини очувчи денгиз, океанга қиёс қилади:

Дар фазлу ҳунар ягонаи даҳр,
В аз хулқу карам фасонаи шаҳр...
Ҳар сатр зи килки дурфишонаш,
Жўйест зи қулзуми баёнаш.
Мажмўъи назми дилфиребаш,
Баҳрест, ки даҳр дода зебаш [106, 327-б.]

Навоий ижоди, унинг лирикаси таърифида айтилган бундай гапларни *усмонли турк шоири Сейди Али Раис* [22, 81-82-б.], *озарбайжон шоири* Кишварий [19], Абай, Бердах, Абдулла Тўқай, Ҳаким Носирий сингари кўплаб мазкур кишилар ижодида учратиш мумкин.

XV асрдан XX асрнинг дастлабки ўн йилликлари даврида яшаган Шарқ шоирлари, олимлари асарларида Навоийнинг ижоди, поэтик маҳорати хусусида айтилган бу хилдаги мулоҳазалар анчагинадир. Аммо бизнинг мақсадимиз юқорида бир-икки мисол келтириш билан Алишер Навоийнинг бадиий маҳоратини ўрганиш тарихи унинг ҳаётлигидаёқ бошланганлигини алоҳида уқдириб кўрсатмоқдир. Зероки, проф. Н. Шукуровнинг "Ҳар байтнинг бир жаҳон мазмуни" мақоласида қайд қилинганидек: "мавлоно Лутфийнинг ёш Алишер томонидан ёзилган:

Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Уйлаким пайдо бўлур юлдуз нихон ўлғоч куёш.

байтига бутун ижодини алмаштирмоқчи бўлганлиги ҳам Навоий байтидаги санъаткорликнинг юксак даражада эканлиги билан изоҳланади". [166, 82-б.]

Бу ғазалнинг вужудга келиш тарихи ҳақида таниқли навоийшунос олим Эргашали Шодиев шундай фикрларни билдиради: "У (Алишер Навоий - С.Д.) Саъдий, Камол Хўжандий ва Ҳофиз Шерозийлар яратган улкан шеъриятдан ҳам кўп нарсани ўрганди. Бу адиблар қўллаган адабий усуллардан, уларнинг ижодиётидаги дидактик лаҳзалардан шоир бадиий озиқ олади... Алишер Навоийнинг ёшлик чоғларида яратган, мавлоно Лутфийга маъқул ва манзур бўлган:

Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач куёш, -

матлаъли ғазали ҳам Камол Хўжандийнинг:

То рух напўши кай шавад аз дида ашки мо равон,
Пинҳон нагашта офтоб, ахтар намеояд бурун, -

сатрлари таъсирида вужудга келган эди". [161, 7-б.]

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, шарқ муаллифларининг Навоий ижодига, жумладан, унинг лирикасининг бадиий жиҳатлари ҳақида берган баҳолари умумлашма кўринишга эга бўлиб, у бизнинг замонамиз адабиётшунослигида айтиладиган мулоҳазалардан фарқ қилади. Бундай фарқ аввало Навоий давридан бизнинг давримизгача кўп асрлар ўтганлиги билан изоҳланса, иккинчидан, қадимий Шарқ адабиётшунослигининг услубий жиҳатларидан замонавий адабиётшуносликнинг услубида катта

фарқ мавжудлиги билан ҳам белгиланади. Шунга кўра, бундан кейинги сатрларда XIX асрнинг иккинчи ярмидаридан XX аср бошларигача бўлган даврда Навоий ижоди, жумладан шеъриятининг ўрганилиши ҳақида қисқача мулоҳаза юритайлик.

1926 йилда Бокуда "Навоий" сарлавҳали тўплам чиқарилди. Бу тўпламда Исмоил Ҳикматнинг "Алишер Навоий", Мирзо Муҳсин Иброҳимийнинг "Алишер Навоийга форс адабиётининг таъсири", Чўлпонзоданинг "Навоий - тилчи" каби мақолалари ва бошқалар киритилган. Шунингдек, кундалик матбуотда ҳам, жумладан, "Қизил Ўзбекистон" газетасининг 1929 йил 13, 14, 15- май сонларида, "Шарқ ҳақиқати" газетасининг 1930 йил 7, 8, 9- май сонларида Навоий ижодига оид мақолалар босилди.

1928 йилда Ленинградда "Мир-Али-Шер" номи билан тўплам босилиб чиқди. 30-йилларнинг иккинчи ярмларида эса Саидолим Шарафиддиновнинг "Алишер Навоий" монографияси, Ойбекнинг "Хамса" асосий образлари", "Навоий дунёқарашига доир" мақолалари, Е.Э.Бертельснинг "Лайли ва Мажнун", Ҳоди Зарифнинг "Рубоий", Мақсуд Шайхзоданинг "Навоий ва бизнинг замонамиз" сингари илмий тадқиқотлари юзага келди. Ана шу даврда адабиётшунос Воҳид Абдуллаев Алишер Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти ва ижоди ҳақида қимматли тадқиқот юзага келтирди. Диссертациянинг "Алишер Навоий ва Фазлуллоҳ Абуллайсий хонадони", "Алишер Навоий машғулотлари ва билим доираси", "Самарқандлик адиблар Навоий издошлари" каби бўлимлари чуқур илмий аҳамиятга эгадир. 1941 йилда СССР ФА Шарқшунослик институти нашрга тайёрлаган "Алишер Навоий" номли мақолалар тўплами 1946 йилда босилиб чиқди. Бу тўпламда ҳам А.Ю. Якубовский, И.Ю. Крачковский, Е.Э. Бертельс, А.К. Боровков, А.Н. Болдирев ва бошқа машҳур олимлар асарлари кирган эди. Навоий

ижоди ва ҳаётини ўрганиш соҳасида "Улуғ ўзбек шоири" тўпламининг нашр этилиши ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Бу йилларда Е.Э. Бертельснинг "Навоий", Садриддин Айнийнинг ҳам "Навоий" монографиялари нашр этилди.

Кейинги даврларда Навоий ижодига бизнинг идеологик ҳаётимизга мос тушадими ёки йўқми, деган нуқтаи назардан эмас, балки, соф ва изчил илмий нуқтаи назардан баҳо бериш амалга оша бошлади. А.Рустамов, А.Ҳайитметов, А.Қаюмов, Б.Валихўжаев, Ё.Исҳоқов, Э.Шодиев, Н.Комилов, Иброҳим Ҳаққул ва бошқаларнинг рисола ва мақолаларида Навоий лирикаси ўзининг илмий талқинини топа бошлади. Бу давр навоийшунослигининг ютуқларидан бири сифатида Навоийнинг кўплаб ғазалларига илмий шарҳлар битилишини кўрсатиш мумкин.

Кейинчалик Алишер Навоий ижодининг бадиий хусусиятларини ўрганиш масалалари ҳам кенгроқ талқин этила бошланди. Бу борада олимлар А.Ҳайитметовнинг "Навоий лирикаси", Н.Маллаев ва А.Қаюмовларнинг қатор монографик тадқиқот ва мақолалари, Ё.Исҳоқовнинг "Алишер Навоийнинг илк лирикаси", "Навоий поэтикаси" каби илмий тадқиқотлари, А.Рустамовнинг "Навоийнинг бадиий маҳорати" номли китоблари юзага келди. Тўғрисини айтганда, бу саъй-ҳаракат ҳозирги даврда навоийшуносликнинг алоҳида тармоғи сифатида шаклланиб, тараққий этмоқда. Навоийшуносликнинг айни ана шу тармоғи Навоий назмиётининг бадиийлик сирларини очиб беришда жиддий ютуқларни қўлга киритмоқда. Ўйлаймизки, бу соҳа янада тараққий эта бориб, келгусида жуда кўп томли Навоий асарларининг шарҳли нашрлари чиқишига илмий асос бўлиб

хизмат қилади.[1]

~~Алишер Навоий илк ижодининг~~ намуналаридан бири бўлган "Бадоеъ ул-бидоя" девони юзасидан эса ҳанузгача бирор махсус илмий тадқиқот қилинганича йўқ. Лекин, бу девон таркибига кирган ғазаллар, қитъалар ва фардларнинг илмий шарҳларига бағишланган мақолалар матбуотда чиқиб турибди. Бу илмий мақолаларда "Бадоеъ ул-бидоя"нинг дебочасига мурожаат қилиниб, ғазалнавислигида, умуман, Шарқ классик назмиётида Алишер Навоий кўрсатиб берган асосий адабий-эстетик принциплар ҳақидаги фикрлар юзасидан жиддий мулоҳазалар юритилган ўринлар ҳам бор. Хусусан, навоийшунос олим Шарофиддин Шарипов ўзининг "Навоийнинг вошсабанд ғазаллари" номли мақоласида "Бадоеъ ул-бидоя" девони дебочасидаги ғазалнависликда байтлар поэтик ва ғоявий йўсинда тадрижийлик, изчиллик принципларига амал қилиш кераклиги ҳақидаги фикрларга тўхталиб, шоирнинг кўпчилик ғазаллари яна шу Навоийона принципга қатъий амал қилинган ҳолда ёзилганлигини таъкидлайди. "Мазкур услубда ғазал ёзиш Шарқ классик ғазалиёти тарихида янгилик бўлиб, у [illegible] БИРИНЧИ МАРТА (таъкид Ш.Ш.ники) Алишер Навоий ижодида кўзга ташланади", -деб ёзади муаллиф бу мақолада. Мақоладаги муҳим ўринлардан яна бири шуки, олим Алишер Навоий ғазалнавислигида янги композицион принципларни кашф қилганлиги ва бу принциплар асосида бошқа шоирлар ижодидан тубдан ажралиб турувчи тамоман янги ғазаллар битганлигига тўхталиб, шоир ижодидаги тадриж услубида ёзилган [illegible]

---

[1] Бунинг дебочаси сифатида шоирнинг 550 йиллик юбилейи муносабати билан ёзилган шарҳларнинг бир қисми Тошкентда "Камалак" нашриёти томонидан "Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар." номли китоб ҳолида нашр қилинди [13].

ғазаллар ва воқеабанд ғазалларнинг бир-биридан фарқланиб турувчи хусусиятларини очиб беради. Олим ўз фикрини "Бадоеъ ул-бидоя" девонидаги ғазаллар таҳлили асосида исботлайди ва бу тушунчаларга аниқлик киритади.

Таниқли олим Ё.Исҳоқов Алишер Навоийнинг илк ижодий эволюциясига доир илмий тадқиқотларида, бошқа асарларида ҳам, Навоий ижодини эволюцион нуқтаи назардан ўрганиш, маҳоратининг пояма- поя ўсиб, ривожланиб бориши ҳолатларини кузатишга даъват этади. "Бирор ёзувчи ижодини ўрганган вақтда фақат унинг этук даврини олиб текшириш билангина чекланмасдан, балки яна шу ёзувчи ижодининг балоғат даражасига етиш учун замин бўлган дастлабки асосларни ва унинг ижодий эволюциясини ҳам кузатмоқ керак", - деб ёзади олим [77,114-б.]

Алишер Навоийнинг лирик меросини илмий жиҳатдан текшириш соҳасида сўнгги йилларда сезиларли ишлар қилинди. Лекин, Ё.Исҳоқов таъкидлаганидек, "Шоирнинг ижодий эволюциясини унинг жонли динамикасида олиб текшириш ҳозирги пайтда адабиётшунослик олдида турган энг актуал вазифалардандир. Бу эса, ўз навбатида, Навоий ижодий фаолиятининг барча этапларини бирма-бир синчиклаб текшириш ва уларнинг ўзаро боғланиши ҳамда ривожини изчиллик билан ўрганишни тақозо этади". [77,11-б.] Шу маънодаги билдирилган кўпгина фикр ва мулоҳазалар "Бадоеъ ул-бидоя" девонининг ҳам махсус ўрганилиб, тадқиқот қилиниши кераклиги масаласини, шубҳасиз, адабиётшуносликдаги асосий масалалардан бири эканлигини кўрсатди. Зеро, "Бадоеъ ул-бидоя" девони - Алишер Навоийнинг ёшлик ва йигитлик давридаги ҳиссий ва руҳий кечинмалари қомусидир. Ундан шоир таржимаи ҳолига тегишли ғазал ва рубоийларни ҳам, муҳим ижтимоий-сиёсий мавзудаги шеърларни ҳам, фалсафий ва ахлоқий таълимий руҳдаги дидактик обидаларни ҳам ўқиш

мумкин. Навоий ижоди, хусусан лирикаси, уммони азимдир. Бу уммоннинг синасидаги дуру жавоҳиротни юзага чиқаришда ҳозирги давр навоийшунослиги ғайратли ғаввос эканлигини намойиш этмоқда. Зеро, биз ният қилган тадқиқот ҳам ана шу ғаввослар хизматига кичик бир зарра бўлиб қўшилса.

"Бадоеъ ул-бидоя"нинг XV асрда китобат қилинган нусхалари жаҳоннинг турли китоб маъхазларида сақланади. Жумладан, унинг 1481-1482 йилларда кўчирилган бир нусхаси Лондонда, 1484 йил ёзилган бир нусхаси Бокуда, 1486 йилга доир бир нусхаси Тошкентда, XVI ва XX асрларга тааллуқли икки нусхаси Самарқандда сақланмоқда.

"Бадоеъ ул-бидоя" девонининг Самарқанддаги нусхалари Акмал Икромов номидаги Самарқанд Давлат Музейида сақланади. Бу ерда "КП-1587" шифри билан сақланаётган девон 917 ҳижрий (милодий 1511-12) йилда кўчирилган.

"Бадоеъ ул-бидоя" девонининг бу нусхаси бош саҳифа эни 9, бўйи 7,5 см бўлган унвон билан очилади. Ҳандасавий усулда яратилган унвоннинг асосини сафсар ранг ташкил этган, нақшлари зарҳалдан.

Матн оч-сарғиш Мовароуннаҳр қоғозига қора сиёҳ билан ёзилган зарҳал ҳамда сафсар рангли чизиқлардан иборат жадвалга олинган. Алоҳида ажратиб кўрсатиладиган ран ва иборалар ҳам зарҳал ёки ҳаворанг хат билан ёзилган.

Девон дебоча билан бошланади ($1^б$, $15^б$ б.). Бироқ унинг охири ўрин олган варақлар йўқ (бирор-икки варақлар чамаси бўлса керак). $1^б$ варақдаги матндан ҳам ярим-ярти ҳолда ўн қатор ёзув қолган. Бошқа китоб саҳифаларида матн 17 қатордан жойлаштирилган. Хат жойлашган сатҳ – 9 * 18,5 см.

Девоннинг ғазаллар қисми:

"Чаман оташгаҳира оташин гулдин чу ўт урдинг,
Самандардек ул ўтдин кулга ботти булбули шайдо"

байтли ғазал билан бошланади.

"	ا	" билан тугалланувчи ғазаллар	-	54 та
"	ب	"	-"-	-	13 та
"	ث	"	-"-	-	1 та
"	ج	"	-"-	-	2 та
"	چ	"	-"-	-	3 та
"	ح	"	-"-	-	3 та
"	د	"	-"-	-	2 та
"	ذ	"	-"	-	2 та
"	ر	"	-"-	-	34 та
"	ز	"	-"-	-	16 та
"	س	"	-"-	-	8 та
"	ش	"	-"-	-	3 та
"	ص	"	-"-	-	бир қатор
"	ض	"	-"-	-	2 та
"	ط	"	-"-	-	2 та
"	ع	"	-"-	-	4 та
"	ق	"	-"-	-	30 та
"	ل	"	-"-	-	25 та
"	م	"	-"-	-	17 та
"	ن	"	-"	-	44 та
"	و	"	-"-	-	6 та
"	ه	"	-"-	-	26 та
"	ی	"	-"-	-	47 та

Жами 349 ғазал.

Мустазод ------------------------------------- - 3 та

Мусаддас ------------------------------------- - 2 та

Мухаммасот ----------------------------------- - 3 та

Таржеъот ------------------------------------- - 1 та

Рубоиёт -------------------------------------- - 3 та

Фардиёт -------------------------------------- - 3 та

Жами 364 шеър.

Девон 98 варақдан иборат. Ҳамма варақларда пойгир қўйилган бўлган. Бироқ йиллар ўтиши билан кўпчилик варақлардаги пойгирлар ўчган.

Девондаги шеърлар бир-биридан заркал билан ёзилган "айзан", "айзан ла" каби сўзлар билан ажратилган. Барча варақларнинг четлари чириган, кирли ва доғли. Муқованинг олдинги қисми йўқолган. Унинг қизгич теридан ясалган асоси ва охирги вараги сақланиб қолган. Муқова марзий. Вақтида у турли рангли қоғоз қопланган бўлган ҳамда босма нақш (3 та) ишланган.

У бир неча бор хусусий мулк сифатида таъмирланган кўринади. Айрим саҳифаларнинг ҳошияларида турли ёзувлар ҳам учрайди.

Бу девонга "Бадоеъ ул-бидоя"нинг бошқа мукаммалроқ нусхаларида бор бўлган ғазаллар ва бошқа жанрдаги шеърлар кирмай қолган. Фикримизча, девонни кўчираётган котиб ғазал ва шеърлардан сайлаб кўчирган. Чунки, девонда ҳамма саҳифалар бор, бирор саҳифа тушиб қолмаган ёки йўқолмаган (дебочанинг охири ўрин олган варақлардан ташқари).

Китобда котибнинг номи кўрсатилмаган. Китоб ниҳоятда гўзал настаълиқ билан кўчирилган.

Шу музейда КП-4342/4 рақами билан сақланаётган иккинчи қўлёзма "Навоий девони" деб аталиб, 165 варақдан иборат, ўлчовлари 15х26.

кўчирилган санаси ва котибининг номи маълум эмас. Матн сарғиш қоғозда ёмон хуснихат билан кўчирилган. Варақларда пойгир қўйилган. Китобда "нун" ҳарфи билан тугалланган ғазаллардан сўнг соқийнома (2 та), рубоиёт, наът, мухаммас (2 тадан) жанрларида ёзилган шеърлар берилган. Муқоваси матзий, устига қизил, қора, сариқ ранглар билан нақш берилган қоғоз ёпиштирилган. Муқова олд ва орқа варақларининг сўл томони пастки қисми синиб тушган. Муқова варақлари қизғиш тери билан беркитилган. Мазкур терма девон XIX асрда тартиб берилган бўлса керак.

"Алиф" билан тугалланган шеърларнинг мундарижаси:

1. Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул худо;
2. Эй ҳамд ўлуб мақол фасоҳат била санга;
3. На субъунгдин ажаб юз минг жаҳон бўлмоқ яна пайдо;
4. Қаҳринг ўлса барча ишимдин малолатдур санга;
5. Зиҳи зуҳури жамолинг кўёш каби гўё;
6. Юзунг кўзгусидин юз нури сафо пайдо;
7. Зиҳи эл нияҳони сенга ошкоро;
8. Илоҳо, подшоҳо, кирдикоро;
9. Эй мусҳафи руҳсоринг аввал хаттидин иншо;
10. Ёраб, улус ниҳони эмасдур ниҳон санго;
11. Эй атти манзар тарзиге меъмор сунъиндин бино;
12. Зиҳи ҳуснунг зуҳуридин тушуб ҳар кимга бир савдо;
13. Эй нубувват хайлига хотам бани одам аро;
14. Зиҳи буроқинг изи мўҳри сайр барқ осо;
15. Зиҳи жавлангаҳи афлок уза майдон ав адно;
16. Ёраб ул соатни тушгай .... жисму жон аро;
17. Кирса ул гул хирмани агёр ила гулзор аро;

18. Жонда кўйдум чирмагон мактубини хижрон аро;
19. Лабларингдин гарчи жон ютмок дамодамдур манго;
20. Менмудурурменким сенинг васлинг муяссардур манго;
21. Жавру зулминг гарчи ўлмакнинг нишонидур манго;
22. Шахр бир ой фуркатидин байтул-ахзондур манго;
23. Ийди руххсоринг кўруб бўлди улус хайрон манго;
24. Гарчи йўк талабингда дами карор манго;
25. Ел агар базм аро гамгинларин шод айласа;
26. Зорир хунобидин заъф ўлди голиб хаста жонимга;
27. Кўнглум ўртансун агар гайрига парво айласа;
28. Косидеким ёрдин бир сўз ривоят айласа;
29. Ёшил тўн бирла олтун тугмалардин зеб фар килдинг;
30. Не бахт даштеким тузгай кужи янглиг губор анда;
31. Манга не манзил не маъво ёен не хонумон пайдо;
32. Буд набудим агар тенг бўлди жонон олдида;
33. Хам гамаддек тежкан кўзунгга чашми беморим фидо;
34. Фалак нилуфаридин чашми мехр ўлди гар пайдо;
35. Неча хажр аро ёрким жонон менго;
36. Ул бу челба била борму экин ое;
37. Кўзумдин ашк тўкканди бўлди кон пайдо;
38. .... хатлари согинма дуди охим аро;
39. Хат зулф кошларинг, эй дилбари чобук бало;
40. Ласингга айламиш ул хол анбарин гавго;
41. Гар юзидин олганимга ашкдин кондур сазо;
42. Гул узра хатти мушкин бирла килдингким ракам пайдо;
43. Не хуш бўлгай икавлон маст бўлсок васл бориnда;
44. Хар жафо килсанг турарман килмасанг доги вафо;

45. Ул малоҳат ганжи ҳажрида бузу мискин манга;
46. Минг захм урди ханжари ишқдин бу тан аро;
47. Икки бармоқ бирла туттим ул икки рухсор аро;
48. Доғларим куйдим онинг фуркати озорида;
49. Хильватин айлабдурур ул сарв суманбар қаро;
50. Онча даврон бирла кўрдим аҳли даврондин жафо;
51. Бедилинг хайли расул сенсен уларга дилрабо;
52. Даҳр элидин нафъ агар йўқтур зарар ҳам бўлмаса;
53. Ул қари пайкарга ҳайрон бўлмиш инс жон анга;
54. Ҳамд худое акбар бехуя бе бидоё
55. Эй алифдек коматинг мисли кэулгон жон аро;
56. Зиҳи жамолинг ўлуб ой бошига теги бало;
57. Ҳар гадоким бўрёйи фақр эрур кисват анга;
58. Ваҳки бўлдим ишқ аро бир бевафога мубтало;
59. Дўст бўлмас гар жаҳон аҳлига қилсанг жон фидо;
60. Оразин холингни бир дам кўрмасам эй дилрабо;
61. Ваҳки жон ошуфта қилди анбарин холи манго;
62. Бу на қолибтур ул ой ҳажридин ҳаёт манго;
63. Келмай қотили замона манга;
64. Тушкали қаддинг ҳаваси болгамя завбош аро.

2. "Бадоеъ ул-бидоя" Алишер Навоий тузган биринчи девон ва уни ўрганишнинг аҳамияти.

Алишер Навоий 1469 йилда Хуросон пойтахтини эгаллаган дўсти Султон Ҳусайн Бойқаро таклифи билан Хиротга қайтгач, саройда муҳрдор, вазир, бош вазир лавозимларида фаолият кўрсатиб, Ҳусайн Бойқаро ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун кўп вақт ва куч сарф этишга мажбур бўлади. Хиротга қайтганининг дастлабки даврларида, ҳатто қўлига қилич олиб Ёдгор Муҳаммадга қарши кураш олиб боради. Навоий бу даврда шоирлик ва олимлик иқтидорига эга бўлиш билан бирга мамлакатни бошқариш қобилиятига ҳам эга эканлигини, хўжалик ишларини тартибга келтириш соҳасида ҳам қобилияти зўрлигини намойиш этади. У ана шу даврлардаги фаолияти ҳақида ўзининг "Вақфия" асарида: "илгимдин келгунча зулм тиғин ушатиб, мазлум жароҳатига интиқом марҳамин қўйдим", - деб ёзади. Бу даврда Алишер Навоий қурилиш ишларига алоҳида эътибор беради. Мадрасалар, хонақоҳлар, хайрия бинолари, боғ-роғлар барпо этади. Илм ва ҳунар аҳлига, шоирларга, хаттот ва мусаввирларга раҳнамолик қилади. Аммо шу нарса таажжуб уйғотадики, Алишер Навоий Хиротга қайтгандан кейин ҳам, икки-уч йил ўтишига қарамай, ўз шеърларини девон сифатида тартибга келтиришга ҳаракат қилмайди. "Бадоеъ ул-бидоя"га ёзилган дебочадан англашилишича, Навоийнинг бу ишга саъй-ҳаракат кўрсатмаслигига қуйидаги мулоҳазалар сабаб бўлган: биринчидан, шоирнинг шахсий мулоҳазаларига кўра, Амир Хусрав Деҳлавий, Хожа Ҳофиз Шерозий, Мавлоно Абдураҳмон Жомий, Мавлоно Саккокий ва Мавлоно Лутфий сингари шоирлар девон тузсалар ярашар, булар даражасига ета олмаган ижодкорларга девон тузишга ҳаракат қилиш ўзини юқори олишдир. Ҳатто, у надрмон дўсти Суҳайлий девон тузишга

ириштганлигини билса-да, ўзи бу хизматга қўл уришни ҳали эрта деб ҳисоблар эди. Унинг ўз сўзлари билан айтсак:

Бу қофила аҳлига ҳарам шавқи тамом,
Жаммозалари пўя била абрхиром.
Мен хастаки, ердин ола олмон бир гом,
Ҳамраҳлиқ алар бирла хаёледур хом. [5, Іт, 15-б.]

Иккинчидан, Алишер Навоий ўз шеърларининг баъзилари ғоявий бадиий жиҳатдан девонга киритиш даражасида мукаммал эмас, деб ҳисоблар эди: "... бу зобита қайдига кирмасдин ва бу робита силкига ортулмасдин бурун, бу жиҳатдинким, агар баъзиси насати синда айтилгон бўлса, баъзи сиғари синда дейилиб эрди ва баъзи соғ эрканда ўлса, баъзи ўсруклукда, ва баъзи хушмандликда бўлса, баъзи евоналикда воқеъ бўлуб эрди; ораларида шояхки, фоҳиш тафовут бўлғай аб жамъ қилмоғида даҳмарлиқ қилилмас эрди ...". [5, Іт, 24-б.]

Булардан англашиладики, Навоий девон тузиш ишини орқага суриб риши бизнинг назаримизда бир жиҳатдан, унинг ижодий ишга ўта асъулият билан қараганлиги бўлса, иккинчидан, маъсум Алишер эвоййнинг шахсиятига хос ўта камтарлик ҳамда ориятчилик билан зоҳланади. Баҳолонки, дебочада шоирнинг ўзи эътироф қилишича, унинг еърлари адабий гуруҳ ва мажлисларда зўр иштиёқ билан тингланган ва қори баҳоланган: "... мажолисда баъзи мазкур ва гавҳарнисор илгига аҳофилда баъзи ғазалиётим мастур бўлур эрди". [5, Іт, 17-б.]

Ёки "Дебоча"нинг бошқа бир жойида ёзилганидек, Навоий жуда шлигидан ёлқинли шоирона илҳомга, шеър ёзиш қобилиятига эга ўлганки, унинг қалами остидан чиққан шеърларни девон сифатида тартиб еришга ниҳоятда ҳожат йўқдек туюлади: "Чун табъи жибиллий

саломатдин ва ~~жибиллат-зоти~~ истиқоматдин орий эрмас эрди, ошиқлик кўчасидаким, ажиб холотга уоят ва хуморлиқ маҳалласидаким, ғариб мушкилотга ниҳоят йўктурур; ишқда хох ҳабиб жамоли ҳайратидин ва хох рақиб хаёли ғайратидин ва хох висол баҳори интизоридин ва хох фироқ хазони хор-хор изтироридин ҳар навъ иш юзланса эрди; ва майда хох мастлиқ айшу тарабидин ва хох махмурлиқ ранжу ғаабидин ва хох майфуруш иноятидин ва хох муҳтасиб шикоятидин ҳар амр вокиъ бўлса эрди, ул ҳолга лойиқ ва ул хаёлга мувофиқ:

Кўнглумда не маъни ўлса эрди пайдо.
Тил айлар эди назм либосида адо.

Ул назмга жонин қилибон халқ фидо,
Солурлар эди гунбази гардунга садо."[5, Iт, 13-б.]

Келтирилган иқтибос Алишер Навоийнинг бадиий тафаккури қувватидан далолат беришидан ташқари унинг шеърлари хаётий ҳиссиётлар асосида юзага келганлигига ҳам ишорат бор. Шундай экан, табиийки, шоир ижод этган биринчи шеърлариданоқ хабардор бўлган, шеърлардаги фазилат ва нуқсонларни муаллифга кўрсатиб борган, буюк шеърий қобилиятга эга бўлган Хусайн Бойқаро Навоийнинг девон тартиб беришини орқага сураётганлигига бефарқ қараб туролмас эди. Шунинг учун ҳам давлат ишларини бироз саранжомга келтириб, мамлакат хўжалигини йўлга солиб олган Султон Хусайн Мирзо дўсти ва сафдоши Алишер Навоийга девон тузиш ҳақида махсус амр қилади. Амр қилинган вақт ва унинг Навоий томонидан ижро этилган даври етук олимларимизнинг қарашларига кўра XV аср 70 йилларининг охирига тўғри келади.

Подшох амрининг мазмуни "Дебоча"да Навоийнинг ўз қўли билан шеър тарзида баён этилган. Мазкур амр бадиий ижод хусусида ибратомуз

фикрлардан иборат бўлганлиги сабабли биз унинг мазмунини тўлиқ келтириб ўтишни лозим топамиз:

Нидо еткурди ногаҳ мунҳийи роз,
Ки: - "Эй афсунгару афсонапардоз,

Балоғат қишварининг нуктадони,
Фасоҳат мулкининг соҳибқирони.

Равон хоманг учун айлаб муратгаб,
Атород кўз каросидин мураккаб.

Маоний хайликим, марғий эмас ул,
Ҳамоно қилди хоманг жавфидин йўл.

Улус табъинг саҳоби ёмғуридин
Бўлуб сороб, бал назминг дуридин.

Сўзунг бир ави уза чекти аламни,
Ки сурдунг ерш лавҳига қаламни.

Агарчи ахтаредур ҳар сўзунг пок,
Ки ~~аврулур эннинг~~ бошига афлок.

Валекин бу қадар фикри паришон.
Банот ун-наъшдек бўлмиш паришон.

Тиларбиз бу паришон бўлса мажмуъ,
Равон бўлким, эмастур узр масмуъ.

Чу олий ҳимматимиз бўлди мойил,
Сен ўлдунг мунча нодир сўзга қойил.

Бу навъ истайдур эмдиройи олий,
Ки қилғай фикратинг девон хаёли.

Жаҳонда кимга бўлса мунча фарзанд,
Ки бўлғай барча руҳафзою дилбанд.

Равомудур бизинг фаррух замонда
Аларни дарбадар қилмоқ жаҳонда?!

Берин йиғ эмди андоғким атолар,
Суруқ тифлин нечукким кадхудолар.

Ки бор ул хайли сарғардони сода
Санга фарзанд, бизга хонаводa.

Алар бечораву биз чорасбиз,
Сен ар номеҳрибонсен, биз эмасбиз.

Чу билдинг ҳукм, бор иштин ружуъ эт,
Равон мақсуд сори - ўқ шуруъ эт.

Мураттаб қилмагунча тинма бир дам,
Сўз ўлди мухтасар, валлоҳу аълам." [5, I т, I9-б.]

Султон Ҳусайн Бойқаро томонидан бундай фармони олийнинг содир ьлганлиги ҳақида Алишер Навоийнинг "Муншаот" асаридаги бир мактуб эм гувоҳлик беради. Бу мактубдан подшоҳнинг: "... Париҳон абъётингни амъ қилиб, Мавлоно Султонали Машҳадийга ёздуруб, ҳазратимизга ўорғил" [II, I3т, I04-I05-б.] деган фармони бўлганлигини ўқиймиз. Лекин, ктуб давомида шоир бу вазифани бироз кечроқ адо этганлиги учун узр ўраб, уни Мавлоно Мир Ҳусайн Боҳардийдан юбораётганлигини ёзади. ктуб мазмунидан "Бадоеъ ул-бидоя"ни биринчи бўлиб кўчирган котиб лтонали Машҳадий бўлган, деган фикр туғилади. Лекин, адабиётшунос ҳмуд Назаровнинг ёзишича, "Унинг (Алишер Навоийнинг - С.Д.) биринчи итоби Ҳусайн Бойқаро ҳохиш иродаси билан тузилиб, "Бадоеъ ул-бидоя"

лик билан чоп этилади. Шоирнинг илк девонини нусхаси гўзал безаклар билан чиқишини таъминлаш учун Бойқаронинг ўзи сарой котиблари ичида фузли бўлган Абдужамил қўлига топширади". [108] Бу фикрларнинг қайси ри тўғри эканлиги ҳақида бирор нарса дейишга ожизмиз. Чунки, адоеъ ул-бидоя"нинг дунёдаги энг қадимий Лондон нусхаси 1481-1482 лларга тегишли. Девон эса, юқорида қайд этганимиздек, 1470 йиллар ерида тузилган. Демак, "Бадоеъ ул-бидоя"нинг Лондон нусхасидан димийроқ бўлган тўнғич нусхаси ва унинг котиби ҳақида бирор фикр лдириш мушкул эмдир.

Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Навоий ва Бойқаро таларидаги ёзишмалар, Мирхонд, Хондамир, Восифий, Давлатшоҳ, физорий, Жалолиддин Юсуф каби тарихчиларнинг асарларида маълумот рилишича, шоирнинг деярли ҳамма асарларини тезроқ китоб ҳолига лтирилишига шахсан подшоҳ Султон Хусайн Бойқаронинг ўзи бошу қош либ турган.

Алишер Навоий томонидан тартиб берилган бу девон ХУ асрдаги росон ва Мовароуннаҳр адабий ҳаётида катта воқеа бўлди. Чунки, унга рган шеърларнинг тематик доираси, ғоявий-бадиий хусусиятлари олдин этиб берилган девонларга нисбатан ажралиб турар ва кўпгина зилатларга эга эди. Булар ҳақида тадқиқотимизнинг махсус бобларида ҳр юритилади.

Алишер Навоий девонининг ўша вргача тузилган девонлар билн умумий жиҳатлари ва фарклари.

Шаркда девон тартиб бериш анъанаси анча қадимий тарихга эга. Девон тартиб бериш, шеър-лар мажмуасини юзага келтириб китоб яратиш арабларда ислом пнигача бўлган даврда мавжуд бўлган. Абу Мансур ас-Саолибийнинг [тимат ад-даҳр" китобига ёзган сўзбошисида олим Исматулла Абдуллаев Ю.Крачковский сўзларига асосланиб, араб шеъриятида асосий ўрин тган касида Муҳаммаддан 150 йиллар илгари пайдо бўлганлиги ҳақида йиради [4,46-б] Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, у пайтларда рли-туман мавзуларда ёзилган ҳамда ҳажв жанрини ҳам ўз ичига қамраб иган қасидалардан девон тузиш одат бўлган. Маҳмуд Кошғарийнинг [евону луғотит-турк" асарининг йирик олим Солиҳ Муталлибов томонидан шр этилган нусхасида Кошғарий томонидан "шоир ёзди", "шоир деди" ган иборалар ишлатиладики, шунинг ўзиёқ туркий тилли халқлар расида ҳам шеърий тўпламлар юзага келтиришнинг узоқ тарихга эга анлигидан далолат беради. Лекин, биз тушунадиган маънодаги девонлар -X асрлардан кейин юзага кела бошлагандир. Шубҳасизки, шеърий жмуа, девон тартиб беришнинг ўзига хос хусусиятлари, анъаналари ҳам на шу даврларда юзага келган. Тарихий маълумотларга кўра девонлар фия ёхуд радифлари маълум ҳарфлар билан тугаган шеърларни бир китоб илида муқова билан ихоталаш асосида китоб яратишдан иборат бўлган. нгра, араб ёзувида 28 ҳарф мавжуд бўлганлиги учун девонларда ҳам на шу ҳарфларни маълум миқдордаги шеърлар билан тўлдириш асосий идалардан хисобланган. Маълумки, ғазал жанри форсий ва туркий лардаги адабиётларда X асрлардан кейин шаклланиб бошлаб XIV

рларда ўз такомилини топади [101]. Бу ходисе туркий тилдаги абиётда форсий тилдаги адабиётга нисбатан қарийб бир асрдан кўпроқ қт кейин содир бўлганлигини хам қайд этиб ўтмоқ лозимдир. Жумладан, мад Яссавийнинг "Девони хикмат" китобида битта-иккитагина газал раши фикримизни асослай олади. Зероки, бу даврларда Носири Хисрав 004-1088) каби форсигўй шоирлар соҳиби девон бўлганлар. Алишер воийгача бўлган даврда девон тартиб беришнинг яна бошқа талаблари м мавжуд бўлган. Жумладан шоирлар девон тартиб берганда унга хамд ъатлардан кейин биринчи галда қасида жанрида ёзилган шеърларни ритганлар. Кейин бошқа жанрдаги шеърларга ўрин берилган.

Алишер Навоий девон тартиб беришнинг бундай анъаналарига қидий муносабатда бўлган. Бу ўринда навоийшунос олим Исҳоқовнинг: "Навоийнинг девон поэтикаси соҳасидаги мавжуд ъаналарга танқидий муносабати йигитлик давридаёқ шаклланган"-8,12-б] лиги хусусидаги мулохазаси замирида катта ҳақиқат ётади. ар "Бадоеъ ул-бидоя"нинг дебочасидаги шоирнинг мулоҳазалари, вонининг тузулиши устида ўйлайдиган бўлсак, Алишер Навоийнинг ўз ври шеъриятидагина эмас, балки девон тартиб бериш соҳасида кашшофларча) йўл тутганлигига гувоҳ бўламиз.

"Бадоеъ ул-бидоя"нинг тузилган даври ҳақида аниқ маълумот (яъни, ик санаси мазмунида) йўқ. Таниқли олимлардан Ходи Зарипов, Хамид лайман, Мақсуд Шайхзода, Н.М.Маллаев кабилар девонни юзага келиш врини умумий тарзда 1469 йилдан 1470 йилнинг ўрталаригача бўлган вр деб кўрсатадилар. "Ўзбек тили ва адабиёти" журналининг 1989 йил сонида А.Абдуғафуров "Бадоеъ ул-бидоя"нинг тартиб берилган даври б 1478-79 йилларни белгилайдики, биз хам бу фикрга мойиллик рсатамиз.

"Бадоеъ ул-бидоя"нинг унгача ёзилган девонлардан ажратиб турувчи хусусиятларини шоир ўзининг девонга ёзган сўзбошисида аниқ кўрсатиб ўтганлиги тадқиқотчига қўл келади. Бундай туб фарқлар дебочада кўрсатилишича бештадир. "Неча навъ ишким, мунда марьий бўлубтурур, ўзга давовинда кўринмайдурур", - деб ёзади шоир.

"Аввал будуркми, хар кишиким девон тартиб қилибдурур, 32 харфдинки, халойиқ ибсратида воқеъдурур ва улус китобатида шоеъ, тўрт харфга таарруз қилмайдурурлар". Яъни, девон тартиб берганлар форсий ва туркийзабон шоирлар ёзувида мавжуд бўлган 4 харфга эътибор қилмайдилар. Яъни шу харфлар билан тугаган ғазалларни девонларига киритмайдилар. Бу холатни Алишер Навоий ўзигача яратилган девонларнинг қусури деб хисоблайди ва ўз девонини 32 харф билан тугаган шеърлардан иборат килиб тартиб беради.

Алишер Навоий ўз девонининг алохида хусусияти сифатида кўрсатган яна бир белгиси хар бир харфдаги шеърларнинг бошида хамд ёхуд наът шаклидаги шеърлар бағишлашидир. Навоийшунос олим Ё. Исхоқовнинг кўрсатишича, бу тадбир "девон таркибидаги хар бир гурух ғазалларга ўзига хос мустақиллик рухини бағишлайди" [78,13-б.] Дархакикат, Навоийнинг эътирофича хам, хар харфга битилган ғазалиётнинг аввалги харфларга битилган ғазаллар билан услуб жихатидан тафовутлари, шубхасиз, мавжуд бўлиб, унга риоя қилмаслик сохиби девонларнинг нуксидир. Дебочада бу шундай ифодаланган: "хар харф ғазалиётининг аввал битиган ғазал била ўзга ғазаллар орасида услуб хайсиятидин тафовут риоя қилмайдурурлар".

Алишер Навоий ўз девонининг учинчи хусусияти сифатида шеърларида инсонларга маърифат таратувчи байтларнинг кўпрок бўлишига алохида эътибор берганлиги, уларнинг инсон рухиятининг энг нозик жихатларини

иятишга мосланганлиги, қисқа айтганда, девондаги шеърларнинг ғоявий ва бадиий таъсир кувватига алохида эътибор берганлиги масаласидир. Шунингдек, шоирнинг таъкидлашича, айрим девонларда мажозий ҳусни зоҳирий хатту хол таърифидан иборатгина қилиб қўйиб, гўзалларнинг ҳусну жамоли таърифи айрим ҳолларда иффат пардасидан холи равишда тасвирланганлиги танқид қилинади. Навоийнинг фикрича, муҳаббат мавзуида ёзилган шеърларда ҳам "насиҳаторо ва мавъизатосо" байтлар киритилиши лозим. Шундагина, муҳаббат мавзуидаги шеърлар қадри, таъсир кучи янада ошади: "Яна бир букким, гўйиё баъзи ал ашъор таҳсилидин ва девон такмилидин ғараз мажозий ҳусну жамол тавсифи ва маҳсуд зоҳирий хатту хол таърифидин ўзга нима англамайдурурлар. Девон ошилғайким, анда маърифатомез бир ғазал топилмағай ва ғазал ўқулғайким, анда мавъизатангез бир байт бўлмағай. Мундоқ девон битилса, худ асру беҳуда заҳмат ва зойиъ машаққат тортилғон бўлғай. Ул жиҳатдин бу девонда ҳамд ва мавъизадин бошқа ҳар шўрангез ғазалдаким, истимоъи маҳвашларға мужиби саркашлик ва тамкашларға боиси мушаввашлик бўлғай, бирор-иккирор насиҳаторо ва мавъизатосо байт иркитоб қилиндиким, аларнинг ламъаи руҳсори иффат бурқаъидин кўп ошкори лозим бўлмағай, то аларнинг вужуди хирмани ул барқ иҳроқидин жилкул зойиъ бўлмағай, йўққим, бу ғазаллар ғизолалари жилвагарлик юз, балки пардадорлик ғоз қилсалар, бу байтларнинг насиҳатсов рўъмолари ва мавъизапардоз ноиҳлари монеъ бўлғайлар" [5, I т, 21-б.]

"Бадоеъ ул-бидоя"ни ўзга девонлардан ажратиб турувчи тўртинчи хусусияти шундан иборатки, ғазал ёзган айрим шоирлар шеърнинг матлаъи махсус навъда воқеъ бўлгон бўлса, ҳамул матлаъ услуби била тамом хильатин ва анжом кисватин кийдурмайдурурлар, балки тугагунча ҳар бир байт мазмуни висол саҳорида гулоройлик қилса, яна бири фироқ ...

азоида хорнамойлик қилибдурур". Шунинг учун ҳам шоирга "бу сурат оти мунособатдин йироқ ва мулоyаматдин қироқ кўринди".

Ниҳоят, "Бадоеъ ул-бидоя"нинг бешинчи хусусияти унда шоирнинг ўз вақтида шоеъ бўлган барча навъ (жанр) даги шеърларини девон тартибига киритишга ҳаракат қилганлигидир. Бу эса оддий ҳавас бўлмай, Алишер Навоий яшаган даврдаги адабий муҳитни, унинг жанр кўламини ўрганишга, у ёки бу жанрлар ташаккул ва тараққиёти хусусида фикр юритишга катта фойдаси тегади. "Бадоеъ ул-бидоя"да ўша жанр форсий ва туркий адабиётларда мавжуд бўлган қарийб барча навъдаги шеърлар – "дилтортар ғазал"лар, "руҳафзо мухаммас"лар, "равонасо мусаддас"лар, "латиф рубоиёт", "баржаста қитъа"лар, "дилпазир мустаъзод"лар, "дилкашсиз фард"лар, муаммолар, луғзлар, таржеъ, туюқ сингарилар киритилгандир. Девонга фақат маснавий ва қасида жанрида ёзилган шеърлар киритилмаган. Чунки, шоир уларни "алар доғи ҳар қайси бошқа мужаллад бўлғай" деган умид билан алоҳида-алоҳида китоблар сифатида ҳам этишни режалаштирган. Шундай қилиб, девондан 777 ғазал, учта мустаъзод, бешта мухаммас, иккита мусаддас, учта таржеъбанд, 46 қитъа, 85 та рубоий, 10 та луғз, 52 та муаммо, 10 та туюқ, 53 та фард ўрин олгандир. Бу жиҳатдан "Бадоеъ ул-бидоя" жанрлар нуқтаи назаридан Навоийгача тузилган ва Навоий даврида тартиб берилган девонлар ичида энг мукаммал девон ҳисобланишга лойиқдир.

Биз мазкур девонни шоирнинг мухлислари томонидан тузилган "Илк девон" номи билан машҳур бўлган девон билан муқоиса қилиш натижасида баъзи хулосалар чиқаришга ҳам муваффиқ бўлдик. "Бадоеъ ул-бидоя"нинг дебочасида Алишер Навоий бу девондаги баъзи ғазаллар ҳақида бундай ёзади: "... аммо халойиқ аросида минг байт ... икки минг байт ўтуғроқ-ўксукрақким ўзалари жамъ қилиб эрдилар, бағоят машҳур бўлиб

ди. Буларнинг тартибига хукм бўлгондин сўнгра баъзи абётеким, ирок ва баъзи газалиётеким нотамомрок эрди, китобат шукъидин ва урат вукуъидин ўзгалар орасидин хорик килмоклик мутаазир, ики мухол кўринди, ул жихатдин хар кайси ўз ерида назм силкига рди" [5,Iт,24-б.] Демак, "Илк девон"даги анчайин машхур газалларни ир – уларнинг халк орасида машхурлиги сабабидангина, улар шоирнинг а даврдаги табъини коникттирмасалар хам – янги девонга киритишга абур бўлган. Лекин, оз бўлса ва ишлов берилмаган, назм, мазмун ёхуд азу талаблари муносабати билан бирор сўз бўлса-да ўзгартирилмаган зал девонда йўк, десак хато килмаймиз. Бундай тахрир натижасида лк девон"даги баъзи газаллар "Бадоеъ ул-бидоя"га кирмай хам колган. аладан, шоирнинг:

Илохо, подшохо, кирдикоро,
Сенга очуг нихону ошкоро.

Сабур исми била килсанг тажалли,
Килиб Намрудга юз минг мадоро.

Качонким зохир этсанг танзаул мулк,
Скандарнинг бўлуб маглуби Доро.

Йўлунг мухлик тоши окути ахмар,
Залиинг тийра гарди мушки соро.

Сухо бўлса шабистонингда толиъ
Бўлуб нури куёшдек оламоро.

Навоий нафс зулмотига колмиш,
Сен ўлмай хизри рах чикмок не ёро.

Қиёматда гунохин афв этарга
Расулингни шафиъ эт, ниргдикоро [6, 1б] –

[...]фона ғазали "Илк девон"нинг биринчи ғазалидир. Бу ғазал "Бадоеъ [ул]-бидоя"да йўқ. "Илк девон"даги иккинчи:

Зиҳи жавлонгаҳинг афлок уза майдони "ав адно",
Бурокингга тўққуз гумбаз, бу тўққуз гумбази ҳазро [6, 2б]

[ма]тлаъли ғазал эса "Бадоеъ ул-бидоя"га баъзи бир таҳлил билан [ў]рнида келган ва ҳ.к. Фикримизча, таҳрир натижасида айрим [ғаз]алларни янги девонларга киритмаслик, икки ғазалдан битта янги [ғаз]ал тузиш Навоий услубига хос бир хусусиятдирки, бу ҳолни биз [Ғ]азойин ул-маоний" девонларининг тартиб берилиши даври ҳақидаги [куз]атишларимизда ҳам учратдик. Бундай фикр адабиётшунос Баҳоб [Раҳ]моновнинг "Бадоеъ ул-бидоя" девони ҳақида" номли мақоласида ҳам [кў]зга ташланади: "Дастлабки кузатишлар шуни кўрсатадики, Алишер [На]воий, биринчидан, теран маъноли фикрлар ифодаланган ғазалларни [мука]ммал, пухта яратган; кейинги девонларга ўтган шеърларда таҳрир - оз; [Би]з бу фикрга қўшилмаймиз ва бу мавзуга махсус бўлимда қайтамиз. - [Ҳ.Ҳ.]) иккинчидан, айрим сўзларни ўчириш ва бошқа сўз қўйиш билан [фик]рни ёрқинлаштирган, кучайтирган; учинчидан, муаллиф шу даражада [тала]ттиққўлки, илк девонлардаги айрим ғазаллардан "Хазойин ул-маоний"ни [тузиш]да тамоман воз кечган, девонга киритмаган" [115]. Бу ҳақдаги [му]лоҳазаларимизни шу мавзуга бағишланган алоҳида бобда келтирамиз.

"Бадоеъ ул-бидоя"га ёзилган дебоча Алишер Навоийнинг бадиий ижод [ма]салаларига муносабатини ўрганиш жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга [моли]кдир. Шоирнинг маълумот беришича, у "умр шабистони шамлари [ба]ридан мунаввар ҳамда йигитлик гуллари атридан муаттар" бўлган

...лардаёқ унинг кўнглига маҳбуба ишқи гулгула солади. Натижада тилидан "назм дурдоналари тўкила бошлайди". Унинг ёзган ғазаллари "харобот дурднўшлари, муножот хирқапўшлари, авом ва фозиллар орасида" машҳур бўлади. Ўз замонасининг "карим ул-хулқ шаҳзодалари, азим уш-шаън шаҳзодаларининг илтифотига мушарраф бўлади". Хуллас, туғма талант соҳиби бўлган Алишернинг ижоди темурий шаҳзода Ҳусайн Бойқаронинг назарига тушиши Навоийнинг бадиий ижод билан жиддий шуғулланишига рағбат берди. Холисона айтганда Ҳусайн Бойқаро Навоий ижодининг ибтидосидан то интиҳосигача муҳаррири, ҳақиқий бўлгандир. Шу нарсанинг ўзиёқ айрим масалаларда Ҳусайн Бойқаро билан шоир орасида юз берган ҳаётий келишмовчиликларга ижтимоий-сиёсий тус бериб, Ҳусайн Бойқарони Навоийга ғоявий душман қилиб кўрсатиб келинганлиги асоссиз, бемаъни даъво эканлигини фош этади. Навоий ўз ижодининг илк даври ва унинг илк танқидчиси ҳақида ва қандай илиқ мулоҳазалар баён қилган: "... матлаъе ё ортуқроқ, ё тамом ғазал тилим хомаси такририга келса эрди, филҳол ани мушкбор қалам бирла кофуркирдор сафҳага рақам қилиб, оқу қарони андин махтут қилур эрди ва яна ҳам анга қаробат ҳисоблиқ гезафҳм шаҳзодалар ва соҳиб интисоблиқ хуштабъ мирзодалар мутеаддид савод қилиб, сойир ҳусида ўйилур эрди ва ошиқпеша беқарорлар жалиси меҳнати ва фидукешева гулъузорлар аниси суҳбати бўлуб, хавосу авом орасида иштиҳори тамом ва интишори молокалом топар эрди" [5,II,13-б.]

Дебочада шоир ўзидан аввал ўтган ва ўзига замондош бўлган Амир Хусрав Деҳлавий, Хожа Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Мавлоно Саккокий, Мавлоно Лутфийларни шеърият фанининг пайғамбари даражасида эътироф қилади. Бу каломкаталардан эса ўзининг "форсийдисор ва туркийшиор ёри азизи" Суҳайлийни катта ҳурмат билан тилга олади.

[...]и, шоирнинг эътироф қилишича, буларнинг шеърларида маъно латиф [...] дибоога омухта қилинган ҳолда юзага чиқарилган. Демак, Навоий [...]ларни:

Ойни ёруг, чархни демак баланд,
Табъи баланд элга эмас дилписанд.

[...]ган ҳақиқатни англаб етмаган шоирлардан ажратиб кўрсатади.

Дебочада яна шу нарса эътиборга лойиқки, бадиий ижод учун [...]йишта, маъмур, адолатга асосланган давлатнинг юзага келиши, давлат [...]игининг эса доно, халқпарвар бўлишдан ташқари маърифатпарвар [...] ҳам катта аҳамиятга эгадир. Алишер Навоий ўз ҳаётининг маълум [...]рларида ана шундай имкониятга эга эди. Яъни, "мулк шабистони бир [...]лат машъали била равшан бўлди". У давлатнинг раҳбари Хусайн [...]қаро шоирга фақат ҳомийгина бўлиб қолмай, балки унинг шеърларининг [...]ирчиси ҳам эди. Шунинг учун ҳам Навоий ёзган ҳар бир байт - [...]байт, ҳар бир нома - шоҳнома рутбасига эга бўлди:

Бўлди, чу шоҳ сурди ислоҳ этарга хома,
Ҳар байти - шоҳбайте, ҳар нома - шоҳнома.

[...]айн Бойқаронинг Навоий ижодига раҳнамолиги зўравонликка [...]сланмаган. У шоирни "менинг ҳукмронлигимни мақтайсан" деб зугумга [...]олмаган. Бунинг акси ўлароқ, Навоий жуда кўп асарларида Хусайн [...]қаро шахсияти ва сиёсатидаги нуқсонларни қаттиқ танқид қилган ва [...]ўл билан подшо салтанатининг равнақига фойда етказган. Бу билан [...]оий бадиий ижод масаласига ҳукумат ва унинг арбоблари тўғри [...]намолик қилиши масаласини кўтариб чиқади, ижод эркинлиги [...]ласини кўтариб чиқади. Масалан, Хусайн Бойқаро подшоликни қўлга [...]андан кейин ҳам унинг ижодини кузатиб борир экан, шоир

...рларидаги баъзи иборалар қусурини "тағйир бермак била айбдин муарро", баъзан эса " маоний футурин ислох қилиб, нуқсондин муарро" ... билан чекланган. Агар Хусайн Бойқаро ва Навоийнинг ана шундай ...ятларига давлат ва ижод ахли нуктаи назари сифатида тасаввур қилиб, уни бахоламоқчи бўлсак, 20-йиллардан то яқин йилларгача ...нинг мамлакатимизда айтилиб келинган ижод эркинлиги ҳақидаги ...ларнинг сафсатадан бошқа нарса эмаслиги очилиб қолади.

Алишер Навоий биринчи девонини тузишгача бўлган даврларда бадиий ижодга ўта талабчанлигидан ўз байтларини "халқ сингари куфри ярим" деб ҳисоблар эди. Хусайн Бойқаро унга бадиий ижод маҳсулоти шоирга фарзанд бўлиши, ҳатто шоирнинггина эмас, элнинг ҳам фарзанди сифатида қадр топиши ҳақидаги фикрларни уқдиради. Унинг:

Улус табъинг саҳоби ёмғуридин
Бўлуб сероб, бал назминг дуридин.

...еган сўзларидан бадиий ижод фақатгина хусусий иш эмас, балки ижтимоий иш эканлигига имон келтиради ҳамда зудлик билан девон тартиб беришга киришади. Алишер Навоий девонининг тузилиш жиҳатидан аввалги девонлардан ажралиб турувчи жиҳатлари ҳақида олдинги саҳифаларда имкони батафсил гапирдик ва у саҳифаларда дебочадан келтирилган иқтибослар орқали Навоийнинг бадиий ижодда халққа фойдали мазмуннинг устунлиги, бадиий шаклнинг ҳам гўзал яратилган бўлиши, ғазал яратганда кўпроқ мавзунинг яхлит усулда ёритилишига эътибор бериш, ҳар бир лирик жанр хусусиятига кўра мазмун танлаш, муҳаббат ҳақидаги шеърларда ҳам маърифатомез фикрларни жо қилиш, бу навъ шеъриятда беҳаё тавсифни ишлатмаслик каби масалалар ёритилганлиги ҳақида маълумот берилди. Унинг учун ҳам бу хусусда яна гапириб ўтириш лозим бўлмаса керак.

[illegible], бир нарса хусусида гапириш лозимки, бизнингча Алишер Навоийга [illegible] масаласида Шамсиддин Муҳаммад Хофиз Шерозий ибрат ролини [illegible]ган бўлиши керак. Бу нарса Алишер Навоийнинг Хофиз Шерозий ҳақида [illegible]нинг охирларида яратган бир асарида: "асрори ғайбия ва маонийи [illegible]ки, сурат кисватида ва мажоз либосида адо қилибдурлар" деб [illegible], Хофиз шеърларининг "алфоз латифлиги, тарки покизалиги, адо [illegible]сати ва латофати, маъни ғариблиги" хусусида ҳавас билан гапириши [illegible] "ҳеч девон Хофиз девонидан яхшироқ эмас" деган фикрга қўшилиши [illegible]га далил бўла олади [11, XV т, 184-б.]

"Бадоеъ ул-бидоя"даги асарларнинг зойин ул-маоний"да жойлаштирилиши, ртиби ва шоир маҳоратининг тадрижий комили.

Илмий адаб аҳлига маълумки, "Бадоеъ ул-бидоя", "Наводир ун-ниҳоя" девонлари таркибига кирган кўп хил турдаги шеърлар кейинчалик мутафаккир шоир томонидан тузилган зойин ул-маоний" девонлари таркибига кирган. "Хазойин ул-маоний"ни ҳрат Алишер Навоий шоирлигининг куллиёти деб атаса бўлади. ълумки, йирик шоир ўз қўли билан шеърларини куллиётга жамлар экан, атта, уларнинг энг яхшиларини жамлайди. Таҳрир талабларига кўра рга ишлов беради. Бу иш юзаки қараганда енгилдек туюлади. Аммо, рихий шароитни ҳисобга олганда, ўша даврда ҳукм сурган йирик мурийлар давлатининг гоявий интилишларини ҳисобга олганда, бу иш Алишер Навоий учун ҳам гоятда огир, мушкул юмуш эди. Чунки, ркий тилдаги буюк "Хамса"ни юзага келтиргандан кейин, туркий тилда ълум бир муаллифнинг битта, иккита, учта эмас, тўртта девонга либос дириши шахсий иш доирасидан кўтарилган, байналмилал моҳиятга ик, гоятда улуг бир иш эди. Бу улуг ишнинг халқаро моҳиятини йёс камолот соҳиби бўлган давлат арбоби Абулгози Султон Ҳусайн йқаро ҳам англар эди. Олдинги саҳифаларда Алишер Навоийни ўзининг роканда шеърларини тўплаб девон ҳолатига келтиришни (хатто, буйруқ ли билан) Ҳусайн Бойқаро амалга оширтирганлиги ҳақида гапирган ик. Илмий тадқиқотимизнинг мазкур бўлимида ҳам ХУ асрнинг бу буюк, о давлат арбоби ва бокиёс адабиётшунос олими фаолиятини четлаб ламаймиз. Негаки, Алишер Навоий ўзининг "Хазойин ул-маоний" онлар куллиётига дебоча ёзар экан, бу куллиётнинг юзага келишида рча имкониятларни Ҳусайн Бойқаро яратганлигини, шундай девон

[illegible]га яна буйрук билан муаллифни мажбур этганлигини алоҳида [illegible]ради. Ҳатто, халқ шуни тушунсин, деб ҳазрат Навоий: "агар менинг [illegible]ни кўчирар эканлар, бу девонларнинг юзага келишидан иборат [illegible]чамни ҳам албатта қўшиб кўчирсинлар", деб илтижо қилади: "ул [illegible]ҳоштим саводин бу дебоча зайлида сабт эткаймену [illegible]кучиларга ҳам бу фехристдин бу арзадоштни айирмаска васийят [illegible]ймен" [5, III-т, 20-б.] Демак, бу билан буюк шоир халқ орасида [illegible] девон" деб шуҳрат қозонган "Хазойин ул-маоний"нинг юзага [illegible]га Султон Хусайн Бойқаро Мирзонинг бевосита маданияти юзага келдийди ва шоир ўз девонлар куллиетини яна шу мақсад эвазига [illegible]зойин ул-маоний" деб атаганлигини фахр билан тилга олади:

Бу баҳрки, ганжи ломаконий дедилар,
Ҳар қатрасин оби зиндагоний дедилар.

Шаҳ махзани табъидин нишони дедилар,
Ким, ани "Хазойин ул-маоний" дедилар.

Алишер Навоий ўз девонлар куллиётини буюк устози ва ҳўлдоши [illegible] Бойқаронинг буйруғи билан тартиб беради. Бу ҳақда куллиёт [illegible]часида шундай дейилган: "... хукми ҳайратангез етишти. Мазмуни [illegible], эй қадимий бандайи хосу эй бойирий ходими назий ул-ихтисос, [illegible]ги икки девонким, бизнинг ҳукму хитобимиз била мураттаб қилдинг [illegible]уллиёту жузвиётин бизнинг машварату таълиму истисвобимиз била [illegible]нгким, бирининг ишқомез абётидин бу эски дайрнинг рафиъ тоқида [illegible]инг шўру ғавғосидур ва яна бирининг шавқангез ғазалиётидин бу [illegible] маниъ гунбад равоқида муҳаббат аҳлининг ҳўйу алолоси. Андин [illegible]ра йиғилган зитъорнингу назм риштасига тортилгон дурри шаҳворнинг [illegible]ди бурунги девонлардин ортиқ чоғлиғдурур ва бу латофати сифоти

[illegible] ва малохати симоти махбублар била яна икки девон тартиб берса [illegible]дек маълум бўладур. Нетгунгдурким, бу ишдин дилбандрок бўлгайу [illegible]гунгдурким, бу шуглдин судмандрок бўлгай. Эмди аввало будурким, [illegible]риб ишга кўнгул келтургайсен, балки хукм бу эрурким, бу ажиб [illegible] хома сургайсену тафаккур хилваттохида хаёл шўху раънолари била [illegible] тузгайсен ва то фалак гардиш килур башар жинсининг хаёлига [illegible]маган аъжубани элга кўргузгайсен. Ўзунг билурсенким, назм [illegible]нинг хосларики шеър бахрининг гаввосларикким, рухпарвар наволи [illegible]фосларидин замона базми тўлибдур ва хаёл дарёсидин чикарган [illegible] тухфаларидин даврон кабоси жавохир била мурассаъ бўлубтур, [illegible] кайси оламнинг рубъи маскунин оля олмайдурур ва тўрт тавҳардин [illegible]раккаб бўлгон башар хаёли хеч кайсидин тўрт девон ёдгор колмайдур. [illegible] ўз асрида ганжи маънавий Амир Хусрав Дехлавийни дерларким, Султон [illegible]нох Алп Арслон отига тўрт девон мураттаб килмиш бўлгайу [illegible]тимасини анинг оти била музайян этмиш бўлгай ва бу иши ул замоннинг [illegible] ямони кулогига етмиш бўлгай, агарчи бу сўз мазкурдур, аммо ул [illegible]онлар маъдумдур ва ул маъдумларнинг агарчи асомийси мавжудлур, [illegible] вужуди номаълумдур. Хаёлга ўткариб, варакка нигориш килмаганму [illegible], ё тилга кечуруб, тартиб жилдига чекиб тузориш бермаганму [illegible]ким. "Хамса"сики сойир манзум кутубу расоили ўз холи била [illegible]вжуддур. Бу тўрт девони замон ахлидин мехру вафо ва инсофу [illegible]ватдек нобуд. Чун сенга тавфик мадад килибтуру бу максуднинг хеч [illegible]. йигилмаган моддаси йигилибтур, тиларбизким, фурсатни ганимат [illegible]гайсену бу муддао хусулига рағбат килгайсен". [5, III-т, 14-б.]

Ана шу тарика Хусайн Бойкаро Навоийни девонлар куллиёти тузишга [illegible]тлантиради. Чунки у, яна бир бор таъкидлаймиз, бу ишнинг жахоний [illegible]миятини Алишер Навоийдан кўра хам чукуррок англар эди. Алишер

...т кийин, аммо саодатбахш юмушга саъй кўрсатади. Бу давр тахминан ...йиллар эди. Султон Хусайн Бойқаро эса дўстининг саломатлигию, ... фаолиятидан бир нафас ҳам ғофил эмас эди. Буни унинг "биз ҳеч ... сенинг ҳолингдан ғофил эмас экандурмиз, аммо бу ҳолдан сен ... кўнглимиздин ҳаргиз ёдинг зойил эмас экандур" деган сўзларидан ...англаса бўлади.

...Алишер Навоий бу меҳрибончиликка жавобан зўр ғайрат билан ишга ...иб, бўлажак девонлари таркибига кирувчи ғазалларни саралайди, ...ҳам ҳарфлар учун ҳам кўрилган янги ғазалларни ёзиш билан машғул ...эди. У бу даврдаги фаолияти ҳақида шундай деган:

Кун бор эрдиким бир ғазалу икки ғазал,
Вал уч ғазалу тўрт ғазал баъзи маҳал.

Махвашлардек бори латофатда масал,
Боғлаб кийибон юзга хула тўнга ҳулал.[5, III-т, 16-б.]

...шер Навоий тахминан ҳар бир ҳарф учун танланган ғазалларини улар ...60 тами ёки кўпроғини Хусайн Бойқаро назарига бардавом етказиб ...ар эди: "Чун бу мавзун ҳаракатлик дилкашлару бу матбуъ сифатлик ...кашлар эллик, олтмиш ё юзга яқин бўлсалар эрди, бу фақир ... ...тон соҳибқироннинг ҳарами саройига киюрур эрдим". [5, III-т, 17-б.]

...Муаллифнинг ўз ғазалларини подшоҳнинг назарига етказиб туриши ...ша сенинг ҳукмингга амал қилиб девон тузяпман", деган маънода ...ган. Алишер Навоий бу юмушни амалга ошириш билан ўз даврининг ...да билимдон адабиётшуноси имтиҳонидан ўтган. Зеро, шоирнинг ўз ...профича, унинг шеърларига баҳо бериш, камчиликларини одилона ...тишда Хусайн Бойқарочалик мудаққиқ ҳам бўлган:

Эй Навоий, хурдайи назмингга ислоҳ истасанг,
Шоҳи Розийдин жаҳонда хурдадонроқ йўқ киши. [5, I-т, 525-б.]

Ҳусайн Бойқаро Навоий асарларини кўздан кечириб, унинг кўзга ташланмас энг кичик нуқсонларигача аниқлаб, уларни тузатиш йўлларини устига кўрсатиб берган. Бугина эмас, Ҳусайн Бойқаро саройида тез-тез бўлиб турадиган шеърхонлик йиғинларида ҳам Навоийнинг янги шеърларини шеър анжумани кўригидан ўтказган, сўнгра эса ҳар бир ҳарфга мосланган ғазалларини девонда қандай жойлаштириш лозимлиги ҳақида ҳам фойдали маслаҳатлар берган. Бу ерда ҳазрат Навоийнинг қуйидаги эътирофини келтириб ўтишни лозим кўрамиз. Чунки, келтирилаётган бу иқтибос Навоий ғазалиётининг таҳрири масаласига ҳам тааллуқлидир: "Ул ҳазрат иноят кўзи била ул раъноларни кўруб ва илтифот назарин ҳар бирига солуб, қайси бирининг ҳарири ҳулласида қусуре кўрунса ё ҳуллаву зеварни мурассаъ қилган жавоҳирда адами муносабат сабабидин футуре зоҳир бўлса, ул либосларни чиқариб, хизонайи хосдин муносиб ранглиг ва нозу дабо либослар барча қийматий гавҳарлар била тарсиъ қилғон келтуруб, ул шўхларга кийдурур эрди ва ҳар қайсини ўз муносабатига кўра тартиб била <u>ўз олий мажлисида ўлтуртур эрди</u> (таъкид меники – Д.), яъни айтилган абёт барча латойифоссор ва сабт бўлғон ашъор барча заройифошиорким, аллик, олтмиш ё юз ғазалга яқин йиғилса эрди, ҳазрати Султони соҳибқироннинг фирдавсосо суҳбатидаву сипеҳрфарсо ҳазратида ҳозир қилиб араға еткурур эрдим ва ул ҳазрат аларға шафқат кўзин боқиб, қайси маъно шўхининг таркиби хилъатида ва алфози кисватида бетакаллуфлук кўрса, ўз ганжинайи замири хизонасидин муносиб алфоз била ул либосларга тағйир бериб ва ул алфоз кисватида зойиъ жавоҳиридин номуносиблиг маълум қилса, ўз хизонайи тотири

...насидин ёқуту лаъли рангин ва гавҳару дурри самин била ул забу ...тқа табдил еткуруб, ҳар ғазални тартиб юзидин ўз ўрнига рақам ... эрди". [5,III-т,18-б.]

Келтирилган парчадан шу нарса англашиладики, Ҳусайн Бойқаро ...га келадиган "Хазойин ул-маоний"нинг биринчи ва энг қаттиққўл ...рири бўлган. Навоий ўз ғазалларига ана шу қаттиққўл муҳаррирнинг ...маси билан фойдали таҳрирлар киритади. "Бу банда ҳам, - деб ... шоир, ул ҳазратнинг буйруғи таълими била янда жузвий дахлда ... бўлгаймен".

Алишер Навоий ўз шеърларини Ҳусайн Бойқаро ва сарой шоир аҳли ... назаридан ўтказгач, машҳур тўрт девонга тартиб беради. ...ларнинг тарҳи (схемаси) кўриб ўтилганидек аҳли адаб назаридан ... пишиқ тарх эди. Ана шу режага кўра Навоий тузган аввалги икки ...нинг шеърлари "Хазойин ул-маоний" таркибига қўшилиб кетди. Биз ... девонлар куллиётига кирган шеърларнинг таҳрири хусусида сўз ...дан олдин "Бадоеъ ул-бидоя" шеърларининг "Хазойин ул маоний"нинг ... девонларига қанчадан киритилганлигини кўрсатувчи заҳматкаш ...уяос, машҳур профессор Ҳамид Сулаймон томонидан тузилган ...лни илова қилишни лозим топамиз. Бу жадвалга биз "Бадоеъ ...бидоя"дан "Хазойин ул-маоний" девонларига кирмай қолган шеърлар ... ҳам илова қилдик. (Жадвал - I, 153 бетда).

Илмий тадқиқотимизнинг талабига кўра биз бу ишларни, яъни проф. ... Сулаймоннинг "Хазойин ул-маоний"нинг мукаммал вариантини чоп ... соҳасидаги хизматлари шарҳига кўп тўхталиб ўтирмаймиз. Бу ишни ... навоийшунослиги алоҳида қадрига етишини хис этиб турибмиз. Бу талабига кўра, буюк адабиётшунос Султон Ҳусайн Бойқаро ва XV ... Ҳирот адабий жамоатчилиги назаридан ўтган Алишер Навоий

...ларининг тахрири хақида баҳоли қудрат фикрлар баён қилмоқчимиз. ... бу таҳрирларнинг қай бири Алишер Навоийга, қай бири Хусайн ...рога тегишли эканлиги хусусида аниқроқ фикр билдиришга ожизмиз. ...ақда бизга бирор тарихий маълумот етиб келмаган. Лекин, шуни яна ...бор таъкидламоқчимизки, бу шеърлар шоир таҳриридан сўнг, Хусайн ...зо назаридан ўтган ва унинг саройи шеър аҳли мажлисларида ...хокама қилинган. Демак, бу шеърлар фақат икки буюк олим ва ...нинггина эмас, балки ХV аср Ўрта Осиё цивилизациясининг маркази ....Ҳирот аҳли табъи назаридан ҳам ўтган мукаммал гўзалликдир.

Бизнинг ожизона кузатишларимизча, агар таҳрирни гуруҳлаш...моқчи бўлсак, уни тахминан беш гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси ...им сўзларнинг байтда бажариб келган хизматига кўра, ёхуд бирор бир ...знинг байтдаги мазмуний нотўлиқ ифодаласи билан боғлиқ ўз...ришлардир. Қуйида шундай таҳрирлардан бир нечасини кўздан ...чирамиз. Масалан, "Бадоеъ ул-бидоя"да:

Эй мусҳафи рухсоринг аввал хаттидин инщо,
Дебочаи ҳуснунгда абад нуктаси туғро

...ган байт "Ғаройиб ус-сиғар"да:

Эй сафҳаи рухсоринг аввал хаттидин инщо,
Дебочаи ҳуснунгда абад нуктаси туғро

...эида келтирилади. Бу ерда мусҳаф тўлиқ бир китоб маъносидаги ...дан кўра, ўша табаррук китобнинг бир саҳифаси мазмунидаги "сафҳаи" ...ган таҳрирнинг инщо этилиши ҳар томонлама маъқулдир. Бундан ...шқари, "рухсоринг китоби" дегандан кўра "рухсоринг саҳифаси" ...ораси анча конкретроқ. Очиқ турган китобнинг икки саҳифаси и инсон ...зрасига, икки юзга қиёс қилса бўлади. Яна шуниси борки, китоб

...фалари хам, инсон юзлари хам битта "бет" сўзи билан ифодаланади. ...ҳол таолю ўзидан андоза олиб инсонни яратган, деган наклга асосан, ...нинг тахрирдан кейинги мазмуни шундай бўлади: "рухсоринг ...фасида бошланганига чеку чегара йўк хат ёзилган бўлиб, бу хат ...идаги зархал сарлавха, ёки чехрангдаги мэнг (хол) кўркинг ...шидаги абадийлик нуктасидир". Бу ерда яна китобат санъати ...ян " ازل " сўзидаги нуктага хам ишора бор. Ёки шу девоннинг ...ртинчи газали учинчи байтидаги "фасохат" сўзи бу газалнинг "Наройиб ...сигар" нусхасида "балогат" сўзи билан алмаштирилади. Фикримизча бу ...ир бир сўзни газалда икки марта кўлламаслик ниятида килинган ...са керак. Чунки газал матлаъида хам, унинг учинчи байтида хам бу ...э бир маънода учрайди:

Эй, хамд улуб махол фасохат била санга,
Андокки, курби таквию тоат била санга...

Чун коинот зубдаси ожиз кўруб ўзин,
Хамд эта олмас онча фасохат била санга.

...ирдан кейин эса, хар бир сўз ўз ўрнини топган:

Эй, хамд улуб махол фасохат била санга,
Андокки, курби таквию тоат била санга...

Чун коинот зубдаси ожиз кўруб ўзин,
Хамд эта олмас онча балогат била санга.

...а бир мисолни олиб кўрайлик. "Бадоеъ ул-бидоя"нинг олтинчи газали ...лаъидаги "бўлур" сўзи вазн талаби билан "ўлур"дан кўра "эрур"ни ...аб килади. Худди шунингдек, еттинчи байтдаги "хар неча" сўзлари ...нга "нечалар" вазннинг равонлигига жавоб беради. Икки вариантдаги

...ўзларни хотирга келтириб, байтларни кўздан кечирайлик:

Эй нубуввват хайлига хотам сани одам аро,
Гар алар хотам, сен ул отким, бўлур хотам аро.

"Ғаройиб ус-сиғар"да:

Эй нубуввват хайлига хотам сани одам аро,
Гар алар хотам, сен ул откимки, эрур хотам аро.

* * *

...ул-бидоя"да:

Машъале бўлмиш малак илгида равзанг бошига,
Ой чароғи ҳар неча бу нилгун торам аро.

Ғаройиб ус-сиғар"да:

Машъале бўлмиш малак илгида равзанг бошига,
Ой чароғи кечалар бу нилгун торам аро.

Бу хилдаги таҳрирлар фақат вазн талаби билан эмас, баъзан ...тиқий талаблар нуқтаи назаридан ҳам амалга оширилади. Чунончи, ...доеъ ул бидоя"даги қуйидаги байтларга эътибор қилайлик (7-ғазал, ...-бет):

Рафиқинг тойир андоқким Сулаймон олида ҳудҳуд,
Бурокинг сойир анжум шохи остида сорисоро.
(7 байт)

Навоий хуш кўрар оламни онинг ёдидин, йўқса,
Анга хошок аро ўтлактурур дунёву мофиҳо.
(9-байт)

У байтлар "Ғаройиб ус сиғар"да қуйидагича таҳрир билан берилган:

~~Рафиқинг тойир андоҳим~~ Сулаймон оллида ҳудҳуд,

Буроқинг сойир анжум шоҳи устида спехросо.

Навоий хуш кўрар оламни отинг зикридин, йўқса,

Анга дўзах аро ўтдектурур дунёву мофиҳо.

Байтдаги "остида сарисоро" деганидан кўра, "устида спехросо" [illegible]маси анча мақбул ҳисобланади. Чунки набининг учар оти меърож чоғи "анжум шоҳи" бўлмиш ойнинг остидан эмас, устидан учгани кўу[illegible]дир.

Мақтаъдаги "онинг ёдидин" деган бирикмага нисбатан, гап Муҳаммад пайғамбарнинг меърожи ҳақида кетар экан, "отинг зикридин" анча [illegible]ёт ва хушҳазмроқдир. Бундан ташқари ғазалнинг бошида муаллиф пайғамбар шахсига мурожаат қилиб келиб, мақтаъда эса "онинг ёдидин" б уни учинчи шахсга айлантиргандан кўра, яна бевосита набининг ўзига мурожаатан "отингни тилимда зикр қила-қила оламни хуш кўрадиган одам" деганы, албатта, маъқул кўринган. Бунинг мумкин таҳрирчига. [illegible], байтдаги "хошок" ўрнига "дўзах" истилоҳининг қўлланилиши ҳам [illegible]рида ишлатилган. Чунки, хошок орасидаги ўт олов олиб бир лаҳзада [illegible]ни кулга айлантиради, шу билан тамом. Дўзах ўти эса абадий [illegible]ди. Демак, таҳрирдан кейин байтнинг маъноси янада чуқурлашади: [illegible] сенинг номингни тилимда такрор-такрор этмасам, бу дунё мен учун [illegible]даги ўтдекдур, у қиёматга қадар абадий, узун умримнинг [illegible]сигача (хошокдек бир марта куйдириб, кул қилиб қўя қолмайди) [illegible]дира-куйдира азоблайди".

Бундай таҳрирлар жуда кўп бўлганлиги сабабли уларнинг ҳаммаси тида тўхталиб ўтиш ортиқчароқ бўлса керак.

Энди тахриринг иккинчи хил кўринишлари ҳақида фикр юритайлик. Бу тахрир пайтида шеърдаги бирор мисра ёки мисранинг катта қисми ўзгариллади. Масалан, "Бадоеъ ул-бидоя"даги 491-ғазалнинг тўртинчи байтидаги биринчи мисра ана шундай ўзгаришга учратилган. Байтнинг тахриридан олдинги ҳолати қуйидагича:

Ҳар бири юз миҳнат айлаолар, эрур бу ҳам жафо,
Юзу зулфинг даврида мундоқ кечар ёзу қишим.

"Хазойин ул-маоний"нинг I-томида (435 - бет)

Ҳар дам иккинг янгу сочинг олдида дармондамен,
Юзу зулфунг даврида мундоқ кечар ёзу қишим.

шаклида келган. Ғазал:

Ер юзини тутти ажзим, кўкка етди нолишим,
Юқори тенгрию қуйи сендин ўзга йўқ кишим. -

рзидаги ирсол-масал санъатида юзага келтирилган байт билан бошланади. Ғазалдаги тасвир юз, ёш, нолиш, охни ифодаловчи сўзлар асосида ёритилган. 4-байтнинг аввалги ҳолатини назардан кечирсак, унда "сени юзинг ва зулфинг менга миҳнат қиладилар, бу эса жафодир. Уларнинг даврида менинг ёз, қишим жафода ўтмоқда", деган маъно англашилади. Бу байтда юзни ёзга, зулфни қишга ўхшатишдан иборат бўлган ташбеҳ ҳам мавжуд. Лекин, Навоий уни янги девони таркибига киритишдан олдин таҳрирлаб ўтказган. Унинг таҳририда байтдаги шеърийлик янада кучайган. Юз ва зулфинг миҳнат қиладилар, деган фикр, нутқлантириш санъати асосида яратилган мисра шоирнинг назарида заифроқ туюлган. Шунинг учун у байтнинг биринчи мисрасини ўзгартирган. Натижада фикр янада равон, янада бадиийроқ ифода бўлган.

...и, иссиқ кўз ёшию, совуқ оҳдан аҳволим забундир. Юзинг ва зулфинг ...нида бизнинг ёзу қишимиз оғир кечмоқда, деган мазмун келиб ...ди. Бунга қўшимча қилиб кўз ёшининг иссиқ бўлишини ҳамда ...қликнинг юзгаю ёзга, совуқ оҳнинг эса "қиш" сўзига тааллуқли ...лигини ҳисобга олсак, таҳрирнинг нақадар ўринли бўлганлигига ... ҳосил қиламиз.

Алишер Навоий "Хазойин ул-маоний" девонлари учун шеърларини ...ири неча мураккаб усулларини ҳам қўллаган. Жумладан, юқорида ...иб ўрганимиз таҳрир кўринишларидан фойдаланиш билан бирга "Бадоеъ ...бидоя"даги мазмунан бир хил бўлган иккита ғазални бир ғазал ...ига келтириб ҳам қайта ишлаган. Жумладан, "Бадоеъ ул-бидоя"нинг ...ўриндаги 7 байтлик бир ғазали ана шундай таҳрир орқали "Наводир ...шабоб"га 9 байтлик ғазал қилиб киритилганлиги фикримизни тасдиқлай ...ди. 672-ғазалнинг биринчи байти:

Очиб кўксим шигофин айладим кўнглумни назора,
Эрур юз пораву ғам тийғидин ҳар пора юз пора.

...водир ул-шабоб"да "ҳар пора юз пора" бирикмаси ўрнида "минг пора ...пора" каби ўзгариш киритилган.
...доеъ"даги ғазалнинг иккинчи байти таҳрир пайтида тушириб ...дирилган. Унинг ўрнига 673-ғазалнинг 3-байти 2-байт ўрнида ...илган:

Не тош урён танимға урди, кўксим чокига солдим,
Мени бедил кўнгул касб эттим они кўнглидек хора.

...ғазалнинг учинчи байти ҳам қолдириб кетилган. Унинг ўрнига эса ...ғазалнинг бешинчи байти маълум таҳрир билан киритилган. ...доеъ"даги шакли:

~~Танимни ишқ асири айладинг~~, манъ этма оҳимни,

Чу қил ўт ичра тушти дуд бўлмоқтин эмас чора.

Наводир уш-шабоб"даги шакли:

Таним чун ишқ асири айладинг, манъ этма оҳимни,

Чу қил ўт узра тушти, дуд қилмоқтин эмас чора.

Бадоеъ"даги ғазалнинг тўртинчи байти "Наводир"да ҳам келтирилган:

Ўчирсанг уйнай-уйнай, мен гадойи кўйга йўл узра,

Қолурмен бир киб боқмоқ учун элбора-елбора.

Энди "Наводир"даги 531-ғазалнинг бешинчи байти сифатида 2-ғазалнинг олтинчи байти айнан берилади. Яъни:

Ўлумдин қаҳр душвор ўлмаса дард аҳлига невчун,

Ажал Мажнунни асраб айлагай Лайлини овора?!

Шоир "Наводир"даги ғазалнинг олтинчи байтини "Бадоеъ"даги 8-ғазалнинг мақтаъсини таҳрир қилиб юзага келтирган:

Навоий бода ютқон кўрса қон ютқон гумон айлар,

Сув ичканни май ичган сoғинур, ким бўлса майхора.

("Бадоеъ", 672-ғазал)

Киши май ютса кўнглум ани қон ютқон гумон айлар,

Су ичканни май ичкан соғинурким, бўлса майхора.

("Наводир", 531-ғазал)

Наводир уш-шабоб"даги еттинчи байт "Бадоеъ ул-бидоя"даги 672-ғазал ...нчи байтининг айнан ўзидир:

Кўнгул саргашталиқ[illegible] бўлди Зуҳ[illegible] ...

Ани чарх айлагандур кунча [illegible] инкора.

Шундай кейин шоир "Бадоеъ ул-бидоя"даги 673-ғазалнинг олтинчи [illegible] "Наводир уш-шабоб"даги 531-ғазалга саккизинчи байт қилиб [illegible]тади:

Малак таслими шайтон кибридектур, буки ақл ўзин
Қилиб маъмури амр, истар аморат нафси аммора.

Худди шунингдек, 673-ғазалнинг мақтаъи ҳам 531-ғазалга ҳеч [illegible] ўзгаришсиз кўчирилган:

Навоий кўксини чок этти ҳажр андоққи, фаҳм этгай,
Таҳайюл ҳайъатин кўнгул аро кам қилса наззора.

Мазкур муқоясалардан шу нарса аниқланадики, Алишер Навоий [illegible] жараёнида шеърда айрим сўзларнинг, сўз бирикмаларининг, [illegible] ёхуд омоним сўзларнинг, шунингдек, кўмакчи қўшимчаларининг [illegible] ёхуд ўринсиз қўлланилганлигига алоҳида аҳамият бериб қолмай, [illegible]рнинг ёки ташбеҳларнинг мантиқан асосли қўлланилишига ҳам чуқур [illegible] назари билан қараган, вазн талабларига қатъий риоя қилинишига [illegible] эътибор берган. Булардан ташқари, шеърнинг композицион тузилиши [illegible]сини ҳам диққатдан кечирмаган. Бу йўлда у керак бўлса, икки [illegible] битта қилиб қайта ишлаш, дурустгина ёзилган айрим байтлардан [illegible] кечиш, янги байтлар ижод қилиш заҳматларидан ҳам қочмаган. [illegible]а, 154-бетда).

Ғазаллар композицияси билан боғлиқ таҳрирлар яна икки шаклда [illegible] ташланади. Шулардан бир хили Навоий у ёки бу ғазални "Хазойин [illegible]оний" девонларига киритар экан, айрим байтларни эски девон [illegible]бидаги ғазаллардан тамоман чиқариб ташлайди. Масалан, "Бадоеъ [illegible]бидоя"нинг 192-ғазалидаги:

Ишқ дуррин кўргузур қотиқ ғамим, вахким, эрур
Дарду ғам дарёси ул жавҳарки ғулодимда бор;

...-ғазалдаги:

Васлдин қолған бузуғ кўнглумни, эй ҳажр, асрағил,
Ганж аро йиллар ниҳоний асраған вайронадур;

...-ғазалнинг:

Айни иффатдин ўғул ҳожиба ғавҳар жисмида
Хилъат эрмаским, бипоқш этган киби пулод эрур;

...-ғазалнинг:

Лаб этиб нукта, ҳоболуд кўзга чин солиб,
Жон бериб ўлганга, жонлиг халқни бемор қил.

...лари ва бошқа рақамлар билан номерланган ғазалларида ана шундай ...алга оширилган. Агар биз таркибидан байтлар чиқариб ташланган ...алларга эътибор берсак, уларнинг кўпчилиги 8 байтлидир. Навоий 8 ...тли ғазалларни етти байтли ғазаллар шаклига келтирган. Агар Навоий ...ғазалларини 7, 9, II, I3 байтли қилиб ёзишни одат қилганлигини ... олсак, бу иш маълум бир қонуниятга асосланганлек кўринади. Бу ...нгча шоирнинг ўз ғазалларининг мусиқавий ижросини назарда тутиб ... қилинган тадбири бўлса керак. Иккинчидан, чиқариб ташланган ...ларнинг мазмуни ғазалнинг бошқа байтларида ҳам сингиб кетган ..., шундай йўл тутилган. Жумладан, 448-ғазалда, иккинчи байтда ...нинг лаблари нозик маъноли сўзлар айтиб, афсунсоз кўзи эса Исо ...лари мўъжизалар изҳор қилганлиги тўғрисида сўз боради. Мана у ...:

Кўзни афсунсоз этиб жонбахш лаблин нукта айт,
Сомирий сеҳрин, Масиҳо мўъжизин изҳор қил.

...р газалнинг бешинчи байтида ҳам кариб шу маъно ифодаланган. ...к у, газалнинг иккинчи байтига нисбатан бадиий тасвир жиҳатидан кучсизроқдир. Шунинг учун ҳам уни шоир шеър таркибидан чиқариб ...га аҳд қилган кўринади:

Лаб этиб нукта, хоболуд кўзга чин солиб,

Жон бериб ўлганга, кўнглиг халқни бемор қил.

...Ана шу кўриб ўтганларимизнинг акси ўлароқ, шоирнинг айрим ...заллари янги девонлар тартиб берилаётган пайтда янги байтлар билан ...рилганлигини кўрамиз. Бунда ҳам буюк шоир шеърнинг мазмунини ... поэтик фикрлар билан тўлдиришни, унинг композициясини ...маллаштиришни назарда тутганлиги шубҳасиздир. Масалан, "Бадоеъ ...бидоя"нинг 41-газали олти байтдан иборат бўлиб, мақтаъси бўлмаган. ...ий эса уни янги девонга киритиш пайтида мақтаъ билан бойитган:

Эй Навоий, гар вафосиз чиқти ул султони ҳусн,

Топдинг алдинким, тиларсен эмди султондин вафо?

Газалларни қиёслаб кўздан кечирар эканмиз, яна шундай таҳрирлар ...ча учрайди. Яъни, шоир баъзан газалдаги байтларнинг ўрнини ...тиради. Масалан, 604-газалдаги саккизинчи байт бешинчи байт ...га қўйилган, ёки 151-газалнинг бешинчи ва олтинчи байтлари ўрни ...тирилган. Агар шеърга чуқурроқ зеҳн солинса, ижодкорнинг шеър ...позициясини ўйлаб шундай қилганлиги очиқ кўзга ташланади. Масалан, ...оеъ ул-бидоя"даги шу газалнинг бешинчи, олтинчи байтлари ўрнини ...тириб ўқиб, бу мулоҳазаларнинг ростлигига ишониш мумкин. ...нчи байт:

Бир замонким ҳажр чун минг йилча бор ўлсам, не тонг,

Чунки бўлмас ҳеч кишининг умри минг йил бойдор.

...тинчи байт:

Соқие, чун ичкимиздур оқибат жоми ажал,

Бода тут ондин бурунким, бизни ўлтургай хумор.

Бешинчи байтда бир нафаслик айриликнинг узунлиги ошиқ қалбига ...нг йилча туюлиши назарда тутилянти. "Инсон умри минг йил эмас, ...олга эришмай ўлиб кетаман, чоғи" мазмунида лутф қилинмоқда. Олтинчи ...йтда эса "соқий, оқибат ажал шарбатини ичиш бор экан, бизга бода ...т" деган маъно бор. Агар байтларнинг ўрни алмаштирилса, ...ти жомиъ байт сифатида мантиқан охирги ўринга тушади. Бу ишни ...ариш учун Навоий:

Оразиг боғидағи тер кўнглум ўтин қилди фоз,

Маркази нақшидаги ўт жонима урди шарор.

...тини чиқариб ташлайди. Чунки ўлим ҳақида гап кетгандан кейин ...гул ўтининг илкдан, васлдан бошланиши ҳақида гап бўлиши ортиқча ...юа эди.

-- "Бадоеъ ул-бидоя" девонидан жой олган кичик жанрлардаги асарлар ...янги девонларга киритишдан олдидан жиддий таҳрирга учраган. ...йнинг машҳур "Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш..." мисраи билан ...шланувчи рубоийсининг шоир томонидан қилинган таҳрири ҳақида олим ...сҳоқов анча батафсил мулоҳаза юритган [77,132-134-б.]. Биз илмий ...ҳами имкониятларидан келиб чиқиб, бу мавзуга венгроқ тўхтала...миз. Таҳрир натижаларидан кўзга ташланиб турган ҳоллардан яна ... шуки, Навоий "Хазойин ул-маоний" девонларига киритган ...ъаларига уларнинг мазмунини ифодаловчи сарлавҳалар қўйди. "Бадоеъ ...бидоя" девонининг муқаттаот бўлимида эса бу ҳол кўзга ташланмайди. Масалан:

Ул мазмундаким андоқки қози риёзи керакмас,

риёзи ҳам қози керакмас

Риёзи бўлса қози, бас, ажабдур,
Керакким фиқҳ илми билса қози.

Анга чун фиқҳдин асло хабар йўқ,
Не янглиғ бас бўлур қози риёзи. [10, II-т, 703-б.]

Сўзга қулоқ солмоқ ва оғиз очмомоқ, гавҳарни

териб, ўз гавҳарин сочмомоқ

Қулоқда асра гаронмоя сўзнинг фикр эт,
Ки дурсиз не бўлғусидур садаф ҳоли.

Сўзунгни доги кўнгул ичра асрағилким, ҳайф,
Ким ўйла дуржни гуҳардин этгасен холи.

Бу дуржу икки садафни тўла дур эт?анга,
—Зихи улувви гуҳер, балки гавҳари олий. [10, II-т, 726-б.]

ва ҳ.к.

Хуллас, бунж Навоий таҳрир давомида ҳар томонлама ибратли [illegible] амалга оширади. Алишер Навоийнинг бадиий таҳрир устида [illegible] чидам билан меҳнат қилиши ҳар қандай ижодкор учун ўрнак [illegible]ден ташқари, унинг бу сaйй-ҳаракати илмий тадқиқотчиларга доир [illegible] тафаккурида юз берган ўзгаришларни ўрганиш, таҳрир масалалари [illegible]да катта-катта рисолалар битиш лозимлигини тақозо этади.
Бундан ташқари, бадиий таҳрир масалаларини ўрганиш Навоий бадиий [illegible]рати эволюциясини кузатиш борасида ҳам айрим илмий хулосалар

...га имкон беради. Таникли навоийшунос олим Ҳамид Сулаймон "Хазойин ул-маоний" девонларига ёзган сўзбошисида, жумладан, шундай дейди: "...биз "Хазойин ул-маоний"нинг қайси бир шеърини олиб кўрайлик, автори Навоий бўлишидан қатъий назар, бу шеър 30 ёшдаги Навоийники бўлса бир хил, агар 50 ёшдаги Навоийники бўлса иккинчи хил ифодага келишимиз мумкин". [ТС, I-т, XIX-б.]

Дарҳақиқат, "Илк девон"дан "Хазойин ул-маоний" девонларига, жумладан, "Ғаройиб ус-сиғар"га кирган 115 ғазални синчиклаб ўрганар эканмиз, ҳар бир ғазалнинг маълум таҳрирдан ўтганлигининг гувоҳи бўламиз.

Шу тариқа, "Илк девон"дан "Бадоеъ ул-бидоя"га, "Бадоеъ ул-бидоя"дан "Хазойин ул-маоний" девонларига киритилиши арафасида ҳар бир ғазалнинг жиддий таҳрирга учраши шоир бадиий тафаккури доирасининг узлуксиз кенгайиб борганлигидан далолат беради. Юқорида келтириб ўтганимиз "Илк девон"нинг биринчи:

Илоҳо, подшоҳо, кирдикоро,
Сенга очуғ ниҳону ошкоро

матлаъли ғазали ҳам "Бадоеъ ул-бидоя"га киритилмаган бўлса-да, "Хазойин ул-маоний"нинг "Ғаройиб ус-сиғар" девонига жойлаштирилишидан олдин шоир томонидан таҳрир қилинган. Баъзи мисралар (масалан, "Қуёш тоши бўлуб ёқути аҳмар" мисраси "Қўлунг мухлиқ тоши ёқути аҳмар" шаклида) ўзгартирилган, баъз байтларнинг (масалан, учинчи ва тўртинчи байтларнинг) ўрни алмаштирилган.

Ниҳоят, яна шуни таъкидлашни истардикки, Алишер Навоий амалга оширган бадиий таҳрир унинг ижодий маҳорати эволюциясининг маҳсули эканлигини, шоир маҳорати доимий кенгайиб борганлигини тасдиқловчи

...дидир. Бу мавзу эса навоийшуносликда ҳануз етарли ўрганилмаган ва кеттталаб мавзулардан биридир. Шундай экан, бу масала келгусида ...иладиган илмий тадқиқот ишларининг диққат марказидан ўрин олади, ...умид қиламиз.

II.БОБ

"БАДОЕЪ УЛ-БИДОЯ" – ШАРҚ НАЗМИНИНГ САНЪАТКОРЛИК МАКТАБИ

...девондаги асарларнинг "Бадоеъ ул-бидоя"ни ...мавзу ва гоялари. назардан кечириб, фикрга чўмарканмиз, ... самовий деймизми, илоҳий деймизми, ...бир шоирона ва файласуфларча башарият ҳаётини чуқур ... доҳий ...ларга юзма-юз сўлашиш. Девоннинг бош мавзуи – ИНСОН. Унда ...мехру шафқат башар авлодининг табаррук бир хислати сифатида ...ланади. Девондаги ҳар бир ғазал ўқувчи қалбида меҳр, шафқат, ...адолат уруғини тикади. Инсон қалбида қаттоллик, бебурдлик ва ...салбий хусусиятларга қарши нафрат уйғотади. Менинг назаримда ...доеъ ул-бидоя" инсон қадр қимматини, олийжанoблигини улуғловчи ...дир. Девонда инсоф, ҳиммат, инсоний ахлоқ фазилатлари юксак ...ирона завқ-шавқ билан тараннум этилади. Яна девондаги ғазаллардан шу ...рсе кўринадики, башарий ишқ муҳаббатни бачканалаштиришга ҳам Алишер ...ий жиддий қарши турган. Қисқача айтганда, шоир Эркин Воҳидов ...таганидек "Навоий ўз ижодида инсоннинг қадр-қимматини улуғлаган".[54]

"Бадоеъ ул-бидоя"нинг мавзу кўлами бу билан чекланмайди. Бу ...ҳақда навбатдаги саҳифаларда ўз ўрни билан гап кетар, ҳозир эса бош ...мавзу хусусида бир икки оғиз мулоҳаза юритгайлик. Маълумки, ҳазрат ... "Бадоеъ ул-бидоя"нинг ҳар бир ҳарфга тааллуқли ғазалларини ...ъ, наътлар билан бошлайдилар ва аввалги шоирларнинг девонларида ...шу хусусият бўлмаганлигини танқид қиладилар. Ҳазратнинг бу ...шундларини ўз мулоҳазаларидан шундай хулоса чиқадики, шоирликни ўзига

деб билиб девон тартиб берган хар бир қаламкаш бу табаррук ...нинг обрўсини бўлишига йўл қўймасин, кофиябозлик, беҳуда ...бозлик билан шуғулланмасин. Адаб илми биринчи навбатда ...уносликдир. Аммо, бу вазифани адабиёт икки карра икки – тўрт ...гани каби қуруқ ифодалашга ҳаққи йўқ. Адабиёт биринчи навбатда ... даъвати билан оқилона айтилган нафис тафаккур маҳсулидир. ...гсиз ҳар қандай қофияли фикр адабий асар бўлолмайди. Ана шунинг ... ҳам ҳазрат Навоий ҳамдларда ҳам, наътларда ҳам дуо, башарият ... инсон шахси хусусида юксак бадиий фикр юритадилар. Жумладан, ... ул-бидоя"даги 6-ғазални кўздан кечирайлик. Бу ғазалда ҳазрати ...мад алайҳиссалом ҳақида фикр юритилади. Маълумки, Муҳаммад ...иссалом фаришта эмас, башар фарзанди бўлганлар. Навоий ўз ...да ана шу башарнинг покиза фарзандини улуғлаш орқали Одам Ато ...дларини, демакки, оддий инсонни кўкларга кўтаради:

Эй нубуввват хайлига хотам бани Одам аро,
Гар алар хотам сен ул отким, бўлур хотам аро.[1]

Юз сонигинг туфроғига суртa олғаймэнму деб,
Чарх кисридин кўёш ҳар кун тушар олам аро.

Пайғамборлар олнинг хотами Муҳаммад алайҳиссалом комил инсон ...лар. Демак, фалакнинг буюк чароғи Қуёш ҳам "башар фарзандининг ... тупроғига юзимни суртай", деб ҳар кун Чархдан Ерга тушади, ... заррин нурларини умидвор ва миннатдорона тўкади. Ҳатто,

1. Бу байтнинг таҳрири ҳақида тадқиқотимизнинг 49-бетида мулоҳаза юритган эдик.

…и мукаррамадаги Зам-зам кудуғи сувида ҳам инсон юзининг шуъласи …уд. Пайғамбар алайҳиссалам, маълумки, кўп марта Зам-зам кудуғи …га келганлар, сувидан ичганлар. У кишининг кўзлари ва юзларидаги …р тула чоғида сув юзида ўйнаб, жилоланиб турган. Зам-зам кудуғи суви …идаги нур Куёш нури эмас, балки набийнинг чеҳраси ва кўзларидан …ралган нурдир:

Соф кўнглида аксинг меҳрини гўё асрамиш,

Туш чоғи ҳар кун куёш акси эмас Зам-зам аро.

~~Ва~~ бу байтда гўё Зам-зам кудуғи ўзининг покиза юрагида пайғамбарнинг …ҳрини асраган, деган яширин ўхшатиш ҳам бор.

Ғазалнинг кейинги байтларида ҳам Пайғамбаримиз Муҳаммад …йҳиссаломнинг пок сиймолари таърифу тавсиф қилинади. Жумладан, …кинчи байтда пайғамбаримизнинг чеҳралари меърож шомида юлдузлар …расида порлаган шабчароққа ўхшатилади. Юлдузлар эса шабчароқдан …чраган гавҳарларга қиёс қилинади. Пайғамбар алайҳиссаломнинг …зларидан таралган нур шабнамда қайта акс этади:

Анжум эрур оразинг меърож шоми ўйлаким,

Тушса дурри шабчароғи ҳар тараф шабнам аро.

Кейинги байтда "фаришталар сенинг қабринг бошида ойни чароғдек …тиб турадилар" деган маъно ифодаланган:

Машъале ўзламиш малак илгида равзанг бошиға

Ой чароғи ҳар кеча бу нилгун торам аро.

Навбатдаги байтда Макка яқинидаги Батҳо водийси ҳақида фикр …радики, Батҳо водийсидаги қумлар қум эмас, балки набий ҳақида …рра-зарра [illegible] тўкилган [illegible]:

Йўл эмас Батҳолакам, меҳри жамолинг ҳажридин

Зарра-зарра жисми бир-бирдин тўкулди гам аро.

Ғазалнинг давомида гап пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳижратлари ҳақида кетади. Ясриб – Мадинанинг номи. Ҳазрати Муҳаммад ҳабибуллоҳ Маккадан Мадинага йўл олар эканлар, Мадинадаги йўллар йўл эмас, балки уларнинг қадамларини орзулаб юзларини пора қилган тирноқ изларидир:

Йўл эмас, Ясрибда йиртибдур юзин тирноқ ила

Мақдаминг то тушмади ул водийи хуррам аро.

Бинобарин, лирик қаҳрамон ғазалнинг мақтаъида пайғамбар эшигидаги итларга ҳавас билан қараганлигини изҳор этади. Чунки, итлар шарафли эшик учун хос бўлиб, лирик қаҳрамон эса бу шарафдан маҳрумдир:

Итларининг махсусу махсундур Навоий, кошки,

Кирса бу маҳрум ҳам ул зумраи маҳрам аро.

"Бадоеъ ул-бидоя"нинг ҳар бир ҳарфга бағишланган ғазалларида ана шундай фалсафий мулоҳазалар баён этиладики, бизнинг назаримизда Навоий девонларидаги шу тоифадаги ғазалларнинг ўзи бир ёки икки фан номзодлиги учун ёзилган тадқиқотлар доирасидан ташқарига чиқади. Бу ҳақида бир неча илмий китоблар ёзиш лозимдир.

"Бадоеъ ул-бидоя"даги ҳамд ва наътлар, суфийлик руҳида ёзилган шеърлар VIII асрлардаёқ Шарқда кенг тарқалган ва ҳозирги кунгача давом этиб келаётган, лекин, ўзининг илмий таҳлили ва таърифини ҳали топа олмаган суфийлик фалсафасини ўрганиш нуқтаи назаридан, шубҳасиз, ҳазрат Алишер Навоийнинг бу фалсафий оқимга муносабатини белгилаш жиҳатидан ҳам ноётда бой материал бўлиб хизмат қилади. Чунки, Алишер Навоий Мансури Ҳаллож, Фаридуддин Аттор, Хожа Аҳмад Яссавий,

[illegible] Ахмад, шайх Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий, Ҳофиз, Саъдий [illegible] меросларидан чуқур баҳраманд бўлган шоирдир. У Баҳоваддин [illegible]дийдан билвосита, Убайдуллоҳ Хожа Аҳрор Вали, Нуриддин [illegible]мон Жомийлардан бевосита суфизм фалсафий таълимоти ҳақида [illegible] олган шоирдир. Шунинг учун ҳам, "Бадоеъ ул-бидоя" девонининг [illegible]ят шеърларида ана шу таълимотнинг ўзак масалаларини тушунишга [illegible] берувчи байт ва парчалар кўплаб учрайди. Демак, "Бадоеъ [illegible]идоя" ғазаллари, уларнинг матлаъ [illegible] фикр юритиш учун [illegible] адабий илмий тафаккурининг бу томонини четлаб ўтиб бўлмайди. [illegible] бу масала алоҳида тадқиқотларнинг вазифаси бўлса ҳам. Алишер [illegible]нинг дунёқарашига кўра, адабий тафаккур инсоннинг катта [illegible]ний, руҳий меҳнатларининг заҳматини чекиб, ўзини ҳар томонлама [illegible]б эришадиган башарий бойлигидир. Бу тафаккурга шу дунёнинг ўзида [illegible]тиши мумкин ва лозимдир. "Лисон ут-тайр"ни кўрайлик. Бутун [illegible]тларни бошдан кечириб, абадият, ҳақиқат излаб олий даргоҳга етиб [illegible]ган ўттизта қуш тимсолида адолатли ва фаровон ҳаёт изловчилар [illegible]ни кўрадилар. Ёки "Садди Искандарий"дан ўзи океанда яшаб, яна [illegible]тариб ҳалок бўлган балиқ ҳақидаги қисса ҳам биз кўзда тутаётган [illegible] дунёқараш руҳидадир. Алишер Навоий жуда кўп шеърларида [illegible] ўзи яшаб турган замонда ҳақиқатга эришиш мумкинлиги [illegible]идаги фикрлари билан суфийлик фалсафий таълимотининг [illegible]дунёчилигини рад этувчи алоҳида бир қиррасини очиб берадики, бу [illegible]оирнинг Шарқ фалсафаси тараққиётига қўшган қимматбаҳо улушидир.

Маълумки, бой фалсафий қарашларга эга бўлган Шарқ илмий [illegible]яти олий ҳақиқат, адолат, фаровонлик тимсоли сифатида Тангри [illegible]они кўзда тутганлар. Уларнинг қарашларича олий ҳақиқат ва

[illegible]мал адолат фақатгина Оллоҳда мавжуддир. Оллоҳ эса азалий ва [illegible], моддий дунё ҳам ана шу замонларга сирмовчи, макони ҳам [illegible]макон Илоҳий Қудратнинг кашфиётидир. Шунинг учун ҳам моддий [illegible]нинг ҳам бир заррасигача, ёмғир томчиларидаги ҳар бир қатрагача [illegible]нинг йўқдан бор бўлганлигига чуқур маъно бериб, яратувчисига [illegible] келтириши керак. Бунга эса ҳар бир мавжудот аввало ўзининг [illegible]лигига баҳо бериб, оламга ақл кўзи билан қараш орқали эришади:

Эй, [illegible],
Дебочаи ҳуснунгда абад нуқтаси тугро.[1]

Заррот аро ҳар зарраки бор, зикрингга зокир,
Амтор аро ҳар қатраки бор, ҳамдингга гўё.

Демак, Алишер Навоий қарашларига кўра, бутун коинот, [illegible] унинг сирларини билишга қодир бўлмаган илоҳий бир қудрат [illegible]дан яратилган:

Толмоқ ожиб фикру тахайюл била сени,
Етмак хаёл ақлу фаросат била санга.

Алишер Навоийнинг бу хилдаги фалсафий қарашлари, ҳатто XX [illegible]нинг энг номдор олимлари фикрларига яқинлиги билан ҳам кишини [illegible]ўбга солади. Масалан, бу ўринда жаҳонга танилган ракетачи олим, [illegible] Б.В.Раушенбахнинг "Неделя" ҳафтаномаси мухбирининг [illegible]ларига берган жавобини кўздан кечирайлик. Ҳафтанома [illegible] [illegible]ндр Михайловский саволи ва унга бизга замондош бўлган буюк

---

[1] [illegible]байтнинг таҳрири ҳақида тадқиқотимизнинг 47-бетида фикр [illegible]ритган эдик.

...нинг жавоби:

"–Борис Викторович, скажите откровенно: вам свойственна некая внутренняя убежденность в силе разума, или судьбы, или мировых закономерностей? Вера в то, что одни называют богом, другие – высшей справедливостью?

–Так скажу: большинство современных ученых достаточно высокого уровня –и советских, и западных –не может не согласиться с тезисом о неслучайности мироздания. Потому что, если допустить, что мироздание случайно, это приводит к таким страшным выводам, что хоть вешайся. А раз признается осмысленность мироздания, то и человеческая жизнь... не совсем бессмысленна и случайна... (таъкид меники –С.Д.). Пантеизм в средневековье был вежливой формой атеизма, когда считали, что бог разлит повсюду, а поскольку повсюду, постольку его как такового, вроде и нет. Современные представления об осмысленности мироздания –вежливая форма религиозности в материалистическом мире. Церковная атрибуция при этом не обязательна".[1] ["Неделя", 1989, 36, стр.131].

"–Борис Викторович, очиғини айтинг: Сизнинг тасаввурингизда онг қудратига, ёки тақдирнинг, ёхуд олам қонуниятлари кучига қандайдир ички ишонч борми? Яъни, баъзилар Оллоҳ, баъзилар Олий ҳақиқат деб атайдиган нарсага ишонч, демоқчиман?

–Майли айтаман: анча юқори даражадаги замонавий олимларимизнинг кўпчилиги – совет олимлари ҳам, чет эллик олимлар ҳам – олам пайдо бўлишининг тасодифий эмаслиги ҳақидаги фикр билан келиша оладилар. Нега деганда, олам тасодифан пайдо бўлган деган фикр тасдиқланса, бу ниҳоят даҳшатли хулосалар чиқаришга сабаб бўлади. Зеро, оламнинг онгли равишда тузилганлиги тан олинар экан, демак, инсон ҳаёти ҳам... унчалик бемаъно ва тасодифий эмас. Ўрта асрлардаги пантеизм атеизм (худосизлик)нинг энг маданий кўриниши бўлган. Яъни, Оллоҳ борлиқдир, табиатга сингиб кетган, у ҳар ерда экан, демак,

Шундай қилиб, ўтмиш шарқ мутафаккирлари ҳам, замонамизнинг ...оний шуҳратга эга бўлган кўпчилик олимлари ҳам оламнинг қандайдир ...р илоҳий куч томонидан яратилганлигини тан оладилар. Алишер ...воийнинг қарашларига кўра, Тангри таоло яратган нарсалар ичида энг ...рафлиси инсондир. Инсон ўзига насиб этилган умрни бекудя эмас, ...тли кечириши, бунинг билан бирга у эркин ва худо манзури бўлиши ...зимдир. Шоир шахс эркинлиги масаласини бир неча йўналиш бўйича ...арифлаб беради. Биринчидан, инсон ижтимоий жиҳатдан ҳам, сиёсий ...иҳатдан ҳам эркин бўлиши керак:

Қушқа янг маскан аро хушроқдурур озодлиқ,
Бўлгонидин бандқ аро сайёд инак доми била.

Заҳрни ўз коми бирла ичса андин яхшиким,
Ичса ҳайвон шарбатин ноқомлиқ жоми била.

Сўнгра, шоирнинг таъкидлашича, эркинлик шахснинг ўз ватани билан ...восита боғлиқ бўлиб турган пайтда қўлга киритилади. Яъни, инсон ўз ...ймли масканидан четдада ҳақиқий эркин бўла олмайди:

Ўз дилором айлагандин равза ҳибси яхшироқ,
Бўлмоқ ўз вайрони ичра кўнгли ороми била.

Масаланинг бошқа, учинчи бир томони ҳам борки, шахс озодлиги ...қат ижтимоий, сиёсий ёки иқтисодий жиҳатдан бировга муте...

...нг ўзи (мазмуни бору, шакли) худди шундан. Олам тузилишининг ...лиги ҳақидаги ҳозирги қарашлар эса – материалистик дунёдаги ...ворликнинг маданий шаклидир. Бу ерда черков маросимлари муҳим ...ас...".

~~қилмаслигидангина иборат эмас~~. Шахс комил эркин бўлиши учун у ўзини бутун поклаши, ҳаром-харишдан, барча салбий хусусиятлардан нафратланиши, адолат, ҳақиқат сари интилиши лозим. Чунки, руҳий покликка мол-давлатга ортиқча ҳирс қўйиш билан, ёхуд мансаб, ёки [illegible]ировнинг қўллаши билан эришиб бўлмайди. "Бадоеъ ул-бидоя"даги орифона ғазалларда ана шундай фикрлар олға сурилади. Жумладан, биз юқорида келтириб ўтган байтлар мавжуд бўлган ғазалнинг давомида ҳам шундай фикрлар баён этилган сатрлар мавжуд. Навоийнинг орифона ғазалларида катта маърифий, ахлоқий аҳамиятга молик фикрлар учрайди:

Бўлмоқ итлар муъйими тоқ тўъма айлаб ахшироқ,

Танни қилгунча самиз покаслар инъоми била.

"Бадоеъ ул-бидоя"даги бир қатор шеърлар Алишер Навоийнинг шахсий ҳаётини ҳозирги давр адабиётшунослигига нисбатан янада батафсилроқ тасаввур этишга ёрдам беради. Энди шундай шеърлардан бир-икки намунасини кўриб чиқайлик. Жумладан, айрим шеърларда Навоий *кўкалдошлик севгиси билан қаттиқ севган Ҳусайн Бойқаро шахсига, унинг* суюмли хотини Хадичабегим шахсига ишора этувчи фикрлар учрайди. Лекин, аввалдан шуни айтиб қўйишимиз, бу шеърлар ҳам тор доирада, шахсий алоқалар доирасидаги муносабатлар билан ўралиб қолмасдан, балки, кенг ижтимоий, фалсафий бадиий план асосида яратилади. Шундай шеърларни ўқиган пайтда шоирнинг услуби романтизми, яъни, анъанавий хаёлий услубми, ёхуд реалистик услубми, булардан қайси бири, деган саволга [illegible] қийин. Бизнинг назаримизда, Навоий ижодига нисбатан соф романтик услубни ишлатиш ножоиздир. Чунки, кузатишларимиз шу нарсани кўрсатадики, Навоий [illegible] қараганда романтик услубда қалам тебратган эмас, мантиқий хулосаларни шахсий кузатишлар асосида чиқаради, ҳатто,

шбихларни ҳам реал ҳаётдан олади. Мана шундай бир шеърни кўздан чирайлик. Бунда соликнинг, яъни, суфизм сулукига қадам қўйган ксниниг ахлоқи хусусида гап юритилади, лекин, хулосавий фикр Ҳусайн йқарони хаёлга келтириш билан баён этилади.

Ҳар гадоким бўрёи факр эрур кисват анга,
Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хилъат анга

этилади назалнинг давомида баён этилишича, кимки фано гушасида этиб, боши остига тош қўяр экан, унга тахтнинг аҳамияти йўқ. Тахт гаси юруплар уштириб, оламни фатх этса, дарвеш олам ноз-давлатларидан ўзини четга олади. Подшоҳ нимани мақсад қилса, арвеш унинг тескарисини қилади. Бунинг устига у бечоралик кўчасининг проғидан иборат бўлган бойлигини шоҳнинг салтанатига алмаштирмайди. ак бир нафас ҳам дўзах ваҳмидан осуда эмас, дарвеш, ҳатто жаннатни ам рад қила олади. Подшоҳ факирликни одат қилиб, фақрга суяниб иш этса, давлати камол топади. Агар у ҳалқпарвар бўлмаса, унинг лтанати заволга учрайди. Кўриниб турибдики, бу гаплар адолатли дшоҳ ҳақида тарғиб мавҳур бўлган анъанавий фалсафий хулосалардир. кин. Навоийнинг фикрларига кўра, ҳам шоҳлик, ҳам дарвешлик суфиятига эга бўлиш замона подшоҳлари учун қийин бир жумбоқ эди. рок, Ҳусайн Бойқаро эса ана шу жумбоқни енга олган киши:

Мумкин эрмас шаҳлар ичра бўйла ниятлиғ, магар
Шоҳи Гозийким, муяссар бўлди бу давлат анга.

Шоҳлар дарвешлик дарвешлар шоҳики, бор
Шоҳлиғ сурат анга, дарвешлик сийрат анга.

[illegible]

...мантик услубни ғоятда усталик билан реалистик услубга омихта қилиб ...ориланганлигини кўрсатади. Ғазалнинг мақтаъи эса инсон ва жамият ...ётига, сиёсатга шоир ва шох Ғозийнинг бир хил қарашда ...лганликларини кўрсатади. Бу ерда яна шу нарса муҳимки, тариқатни ...ушунишда ҳам Хусайн Бойқаро Навоий билан бир фикрда бўлган, ҳатто ...ага раҳнамолик ҳам қилган. Шохдан оддий бир фақир кишини устун, деб ...асвирлаш менинг ҳаддим эмас эди, Шохи Ғозийнинг ўзи бу нарсага йўл ...ерди, дейилиши фикримизни тасдиқлайди. Бу эса Навоий ҳаётини ...рилишида эътибордан четда қолиб келинаётган бир жиҳатдир:

Гар Навоий сўз узатти, фақрдин эрмас демонг,
Бўлмагунча ҳукм шоҳдин, қайда бу журъат анга?

Ўз даврида "маҳди улъё", "исматуд дунё" унвони билан шарафланган ...дичабегим хотирланувчи бошқа бир шеърни (39-ғазал) кўздан ...чирайлик. Шеърда ҳижрон азоби билан чеҳраси беҳи рангига ўхшаб ...лган, сочлари беҳи ўралган пахтадай оқ ошиқнинг руҳий кайфияти ...асвирланади. "У ҳижрон ғамини чекавериб жисми беҳининг қуриган ...идай эгилиб қолган, боши ҳам беҳидек ерга эгилган", деб шоир ...лоса чиқаради. Бу оламда беҳидек иззат-икром кўрмоқчи бўлсанг, беҳи ...итари туклик матодан кийим кийиб, ҳаддингни ҳам қилиб юр, деган ...лоса чиқади. Шеър бошдан оёқ реалистик бўёқлар билан чизилган:

Масаллат туфроғи сориғ юзимда борйир эндиким,
Беҳида гард ўлтурғон масаллик тук бўлур пайдо.

ва ҳоказо.

Бироқ шеърнинг мақтаъида шоир қизиқ бир автобиографик маълумотни ...ова қилади: "Маҳди улъё" шоирга беҳи юбориб лутф қилган экан, бу

лахи эса шоир учун куёвнинг норанж (апельсинга ўхшаш) бетидан ҳам муборак экан. Бу маълумот ҳам шоир ва подшоҳ хонадони ҳақидаги яқинликни кўрсатувчи қимматли далилдир:

Навоий гар куёш норанжидин беҳрак кўрар, тонг йўқ,

Бохиким, лутф қилмиш маҳди улъё, исматуд дунё.

Бунда яна лутф ҳукмисиз? Ўғлини бахтга қиёслаган ошиқ беги лутф қилган маликага қараб "Сиз "маҳди улъё", "исматуд дунёсиз", деб лутф қилмаётганмикин.

Бохиким лутф қилмиш: "Маҳди улъё", "Исматуд дунё".

"Бадоеъ ул-бидоя"да, агар айтиш мумкин бўлса, хасби ҳол шеърларнинг бошқа хил тури ҳам бор. Гарчи, улар туркий тилда ёзилган ғазалларга, ҳазрат Алишер Навоийнинг кимларга ихлоси борлигини, қандай адабий муҳит таъсирида адабиёт майдонига кириб келганлигини ойдинлаштиради. Ҳазрат форсий девонларида "Татаббуи шайх Саъдий", "Татаббуи Мир Хисрав", "Татаббуи Хожа Ҳофиз", "Татаббуи Маҳдум", "Татаббуи мавлоно Котибий", "Дар таври Хожа" ва бошқа сарлавҳалар қўйсалар, ўзлари томонидан кашф этилган ҳам ғоявий, ҳам бадиий шеърларга "мухтараъ" яъни, "менинг ихтиром, кашфиётим" деб сарлавҳалар қўйсалар, "Бадоеъ ул-бидоя"да бу нарса кўринмайди. Фақатгина Навоийнинг даврини, унинг адабий муҳитини тасаввур қила оладиган одамгина Навоийнинг қайси шеъри унинг таржимаи ҳолига алоқадор эканлигини аниқлай олади. Жумладан, ҳазрат Навоийнинг:

Ул паривашким бўлубмен зору саргардон анга,

Иишқидин олам манга ҳайрону мен ҳайрон анга.

Маҳди улё унвонли подшоҳ Мирзо Абулқосим Бобур билан Улуғбекнинг

авзаллардан бўлган. Агар Бобур Мирзонинг 1457 йилда Балхда вафот этганлигини хисобга олсак, 16 ёшли шоирнинг ишк ўтида ўртаниб, зукко одшохга манзур бўладиган шеърлар битганига имон келтирамиз. Шу иллар эмасмикин, булбулнафас Навоийнинг хаётий фожиасининг ошланиши?! Бу хакда биз ортикча тафсилотларга берилмаймиз. Бу хакда роф. Б.Н.Валихўжаев Самарканд вилояти [illegible] кундалиги "Ленин йўли"нинг 986 йил 8 феврал сонида анча батафсил сўзганлар.[56,1] Маколадан маълум бўлишича, Алишер Навоий сарой мухитига [illegible] маликларнинг [illegible]. Тандир [illegible] билан хукумат [illegible] умурий Абусаид Мирзо кўлига ўтади. Тоғалари бири Серахсда, бири амаркандда бир йил ичида Абусаид Мирзо томонидан кўйилган Аббос номли иши томонидан катл этилади. Бу ерда Алишернинг Хусайн Бойкаро билан, ниш ота-боблари билан якинлиги масаласи хам бор. Бу хакда мухтарам рофессор юкорида айтилган маколаларида анча тафсилли мулохазалар вён килганлар. Биз бу ерда бирон янгилик киритмокчи эмасмиз. Шуни ъкидламокчимизки, ёш Алишер биз кўзда тутаётган ўз севгилисидан йил уза олмай, тахминан, 1459-1464 йиллар орасида Хиротни тарк олмайди, Унга хатлар битиб туради. Аммо, Абусаид Мирзо томонидан ад этилган Гиёсиддин Баходирнинг ўғлига ўз кизини бериб, подшохга ион кўринишдан кўркган кизнинг отаси турли йўллар билан бу покиза ухаббатга каршилик кўрсатади. Бу аламли кунлар хакидаги улохазаларини Алишер Навоий "Фарход ва Ширин" достонининг кирки момида хам эслаб ўтган. Биз Навоийнинг "Лисон ут-тайр"да хам ўз евги фожиаси хакида худо умр берса, достон назмаги, бу достон

---

* Яна бу хакда каранг: Валихўжаев Б. Навоий шеъриятидаги автобиографик моментлар хакида.[56]

ҳонининг энг фожиали ишқ қиссаси "Лайли ва Мажнун"дан ҳам фожиали эканлиги ҳақидаги гапларидан хабардормиз. Ана шу ёзилмоқчи бўлган дард, алам қиссасининг мўъжаз қисмлари "Бадоеъ ул-бидоя" ғазалларида кўзга ташланади. Эътибор беринг:

Қосидоким ёрдин бир сўз ривоят айласа,
Истарам сўргон сойи бошдин ҳикоят айласа.

Телбалар янглиғ гаҳ ўз ҳолимдадурмен, гоҳ йўқ.
Ул парилиқ ҳар киши бир сўз ривоят айласа.

Эй кўнгул, оҳингни дерсенким суз айлар тошни,
Чун эрур бир кўнглига онинг сироят айласа.

(67-бет)

Биз "Бадоеъ ул-бидоя"даги ҳазрат Навоийнинг шу йилларда ёзган шеърларини адашмайлик, деган нуқтаи назардан унинг форсий девонидаги айнан шу йилларда ёзилган, ҳатто "Баёни воқеъ" (яъни, "бўлган воқеа") ҳам билан сарлавҳаси берилган шеъри билан ҳам қиёслаштириб чиқдик. Бу жиҳат жуда муҳим бўлганлиги учун шеърни тўлиқ келтирамиз:

Сўйи гулшан рафтаму сарви хиромонам набуд,
Чеҳра зўр омад, к-он гулбарги хандонам набуд.

Абрсон худро хавое ёфтам ҳар сў ба боғ,
З-он ки ғайр аз гиряу сабру афғонам набуд.

Хостам дилдор ба сарҳадди шикебой кашам,
Лек аз андуҳи ҳижрон тоқати онам набуд.

З-изтироби дил агар корам ба расвой кашид,
Қуввати онам, ки карда сабр битвонам набуд.

Сўи маскан омадан боист беошуб, лек
Ин таҳаммул дар дили бесабру сомонам набуд.

Бо нигаҳбонони кўтил сирри ишқам шуд аён,
З-он, ки аз бадҳолий ба соат ғами жонам набуд.

Зоҳие, дар ҳажри он рашки пари маъзур дор,
К-ин чунин девонагий новирдан имконам набуд.

[II, V-ж., I-китоб, 256-б]

Шундай шеърлар "Бадоеъ ул-бидоя"да кўп учрайди. Аммо, бизнинг назаримизда Навоий услуби билан чуқурроқ танишмаган одам янглишига йўл қўйиб қўйиши мумкин. Бу чалкашлик шундай келиб чиқиши мумкин. Жумладан, Навоийда шундай мактаъли шеърлар бор:

"Кеча ул маҳвашни ёд айлаб фаровон йиғладим,
Меҳри сети субҳдек ҳар нечаким қон йиғладим."

х х х

"Битигингдинки, саводини кўриб жон топтим,
Зулмат ичра масалан чашмаи ҳайвон топтим".

Бу шеърларни қасдан келтирганимиз проф. Б.Валихўжаевнинг шеърнинг ишқий фонийлари ҳақидаги фикрларини тасдиқловчи оҳангни [illegible]тловчи бағир қони билан ёзилган қатор байтлар учрайди. Жумладан, Мисолга олганимиз биринчи ғазалдаги 4- ва 7-байтлар:

Ёр ҳажридин кимсага айта олмас ғуссани,
Кўнглум ичти дарду мен маҳжуру пинҳон йиғладим.

x x x

Эй Навоий, тош эшитса навҳа қилгай ошкор,

Йўқ ажаб, гар бир кун ўз ҳолимға пинҳон йиғлашим.

(370-бет)

Иккинчи ғазалдаги учинчи ва еттинчи байтлар (учинчи байтда Алишер Навоий китобат санъати воситасида хат ёзиб туришга аҳл билганликларига ишора қилади. Ғазалнинг мактаъсида эса тоб тоб бошиб туришни севгилисидан илтимос этади).

Ҳар "Талиф" сари эди, "ал" қучашу "дол"и сунбул,

Демайин номаки, бир тоза гулистон топтим.

x x x

Гаҳ-гаҳи хаста Навоий танига жон етқур,

Битигингдинки, саводини кўриб жон топтим.

Бундай шеърлар реал ҳаётий ҳиссиётлар таъсирида ёзилган бўлиб, уларни шоирнинг воқеабаён шеърлари деб атаса тўғрироқ бўлади. Иккинчи характерли шундан иборатки, ҳазрат Алишер Навоий ижоди учун якпора, бир мавзуни турли хил юксак шоирона тасаввур билан, турли хилда бадиий акс эттириш хоси, буни мумтоз адабиётимиз услубида тадрижийлик дейилади. Масалан, шоир ҳижрон темасидаги бир ҳиссиётни ҳам шу услуб билан акс эттирган бўлса, айрим адабиётшунослар шоирнинг бу хил ранг-баранг тасвирини кўриб уни ҳам Алишер Навоийнинг ҳасби ҳол мавзуидаги шеърлари қаторига киритишга мойиллик кўрсатадилар. Аммо, бу нарса Навоийнинг ҳаётий биографик ҳиссиётларидан кўра, унинг бадиий услубига хос бўлган шеърлардир. [illegible]

ажралиб турувчи ўзига хос турли кўринишларини таҳлил қилар экан, таниқли адабиётшунос олим Шарофиддин Шарипов ўзининг бир мақоласида қуйидаги фикрларни баён этади: "Воқеабанд ғазалларни (биз бу маънода "воқеабаён" лафзини қўлладик - С.Д.) юқоридаги тадрижли ғазаллардан ажратиб турувчи энг асосий хусусият уларда эпизм элементларининг борлиги, маълум сюжет йўналишининг мавжуд бўлишида кўринади. Воқеабанд ғазал марказида лирик асар доирасида бўлсада, муайян ҳаётий сюжет (воқеа-ҳодиса тасвири) туради. Бу сюжет, қайд этилганидек, юқоридаги тадрижли ғазалларда мавжуд эмас. Бу туфайли воқеабанд ғазалларни тадрижли ғазаллардан алоҳида ажратиб қараш мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида Навоий ғазалларини композицион жиҳатдан тўғри тасниф этиш ишига кўмаклашади."[156] Мулоҳазаларимиз асоссиз бўлмаслиги учун буюк шоирнинг ана шундай ғазалларидан бирига назар ташлайлик. Зеро, кўпгина олимларимиз Навоийнинг Шарқ ғазалчилигига киритган бу янгилигини, кашфиётини жуда қадрлайдилар ва кундалик матбуотимизда шоирнинг бундай шеърларининг теран таҳлиллари эълон қилиб келинмоқда.[1]

"Бадоеъ ул-бидоя"нинг 134 ғазалида ҳам ҳижрон дардида қийналаётган ошиққа хабарчи (қосид) ёрдан келтирган мактуб туфайли ошиқ қалбида туғён урган қувонч ҳиссиётлари бадиий акс эттирилади. Гарчи, романтик услубда яратилган ҳар қандай жанрдаги бадиий асар замирида муаллифнинг ҳаётий кечинмалари ётишига қатъий

---

1. Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. -Тошкент - 1991 -- 174-б.; "Шарқ юлдузи" ("Навоийхонлик" руки остида), "Сирли олам" ("Навоийнома" рукнида), "Мулоқот", "Гулистон", "Ўзбек тили ва адабиёти", "Адабий мерос" журналларида мунтазам эълон қилинаётган мақолалар (Мақолаларнинг номлари ва муаллифлари тадқиқотимизнинг "Адабиётлар рўйхати" бўлимида тўлиқ кўрсатилади).

ўйласакда, юқорида тилга олганимиз ғазални ҳасби ҳолик мазмунга эга деб ҳисоблай олмаймиз. Чунки, ғазалда Навоий ижодий услубига хос ғазалнинг яклора мавзулигига алоҳида эътибор бериш, уни романтик тасвирий бўёқлар билан турлича қирраларига жило бериш асосий хусусиятни ташкил этади. Ғазалнинг умумий мазмуни қуйидагилардан иборат: қосид томонидан менинг жонимга ором бағишлаш учун етказилган хабар шундай бир жонбахш хабардаки, унда оби ҳайвоннинг ҳиди бор. Номаку, менинг хабарчимнинг қўлидан, хабарчи эса ярим ейидан келди. Ундан жон ҳиди келмоқда, ел эса Канъон самонидаги ойдан хабар беряпти. Агар эътибор берилса, айни шу фикрларни ифодалашда муаллиф ёнма-ён қўйиш (параллелизм), ширин ўхшатиш (ташбеҳи ифода) ҳамда талмеҳ санъатларини ўта санъаткорлик билан тасвир воситасига айлантирган. Чунки, моҳи Канъон истилоҳи остида шоир ҳазрати Юсуф ҳамда Яъқуб пайғамбар қиссаси воқеаларига ишора қилмоқда:

Нома қосид илгидин, қосид ҳабибим оллидин,
Муждаи жон елдину ел моҳи Канъондин келур.

Навбатдаги байтда ёр томонидан васл ваъда қилиб юборилган мактуб ҳижрон азобида ўртанаётган ошиққа жон бағишловчи жавоҳирдор сўз сифатида баҳоланади. Ошиқнинг назарида мазкур хатни ёзаётганда ёр қаламининг учидан томаётган ҳар томчи сиёҳ – гавҳардир. Лекин, оддий гавҳар томчиси эмас. Хатни ўқиётганда ошиқнинг киприкларидан томган ўдлик ёшларига ўхшаган гавҳардир. Мана, мусалсал ташбиҳ, занжирли ташбиҳ деб аталувчи санъатнинг гўзал намунаси бўлган ўша байт:

Гавҳаредурки, чиқмиш хомасининг нўгидин,
Нома узра қолдиғ ашкими мужгонидин келур.

Навбатдаги мисраларда ёр юборган мактуб мазмуни, аҳли дард ...шиларининг номақбул жамиятда чекаётган азоблари баёнидан иборат ...канлиги қайд қилинади ҳамда аҳли дард, яъни жамиятнинг асл ...фарзандлари бошига тушган дарду балолар чархи гардондан эканлиги қайд ...қилиниб, ёрнинг мактубига жиддий ижтимоий-сиёсий либос кийдирилади:

Ҳаққи, мазмунидир аҳли дард саргардонлиги,
Ҳар бало мактубиким, бу чархи гардондин келур.

Шеърнинг мақтаъси ҳам ўзининг миллий руҳи билан халқимизга хос ...за ўйини (аския) услубидан яхши фойдаланилганлиги жиҳатидан ҳам ...диққатни тортади. Байтнинг мазмунига кўра, мактуб эгаси "менинг ...номамга Навоий жонини нисор қилмайди", деган мазмунда кочирим қилади. ... кочиримга эса муаллиф "кошкийди, менда жон бўлса, йўқ жонни қандай ...қилиб хатингизга нисор этай", деган жавоб қайтаради. Чунки, у ҳижрон ...жафоларини торта-торта жонсиз танага айланиб қолган эди:

Деб эмиш номамга қилмайдур Навоий жон нисор,
Анда жон бўлса, қачон бу навъ иш ондин келур.

...қалдаги жон ва кўнгул сўзларининг бир неча бор такрорланишидан иборат ...санъатлар ҳам маҳжулки, булар ҳам шеърнинг мукаммал чиқишига таъсир ...кўрсатган. Бизнинг назаримизда "унда жон бўлса" деган ибора "анда жон ...бўлса" деб қўлланилишида ҳам кочирим, аския санъати билан боғлиқлик ...бўлса керак (اندکان Андижон).

Демак, Навоий ижоди ўрганилаётган пайтда юқорабаён шеърлар билан ...дриж усулида яратилган яширин ғазалларни ажратиб олиш муҳим ...аҳамиятга эга. Агар шундай қилинмаса, Алишер Навоийнинг жуда кўп ...ғазалларини ҳажвий ҳам ... категорияга киритиб ... иборат

аволарга йўл қўйилиши шубҳасиздир. "Бадоеъ ул-бидоя"ни ташкил этувчи шеърларнинг асосий қисмини ишқий мавзудаги шеърлар эгаллайди. Бу албатта, тасодифий эмас. Чунки, Шарқнинг мутафаккир шоирлари ишқни жуда чуқур маънода тушунганлар. Уларнинг назарида ҳақиқий ошиқ комил инсон бўлиши керак. Шундай экан, ишқ ҳам лойқа туйғулар пардаси устидаги хира нимарса эмас, балки покиза инсоннинг қалб кўзгусида акс этувчи бокира гўзаллик, унинг онгини ҳам поклайдиган йўлловчи илоҳий нурдир. Шунинг учун ҳам, мумтоз Шарқ шоирлари бутун асарларини ва шундай шеърларни яратишда намойиш этганлар. Алишер Навоий "Бадоеъ ул-бидоя"да комил инсоннинг хислат хусусиятларини акс эттирувчи ажаб ғазаллар яратган. Девондаги "Ашрақат...", "Ул париваш...", "Кўргали ҳуснингни...", "Кўнглум ўртансун агар...", "Не ажаб...", "Навбаҳор айёми бўлмиш..." ва бошқа ўнлаб ғазалларнинг халқ оғзидан тушмай келаётганлигига сабаб ҳам шу. Қисқача айтадиган бўлсак, "Бадоеъ ул-бидоя" ғазаллари комил инсоннинг минг бир хил жилоланувчи юзига бадиий сўзлар воситаси билан тикланган дуру гавҳарлар хазинасидан иборатдир.

"Бадоеъ ул-бидоя"да Алишер Навоий даврида кенг тарқалган ва машҳур бўлган барча жанрдаги шеърлар киритилган. Девонда учта мустазод жойлаштирилган:

Эй, ҳуснунгга зарроти жаҳон ичра тажалло...

– " –

Дин офати бир муғбачаи моҳлиқодир...

– " –

Не қўймишу не кечмишу ул зулфи сумбулий...

Мисралари билан бошланувчи машҳур асарлар орифона руҳда ёзилган

риб, бу хилдаги шеърлар ҳақида олдинги саҳифаларда етарлича гапириб ўтганлигимиз учун уларни алоҳида шарҳлаб ўтирмаймиз. Фақат бу ўринда уни алоҳида таъкидлаймизки, Алишер Навоий бир мавзу доирасида неча вър ёзган бўлмасин, уларни янги тасвирий воситалар билан бойитади, икрни бадиий ифодалайди. Масалан, қуйидаги байтлар фикримизни асдиқлай олади:

Масжид йўлин асраб неча дин аҳли Ҳўлуҳба,

рицзанлиқ етаргай,

Тангри йўлини асрамоқ, эй кофири худрой,

бу навъ бўлурму?

Ул шўх Навоийни дедиким қилайин қатл

бир кўз учи бирла,

Эй войки, бир ҳам анга кўз солмади, эй вой,

қатл уабудур, ушбу!

Девондаги мухаммас ва мусаддаслар ҳам мухаммас ва мусаддас ёзувчилар учун ибрат ролини ўйнайди. Мавзу танлаш, бандларга асос бўлган байтлар олдинги мисраларда кенгайтирилиб, мазмуни бойитилиб келинини, қофияларнинг ўзига уйғунлиги кишини қайратга солади. Мухаммасларнинг учтаси Лутфий ғазаллари асосида яратилган, иккитаси эса, "табъи худ" мухаммаслардир. Шуни ҳам айтиш керакки, Навоий ўз услубига содиқ ҳолда шеърларини ижтимоий, фалсафий маънолар билан бойитиради. Масалан, "табъи худ" мухаммаслардан бирида охирги банд қуйидагича битилган:

Йўқдир эттандия не хосил фақр сиррин билмайин,
Хеч ким мулки бақо султони бўлрошму экин,
Фонийи маҳз ўлмайин султон Абулғозий бикин.
Эй Навоий, давлати боқий тиларсен васлидин,
Они касб этмак фано бўлмай, не имкон оқибат?

Мусаддаслар ҳам иккита бўлиб, улар ҳам Лутфий ғазаллари асосида ёзилган. Буларда ҳам Навоий мухаммасларда қўлланган тамойиллар доирасида иш олиб борган. Масалан, Лутфий ғазалидаги бир байт қуйидагича:

Чун кари бодом тобут узра рисмедур қадим,
Кўз жанозам сори солким, сенсизин бўлдим қатил.

Навоий мисрадаги бодом, кўз, қаро сўзларидан фойдаланиб, поэтик янгий банд юзага келтиради:

Кўзларинг бодоми ҳажридин бўлиб жисмим сақим,
Чиқти жоним, эй қарокўз, баски ҳажринг берди бийм,
Бу васият қилмамишким, муşфику ёру надим
Наъшима ул кўй туфрогини қилғайлар ҳарим,
Чун кари бодом тобут узра рисмедур қадим,
Кўз жанозам сори солким, сенсизин бўлдим қатил.

Девондаги таржеъбандлар шоирнинг ижтимоий, фалсафий қарашларини ёритишда муҳим аҳамиятга эга. Ноирнинг:

Нақосиздур жаҳон раъноси, валлоҳ,
Жаҳон раъноси йўқким, мосиваллоҳ.

...ий рефрент сифатида такрорланган таржеъбанди алоҳида аҳамиятга э... 1. Таржеъбанд шундай бошланади:

Жаҳон қасриндадур сув узра бунёд,
Чу йўқ бунёди ондин бўлмоғил шод.

Не шод ўлғай киши бир қасрдинким,
Они тенгри яратмиш меҳнатобод.

Эмастур қаср, балким қасрдадур,
Ки тақдир айламиш уйларча бедод.

Тириклик кулбасига ёйибон дом,
Теңгиз амвожидин андоқки сайёд.

Эмас котил, париваш дилбарадур,
Ки жавридин қутулмас одамизод.

Вале не ишвасига эътимоде,
Не онинг ваъдайи васлига бунёд.

Висоли кўз юмуб-очқунча охир,
Фироқи кўз очиб-юмғунча барбод.

Алишер Навоий умр ва жамият ҳаётига назар солиб экан, унинг бебақо ҳамда инсон учун унчалик ҳам бахт манбаи эмаслигига ишонч ҳосил қилади. Бироқ у жамиятдан юз ўгиришни хаёлига келтирмайди. Ҳилм, қаноат, сабр кабилар воситасида инсонни яхши ахлоқ ва ҳаётга тадбиқ этади. Унинг бу фикрлари қуйидаги китъаларда янада очиқроқ баён этилган. Жумладан, у бир китъасида

Қаноат тариқига кир, эй кўнгул,
Ки хатм ўлғай ойини иззат санга.

Десанг шох бўлай, еру кўк басдурур

Бу бир тахту ул чатри рифъат санга

ая кўнглига насиҳат қилади. Китъанинг давомида шоир бу мақомни киши эриши учун нақшбандийлик тариқатини ўзлаштириши лозимлигини айтади. Ҳатто, нақшбандийлик тариқатининг асосий талабларини ҳар-бир санаб ўтади:

Десанг, хилватим анжуман бўлмасун,
Керак анжуман ичра хилват санга.

Ватан ичра соқин бўлуб, сайр қил,
Сафардин агар етса меҳнат санга.

Назарни қадамдин йироқ солмағил,
Бу йўл азми гар бўлса рағбат санга.

Бу тўрт иш била рубъи маскун аро
Чолинмоқ, не тонг, кўси давлат санга.

Баён этилган бу мулоҳазалардан Алишер Навоий ўз девонини тартиб бераётган пайтда нақшбандийлик тариқатини тўлиқ қабул қилганлиги ҳам чиқ намоён бўлади. Навоий китъаларида:

Виқор гавҳарию ҳилм маъдани бўлғукур,
Десангки, қилғай итоат санга гадо била шоҳ.

Бийик мақомира улким тилар саодат керак,
Ки эгриликни қўюб, тузлук айласа қонун.

Хиромон сувда сойир бўлмоқу учмоқ ҳаво узра,
Ажаб эрмас қачонким, ростравлиқ қилса овозя

...аби ахлоқий-маърифий фикрлар алоҳида жиддийроқ илмий тадқиқотни ...лаб қилганлиги туфайли биз бу хусусда кенг тўхталиб ўтирмаймиз.

Девондан 85 та рубоий ҳам ўрин олган. Рубоийлар турли мавзуларда ...зилган ва уларнинг аксарияти рубоийи таронадир. Баъзи рубоийларда ...дабиёт мўъжизаларининг гўзал тасвири берилади.

Сув кўзгусини боғ аро айёрда шитоб
Сиймоб қилур эрди таҳаррук била тоб.
Дай қилди бу сиймобни андоқ кўзгу,
Ким кўзгу анинг қошида бўлғай сиймоб.

...Боғдаги кўзгудек жилоланиб турган сув юзида сиймоб ўйнар эди. Қиш ...зуврининг шиддати билан бу сиймобни шундай кўзгуга айлантирдики, ...нинг тиниқлигини кўрган кўзгу уялганидан сиймобдек эриб кетур эди).

...на:

Гул вақти муяссар ўлса гулфом қадаҳ,
Андин сўнг тутса бир гуландом қадаҳ,
Май ичмаса гарчи аҳли ислом қадаҳ,
Кофирмен агар қилмасам ошом қадаҳ.

...Баҳор фаслида менга бир гулчеҳра ва гулгун қадаҳ тутса-ю, мен дин... ...ли май ичишни ман этганлиги туфайли уни олиб нўш этмасам, кофир ...лай. диндан кечай).

Шоирнинг рубоийларида ҳам Навоийга хос сўз ўйинлари тез-тез ...раб туради:

Бер жому ол, эй мугбача, жонимни иваз,
Кўп тутқилу, ол икки жаҳонимни иваз,
Они сумурурда қатраи томса агар,
Сен ҳам тўк анинг ўрнига конимни иваз.

Жуда кўп рубоийларда ижтимоий-фалсафий фикрлар баён этилган:

Ким истаса салтанат, саходур анга шарт,
Ҳар ваъдаки айласа, вафодур анга шарт.
Ким фақр талаб қилса, фанодур анга шарт,
Ошиққа нечким келса, ризодур анга шарт.

Шоҳ бўлишни истаган киши саховатли, ваъдасига вафодор бўлиши керак. Факирлик, дарвешлик даъво қилган кимса эса, Оллоҳдан неки келса ризо бўлиб, шукр қилиб, мақсади талаби фано бўлиши керак).

Аксарият рубоийларда эса шоирнинг кўнгилсизроқ ўтган йигитлик даврларига ишоралар англашилиб туради:

Бир гул ғамидин дедим кўнгул бергима доғ,
Бергаймu дебон атри димоғимға фароғ,
Ваҳким чу муяссар айлади бум ила зоғ,
Энди они исломоққа юқ кайф димоғ.

Рубоийларда дунёвий муҳаббатнинг завқбахш онлари ҳам ўта санъаткорлик билан берилган:

Бир сори сариғ тўлову мен гулсор хўл,
Не тобу не тус десанг, не сабру не чўл.
Йиртуқ кепанактин чиқоруб ялонг қўл,
Ул қочсаву мен қовсаму, мен қочсаму ул.

"Бобурнома"да 110 та рубоий (тўртлик) ҳам берилган. Улар

қалам, танга, игна, анор, тухум ва ҳоказолар ҳақида. Уларда ҳам бир ҳар бир нарсанинг ўзига хос хусусиятларини чиройли ўхшатишлар орқали баён этиб боради. Баъзи топишмоқларда эса, Навоийга хос ҳазил тарзидаги тасвирлар ҳам учрайди. Масалан, игна ҳақидаги луғзда ҳазил аралашган шундай байт бор:

> Пардаи исмотга ҳар тун чуҳки урсун лофи зуҳд,
>
> Кўп лакалинг дарзи-дарзи ичра кўрмушлар ани.

...ин. Ҳаё пардасидаги тундаги ҳалоллиги ҳақида канча лоф урмасин, у кийган кўйлакнинг чок чокларига игна киргизилганини кўрганлар.

Девон муаммолар, тарихлар, фардлар билан тугайди.

Муаммо ва тарихлар ҳам ўта санъаткор қалам эгаси томонидан яратилганлигидан дарак бериб турибди. Фардларда эса буюк Навоий санъаткорлиги янада равшан кўзга ташланади. Масалан, мумтоз адабиётимизда кўзнинг пешбоёҳи аксарият котил, лаб эса оби ҳаёт манбаи сифатида тилга олинади. Навоий эса шу анча сийқаланиб қолган ташбеҳлардан қуйидагича оддий мумтоз яратган:

> Икки кўзингу лабинг ҳажридин
>
> Мен хаста ўлиб-ўлиб тирилдим.

Байтда ўлиб-ўлиб сўзининг икки бор такрорланиши ҳар кўзинг учун бир марта жон бердим, аммо лабинг ҳажри мени тирилтирди, деган маъно чиқади.

> Бегу отанингдин, дедиларким, қолди афсона,
>
> Бошладим филҳол: "Бир бор эди, бир йўқ эди."

Бу ерда "Бир бор" [illegible]

рейим. Қуйидаги фардда ҳам ажойиб сўз ўйини ишлатилган:

Ўқ эди, эй тонгки, оттинг жонима васлат туни,

Бу жиҳатдин ёрума дермен сени ҳар субҳидам.

Фарднинг биринчи маъноси: эй тонг, васлат туни жонимга ўқ оттинг (менга ёр васли насиб этган тун), ана шу жиҳатдан сени мен "ёришма" деб қарғайман. Иккинчи маъноси: васл туни жонимга отган ўқингни, эй тонг, ҳар субҳидам ёримга айтиб, шикоят қиламан.

Алишер Навоий "Бадоеъ ул-бидоя" девонига тартиб берган чоғида ўз адабий услубини яратиб олган, ўз фалсафий дунёқарашини, ижтимоий, сиёсий орзуларини шакллантирган бир ижодкор сифатида кўзга ташланади. Бугунги ана шу нарса "Бадоеъ ул-бидоя"ни услуб ва фалсафий, ижтимоий қарашлар нуқтаи назаридан алоҳида тадқиқотларда ишлаб чиқишни тақозо этади. Чунки бу нарса Навоий ижтимоий тадрижини, услубининг шаклланиш йўли масалаларини илмий ёритишга олиб келади. Биз имконият даражасида "Бадоеъ ул-бидоя"нинг тузилиши, мундарижаси каби масалаларни, шоирнинг ўз асарларини таҳрир этиш масалаларини баъзи бир ижтимоий-фалсафий қарашлар доирасида ўрганиб чиқар эканмиз, девонни монографик планда кенг таҳлил этиш ҳозирги зарурлигига имон келтирдик. Янги давр ўзбек адабиётшунослиги мазкур масалани эътибордан четда қолдирмаслиги лозимдир.

Хаётий шеърлар, бадиий либос. Алишер Навоийнинг "Махбуб ул-кулуб" китобида ёзилишича, [11., XIII-т., 42 б.] ишк шундай бир

шуъдирки, башар фарзандлари кўзининг нури ва равшанлиги ундан. тгра, у бир кўёндирки, кайгули хотирлар тиканзори ундан чаман хосил лади. Хуллас, у кишилик тоифаси, олами ва инсон ишк билан қолланади ва х.к. Муаллиф ишк хакида кенг ва ибратли таъриф бергач, яни уч кисмга бўлади: аввом ишки, хос кишилар ишки хамда пок ишк.

[illegible]

[illegible]

рол билан пок назар солмоқ ва пок кўнгул ўзи шу ишк билан бекарор ...лмоклиги тўгрисида ...ийриб, яна шу ишк, ... мажозий ...бобланса-да, пок ишк даражасига кўтарилади, деган хулосага келади:

Ошик эни билки, эрур дардноқ,

Хам тили, хам кўзи, хам кўнгли пок. [11., VIII т., 180-б.]

...ишер Навоий агар ибрат кўзи билан караса "айни хакикатдур мажоз" ...ган фикрларни ўз ижодида кўп бор такрорлаган. Хазрат Алишер Навоий ...нинг шу мисраларини бадиий тасвирлашда Хусрав Дехлавий, Хожа Хофиз ...ровий, пок ошиклар сардори Абдурахмон Жомий фикрларига алокадор ...йд килади. Навоий булардан ташкари хам бир неча шоирлар борки, дард ... ишк равишини ифодалашда ижодлари "турклар аросида карорачни ва ...жилар ўртасида офат кўзгатувчидир" деган гапларни хам айтади. ...ир бу гапларни хаётида муламосадаги ижодкорлар Мавлоно Лутфий, ...оий, Саккокий, Сухайлий, Рафоий ва бошкаларни назарда тутган бўлса ...рак. Муаллифнинг фикрича, яна шундай шоирлар борки калам сурган

[illegible]

ўртасида ёзиши лозим. Бўлмаса бундай шеър ёруғсиз шамга, шеърни шакил этган сўзлар эса бошлиқсиз оломонга ўхшаб қолади. "Сўзнинг шеър лаззатидан ҳарорати бўлмаса, шеърнинг ишқ ҳароратидан куйдириши бўлмаса, ундай сўз билан шеърни ёруғсиз шамъ бил ва бошлиқсиз тўда гумон қил." [11, XIII-т., 209-б.]

Алишер Навоийнинг биз таҳлил этмоқчи бўлганимиз ғазаллари худди ана шундай талаб асосида дунё юзини кўрганлар. Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида туркий тилнинг бадиий воситалар ретидаги имкониятлари хусусида фикр юритиб"... бу лафзда мунча вусъат ва майдонида фусҳат топилур. Зеракким, мунда ҳар навъ нукта узорлиг ва фасоҳатгуфторлиг назмсозлиг ва фасонапардозлиг осонроқ бўлғай... Бу тилда ғариб алфоз ва адо кўпдур" деб ёзган эди. [11, XIV-т., 128-б.] Буюк шоир ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб фикрни бадиий ифодалашда туркий тилнинг бадиий шакллари, хилма-хил имкониятларидан ноёб санъаткорлик билан фойдаланади. Шоирнинг қалами остида табиатда мавжуд бўлган қариб барча нарсалар, инсон жисмининг турли туман жузвлари, унинг руҳий ҳолатининг хилма-хил лаҳзалардаги ҳолатлари ҳам фикрни бадиий ифодалашга имконият бўлиб хизмат қилади. Жумладан, биз Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" достонида, "Ситтаи зарурия" номли форсий қасидалар мажмуасидан иборат бўлган асар таркибига кирувчи "Қасидаи "Руҳ ул-қудс"и таҳқиди бори таоло" [Адабий мерос., 1986, N1. 244-251-б.] асарида ташхис тарзида тасвирланган КЎНГИЛ образини кўздан кечирайлик. Алишер Навоий "Бадоеъ ул-бидоя"да кўнгилнинг хилма-хил ҳолатлардаги тасвирини чизиш билан ўзининг фалсафий, ахлоқий фикрларини нафис тараннум этишга эришади. Шоирнинг айрим ғазалларида кўнгил лирик қаҳрамонининг [illegible] яқин

соҳиби, муҳиби тарзида гавдаланади. Лирик қаҳрамон у билан ўзининг [illegible] нозик туйғуларини ўртоқлашади:

Ёрдин келмиш манга бир турфа мактуб, ай кўнгул,
Ким эрур ҳар сатри, бал, ҳар лафзи марғуб, ай кўнгул.

Лафз йўқ, ҳар ҳарфи жон ҳирзи, даги ҳар нуқтаси,
Мардумак янглиғ, биайниҳ, кўзга маҳбуб, ай кўнгул.

Мазкур байтларда ёрдан келган мактубнинг ошиқ қалбида уйғотган [illegible] ва изҳори, ҳамда мусиқий тажнис санъатлари воситасида да нафис очиб берилган. Яъни, маъшуқа мактубининг ҳар сатри, сатри эмас, балки, ҳар бир сўзи ошиқнинг кўнглига марғуб. Лекин, мактуб ундай таърифланиши ошиқнинг ўзини ҳам қаноатлантирмайди. У мактубни ада муболағали таърифлашга киришади: "Йўқ-йўқ, хатнинг ҳар лафзи эмас, балки ҳар бир ҳарфи жонимни бало-қазодан асрагучи тумордир ирзи жон - тумор). Унинг ҳар бир нуқтаси эса кўз қорачиғи янглиғ мс ва севимлидир" деган фикр баён этилади. Учинчи байтда яна бир уллодда поэтик фикр ифодаланган. Маълумки, тумор инсоннинг [illegible]идаги жунун асарларини дафъ этса, маъшуқанинг мактубидан қилинган тумор эса ошиқни илгида мағлуб қилиб қўйди:

Айладим тумор, агар тумор этар дафъи жунун,
Бу мени қилмиш жунун илгида мағлуб, ай кўнгул.

[illegible] шоир ғазал матлаъида тасвирланган фикрни чуқурлаштириб ривожлантира[illegible] рио, шундай лирик-поэтик фикрларни баён этадики, ўқувчи [illegible]савнури поэтик тасвир қаршисида мўъжизавий бир ҳолат олдига келиб қолгандай лол бўлиб қолади. Шоирнинг тасвирича, тумор қилинган [illegible]

...ган эмас экан. Балки, у ўзи кофиргун кийиб, ажойиб маҳбуба қиёфасида ошиқнинг олдига келган экан:

Сафҳада эрмас муҳаббат шарҳиким, келмиш кийиб
Ҳуллайи кофургун бир турфа маҳбуб, эй кўнгул.

...нинг давомида лирик қаҳрамоннинг ўша париваш номасини такрор-такрор ўқийвериши (ёки кофургун либосли маҳбубни такрор-такрор кўравериши) туфайли эл орасида мажнунликка мансуб бўлиб қолганлиги баён этилади. Бу ерда паривaш ва мажнун сўзлари воситасида ҳам таносуб санъати яратилган. Зероки, эл орасида пари инсонга учраса, унинг ақлу ҳушини олиб девона қилиб қўяди, деган ривоят мавжуддир. Ана шу новеллардан кейин лирик қаҳрамон "ўз саҳифангни бегоналар ёдидан пок қил, хотиринг лавҳасини ҳар хат билан ниқоблай берма", деб ўз ...соҳиби – Кўнгулга насиҳат қилади:

Асру кўп такрор этардин ул паривашнинг номасин
Бўлмишам эл ичра мажнунликка мансуб, эй кўнгул.

Ғайрдин сафҳангни қилғил пок, яъни айлама
Хотиринг лавҳини ҳар хат бирла маҳжуб, эй кўнгул.

Ғазалнинг мақтаъида хат сўзини икки маънода қўллашдан иборат яна бир ...ройли санъат – ийҳом ишлатилган:

Ғамдин озод ўлди хаттидин Навоий, сирмисе,
Бергил қуллуққа хат бўлғайму мақбул, эй кўнгул.

Биринчи мисрани маъшуқа хати туфайли Навоий ғамдан озод бўлди, маъносида ҳам тушуниш мумкин. Яна уни оғзинг хатларини кўриб, Навоий ...идан озод бўлди, деган мазмунда англаса ҳам бўлади. Охирги мисрада

эса хат сўзи учинчи маънода қўлланилган. Яъни, лирик қаҳрамонни ҳужайин – беги – маъшуқаси ғамдан озод этган экан, унга "сенга энди қулман" деб тилхат бермаса бўлмайдику, бу нарса беглик ва қуллик ўртасидаги шериклик қоидасидир, деган фикр англашилади. Шу тариқа Алишер Навоий кўнгулга мурожаат қилиш воситасида мажозий ишқнинг турфа бир лавҳасини яратади. Бундан ташқари, ғазалда муҳаббатнинг сўфиёна талқини ҳам ўз ифодасини топган. Ана шу фикрларнинг бадиий ҳалқин [illegible] эса мусоҳиб қиёфасидаги кўнгул образи [illegible] бўлиб хизмат қилган. Лирик қаҳрамоннинг кўнгулга нисбатан [illegible] бундай муносабати девондаги кўп сонли кўнгулга ғазалларда учрайди. Масалан:

Эй кўнгул, келким, ишов бўлиб нигоре кўзлали,
Сарвқадде истабон, сиймин узоре кўзлали...

Ёки:

Келгил, эй қурбон кўнгул, ул қоши ё меҳрин унут,
Чун вафодин торгилур сен ҳам бориб бир йўла тут.

. . . .

Чунки ул бизни унутмоқни [illegible], [illegible],
Сен доғи, кел бир нафас они соғинмоқни унут...

ва бошқалар.

Баъзи ғазалларда эса, юқоридаги фикрларнинг акси ўлароқ, кўнгул ҳолва, бебош, дилозор бир қиёфада жонлантирилади. Шоирнинг лирик қаҳрамони ёр ишқида дард чекаверib девонавош бўлиб қолган кўнглидан шикоят қилади. Агар кўксидан ёр васлини истаб чиқиб кетмоқчи бўлган кўнглининг йўлини тусса, унинг ноласи афғон чекиб ялборишларидан бағри [illegible]:

Телба кўнглум, вахки, хар соат бўйла сори борур,
Манъ қилдим орса бағрим оғригудек ёлборур.

[ҳ]ақаро кўнгул ўз соҳибини ночор бир аҳволда қолдиради. Уни бағридан [ч]иқиб кетса, бошига юз балолар келтирувчи ишқ дардини боғлаб келади. [Кет]маса, ўзини йўқотар даражада алам чекиб, ўз хўжаси кўнгли азобли [ҳи]жронларга гирифтор қилади. Бу жафолардан безган лирик қаҳрамон: "Мени сарсон кўнглимдан қутқарган кишига жаҳоним бўлса, [ж]амиясини фидо қилишга тайёрман", дейди:

Қуйдим орса келтурур мунглуғ бошимға юз бало.
Қўймасам жонға зарар еттудек ўзини борур.

Қўймасам бу, қўйсам ул, вах, бўлса юз жоним фидо
Ул кишигаким, қошин жонамни андин қутқорур.

[Ў]чинчи байтда моҳир санъаткорлик билан ишлатилган ирсол ул-масал [санъ]ати ғазал кўркига кўрк қўшганлиги кўриниб турибди. Навбатдаги байтда "ақлим панд-насиҳатларини бир четга қўйиб турғани яхшироқ, [чу]нки мен қай томон бормайин, мени ақлим эмас, телба кўнглим [е]лкарадир", деган маъно бор:

Ақл васвосини қўйсам яхши ўлғим, эй кони,
Бошим олиб кеттамен хар сориким, ул бошкорур.

[К]ейинги байтда иғроқ санъатининг классик намунасига дуч келамиз:

Соқие, бир жавъ мен лабташна йўқким отсима,
Хар нуқам оғзига қуйсанг бир нафасни сипқорур.

Алишер Навоий бадиий услубига хос бўлган хусусиятлардан яна [б]ири, [illegible]

ижтимоий-сиёсий ёки фалсафий фикрни билдириб қўйиш анъанасидан бу ғазал ҳам бебаҳра қолмаган. Ғазалнинг 6-байтида "бу даврон элидан вафо кутиш нодонликдир. Чунки бу элнинг тили бир бошқа-ю, дили бир бошқадир. Зеро, табиатнинг ўзи бунга мисол қилиб боғларида раъно гулларни яратиб қўйган. Бу гулларнинг бир юзи қизара бошласа, иккинчи томони сарғая боради. Бу табиат ҳукмидир. Лекин, шунда ҳам сен икки юзлик бўлма, ўзлигингни асра, деган фикрларни ўқиймиз:

Икки юзлик бўлмағил, бу бошдин раъно гули
Гар қизорур бир юзи, лекин яна бир сорғорур.

Агар эътибор қилинса, қизил ва сариқ рангларининг контрастлиги воситасида гўзал тазод санъати юзага келган бу байтда. Ғазалнинг мақтаида "Вужудим ишқ ўтида кул-кул кул бўлди. Бу бир сиқим кул ичидан ҳар қанча қидирсанг ҳам чўғдек пинҳон кўнглимни топа олмайсан", деган маъно бор:

Кулда пинҳон ўт киби топмас Навоий кўнглини,
Ҳар нечаким ишқ кул қилди вужудим соврурур.

. . . .

Булардан ташқари мақтаъда "Вужуд куйиб, кул каби ҳўк бўлиб кетса-да, чўғдек пок кўнгил, руҳ абадий қолаверади", маъносидаги сўфиёна [illegible]фиятда қолдирган ишорани ҳам сезиш мумкин. Бу ғазалда ташхис (жонлантириш) санъати покиза воқеъ бўлгандир. Навоий назмиётида гул образи воситасида бу санъатга жуда кўп мурожаат қилинади. Қуйида келтирмоқчи бўлганимиз девондаги 374-ғазалдан олинган бир байтда ташхиснинг ёрқин намойиши билан бир қаторда тадриж санъати - ҳолатнинг изчиллик билан ривожлана бориш санъатининг ҳам маҳорат ва нафосат билан ишлатилганлигининг гувоҳи бўламиз:

Раҳм этиб, эй дўстлар, мажруҳ кўксимни ёринг,
Кўл ёлонг сайрабон солиб, ҳар бир ичимни ахтаринг.

Учраса юзи қаро кўнглум тутиб, гортиб, уруб,
Ўтқа солиб, ўртабон, жонимни андин қутқаринг.

Кесган эрса чоклик кўксим тикиб, воқиф бўлиб,
Чархи бу жоним, сиғсалар бирла санчиб қайтаринг...

Яна [illegible]
[illegible]

Тушумда васли эрди, эй кўнгул, ё раб, бало урсун
Сани аким, мени уйғотди ажаб ҳолатда афғонинг.

Бошқа бир ғазалда жонга ва жафо келтирувчи Кўнгул маҳбубанинг
итларига ташланади:

Толба кўнглум топсангиз, эй ёр кўйи итлари,
Тўш-тўшидин тишлабон, парканд-парканд айлангиз.

Бу байтда "т" ва "ш" ҳарфлари билан ҳосил қилинган ҳарфий изтиқоқ
санъати ҳам бор.

"Бадоеъ ул-бидоя" девонида кўнгул ўтга, қушга ўхшатилган, Каъбаи
муборакка – "байтул-ҳаром"га қиёсланган ёки "қибла" деб аталган, унга
"ғунча" ташбеҳи берилган байтлар учрайди. Бу байтларнинг бадиий
қиммати ўқувчисини "тафаккурлаш [illegible] [illegible]" даражаладир.
Шулардан, ҳусни таълил санъатининг гўзал намунаси қуйидаги байтда
зоҳир бўлган:

Кўнгуллар нолаcи зулфунг камандида ногаҳон кўргач,
[illegible]

илондек ялтираб, эшилиб турган зулфингни ногахон кўриб қолган ошуфта кўнгулларнинг оху нолалари илондан қўрққан саросима қушчалар чийқириғидек жаҳонни тутди).

Ғазалда муболаға санъати воситасида ҳам шеъриятда ўзига хос ва такрор образлар яратилган байтлар учрайди:

Кўриб юзида назар, зулфи сари кечти кўнгул,
Кўнгулга соя керак эрди офтоб меҳри мунир.

Дўстнинг ўзидир тиғларидан паноҳ истаб кетган ошиқ кўнгли қуёшли эътимоси ошу кўзинида ўтиб қараб кўриб зулфларнинг сояси сари кетти).
Муболаға санъати юксак намойишини топган қуйидаги:

Толбарос истаб кўнгул ёдимга келса гоҳлар,
Йиғлаб эл кўнгли бузулғудек чекармен оҳлар

матлаъли ғазалида кўнгулга нисбатан илтифот санъати ҳам ишлатилган:

Хўблар зулфу занахдониға бормиш, эй кўнгул,
Ҳозир ўл, тунгур қоронгу, йўлда бордур чоҳлар.

Мазкур байтда: -"Хўблар зулфи сари йўл тутган кўнгул тундек қора сочлардан ва уларнинг чоҳлар каби гириҳ-гириҳларидан (тутам-тутам ўралиридан) ўтиб бориши керак", деган маънодаги фикр билан мукаммал ташбеҳ санъати яратилган. Ғазалнинг давомидаги байтда талмеҳ санъати: "Эй кўнгул, сен ғофил қолмоқи, ишқнинг бу сермашаққат йўлларидан Фарҳод, Вомиқу Мажнун каби ошиқлар ҳам ўтганлар" деган мазмундаги фикрлар билан юз кўрсатади:

Эй кўнгул, Фарҳод иле Вомиқ дағи Мажнун қани?
Ғулматил ғофилки, бир-бир бордилар ҳамроҳлар.

Девон таркибига кирган қатор ғазалларда кўнгул хаста, бемор, шикаста ташбиҳлари билан ифодаланади. Қуйидаги байтларда ишқ дардига дучор мажруҳу афгор кўнгул тасвири бор:

Хаста кўнглум ҳам этар ул сориким, жонон борур,
Дам-бадам жоним чиқар, гўё бу ҳам ул ён борур.

x x x x x

Чок бўлгон кўнглума қилмоқ илож оосн эмас,
Гунчаким [illegible]

x x x x x

Чаманда қолмади [illegible] бор кўнгул,
Соғинма ғунчани, гулбун кетурди бор кўнгул.

x x x x x

Қани бир чеҳраки, майл этгай анга хаста кўнгул,
Қани бир зулфки, бўлгай анга вобаста кўнгул...

Зулмидин деса Навоийки қилай ишқини тарк,
Уш этиб, ичкаридан ёлборур ожиста кўнгул.

[illegible]

Классик санъатлардан тажниснинг турли хил кўринишлари (тажниси [illegible], тажниси зойид, тажниси хатт, тажниси мутарраф, тажниси мукаррар, тажниси мураккаб) ҳам Навоий ғазалларида маҳорат билан қўлланилган. Қуйидаги эътиборингизга ҳавола этмоқчи бўлганимиз байт мисолан, тахаллусли байтда ҳам мукаммал тажнис (тажниси томм) санъатининг ёрқин намунасини кўрамиз. Лирик қаҳрамон [illegible] ошиқнинг ўз [illegible]

алатга тайёрлиги жуда гўзал ва айни замонда, ниҳоятда табиий сўз йини билан ифодаланган:

Эй Навоий, кўнглум олиб итларга ташласа,

Кўнгул! Онинг барча мақсуди кўнгул олмоқидур!

Байтда уч бор такрорланган "кўнгул" уч мустақил маънони ифодалаб келади. Аввалги мисрада у инсон баданининг аъзоси "дил", "юрак" маъноларида келса, иккинчи мисрада биринчи "кўнгул" аслида бошқа ўзакдан – "кўнмоқ" феълидан ясалган бўлиб, яъни, "рози бўл", "йўл қўйма", "илтифот билдирма" мазмунини англатади. Ва ниҳоят, шу мисрадаги "кўнгул олмоқ" сўзлари жонли халқ тилида кўп қўлланиладиган фразеологик бирикма бўлиб, "хурсанд қилмоқ", "дил овламоқ", "шодлантирмоқ" мазмунида келади.

Девонда "кўнгул", "эй кўнгул", "айлар кўнгул" каби радифли ғазаллар фаровон. Шундай ғазаллардан бири, 430-ғазалда Навоий "кўнгул" радифидан фойдаланиб тажниснинг бир неча турини яратади. Мана ўша байт-матлаъ:

Қилди овора мени хастани овора кўнгул,

Хонумонимни қаро этти қаю қора кўнгул.

Матлаънинг биринчи мисрасида икки марта қўлланилган "овора" сўзи биринчи ўринда лирик қаҳрамон – ошиқ шахсига тегишли бўлса, иккинчи ўринда бевосита Кўнгулга тегишлидир. Бундан ташқари "овора" сўзи ошиқ қаҳрамонга нисбатан ишлатилганда "сарсон" маъносида келган, кўнгулга нисбатан ишлатилганда эса "дайди" маъносини билдиради: "Ўзи ...қ кўйида дайдиб юрган Кўнгул хаста Жисм ва Жонни ҳам ғаму ташвишга гирифтор қилди".

Матлаънинг иккинчи мисрасидаги "қаро" ва "қора" сўзлари ҳам биринчи маъноси жиҳатидан ошиқ рўзгори, хонумонига қарата айтилган бўлса (бебахт, бетолеъ маъносида), иккинчи маъноси жиҳатидан кўнгулга нисбатан қўлланилган бўлиб, ўзбошимча, ношукр каби маъноларни англатади. Санъат жиҳатидан эса бу энди тажниси зойиддир:

Қилди обора мени хастани обора кўнгул,
Хонумонимни қаро этти этик қора кўнгул.

Байтдаги "қаро" ва "қора" сўзлари ҳам бўшқа маъно ташийди. Маълумки, қора ранг кўпинча ғолиблик тимсоли, "ёшлик" рамзи деб тушунилади. Бу ҳақда адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул шундай ёзади: Низомий талқинига кўра, дунёдаги бирор бир ранг қоралидан яхши эмас. Ҳаттоки, "Дар сиёҳи нукуҳ дорад моҳ" – "Ой ҳам қоронғуликда улуғлидир". Сиёҳпўшлик жаҳонбинликдир. Алишер Навоий ўзининг салафи Низомийнинг ана шу қоявий қарашларини ривожлантириб: "Қаро ранг ичра ожу Торандур. Ким қаро ранг ичрадур муборакдур" деб ёзган эди.[194,33 б.] Шу нуқтаи назардан мисрадаги биринчи "қаро" сўзи "мени ишқ дардига ошно қилиб, рўзгоримни қаро – муборак қилди кўнгул" деган маънони беради. Шунингдек, "қаро ранг айни қожу торандур" ақидасида "мени қора кўнгул" иборасини шарҳлаганда, "ёт кўнгул", "ёшлик ишқидан мунаввар кўнгул" маънолари ҳам келиб чиқади. Яъни:

Хонумонимни қаро этти мени қора кўнгул –

Яъни ёшлик безаволлигидан мунаввар кўнгул шу нурлар билан хонумонимни муборак этти". Яна шу нуқтаи назардан байтнинг мазмунини "Мен хастага ишқ ташвишини келтириб, рўзгоримни муборак этти кўнгул" деб изоҳласа ҳам бўлади.

Байтнинг иккинчи мисраси халқ ибораси шаклида эканлигини эътиборга олсак, мазмун ўзгаради. Энди мисрада ирсол-масал санъати зоҳир. Халқимизда бирор айб қилиб гуноҳга ботган кишига нисбатан "юзи қора бўлди" ибораси қўлланилади. Шу маънода байтнинг мазмуни қуйидагича маънони англатади: "Мен бемор, хастани ғаму ташвишга солган, гуноҳкор, дайди, эл ичида юзи қора кўнгул рўзгоримни, ёруғ кунларимни ҳам қора ғамгузор қилди". Бир шаклдаги сўзнинг айни-қайта такрорланиши, кўп маънолилиги, мисраларда турлича [illegible] ва жаранглаши учун, ғоя-мазмуннинг янги рангда ва ҳар қачон бир тарзда юзага чиқишини таъминлаган. Бу муҳим фазилатни бошқа кўплаб байтларда ҳам қайд этиш мумкин.

"Қаро" сўзининг Иброҳим Ҳаққул кўрсатгандан бошқа маънолари ҳам бор: "қаро совуқ – жуда кучли совуқ", "қаро бало – офат, давосиз дард" ва ҳ.к. Биз байтни олимнинг шарҳига кўра изоҳладик. Лекин бир байтга шунчалик маъно юкланиши шоирнинг ўта санъаткорлигига далил эмасми? Шарқ поэзияси бадиийлигининг битта жиҳати ҳам шунга эмасми? "Бадоеъ ул-бидоя" айни шу йўналиш бўйича таҳлил этилганда ҳам Шарқ бадиий санъаткорлигига тимсолий мактаб бўлиб қолур эди.

"Бадоеъ ул-бидоя"дан жой олган 264-ғазалда бадиий санъатларнинг ҳар қанча гўзал ғоят мукаммал намоён бўлган. Навоий бир байтда икки жойдан такрорланувчи қофиялар ва радифлар воситасида гўзал ва нозик ҳажвия санъатини ҳосил қилиб, "кўзу кўнгул" бирикмасини ҳар байтда такрорлаб илтизом қилади:

Ёрдин айрилғали шайдо кўнгул, бехоб кўз,
Ҳар замон зоҳир қилур савдо кўнгул, хуноб кўз.

Кўзу кўнглум баҳру бир сайр эттилар ер истабон,
Бу сафарда топтилар ягмо кўнгул, гирдоб кўз.

Кўзу кўнглумнинг бири куйиб, бириси бўлди сел.
Йўқса невчун бўлди нопайдо кўнгул, ноёб кўз?

Дер эмиш, ҳажрида мендек кўзу кўнглум борсун,
[illegible], дуктур манга ходо кўнгул, қассоб кўз.

Вах, не кун бўлғайки, етгай васлига кўзу кўнгул,
Тортибон фарёду воҳайҳо кўнгул, [illegible] кўз.

Кўрмайин дев кўрди кўз, кўрган кўнгул қилди ҳаво,
Бўлди зор этган мени расво кўнгул, қаллоб кўз.

Дўст кўзин, қошидин узгил кўнглумни, турса не
Бермаса олмас эмиш ёло кўнгул, аҳбоб кўз.

Эй Навоий, сўфиёким, ёр меҳмон бўлғусиз,
Ким муратиб айламиш маъво кўнгул, асбоб кўз.

Ғазалдаги қофия ва радифлар ўртасида мантиқий мутаносиблик бор. Бу ўринда "кўз" ва "кўнгул"нинг сўфиёна маъно ҳам талқинини кўнгулга тушган ҳолда бу истилоҳларнинг зоҳирий жиҳату қанчалигина сўз [illegible] этамиз. Агар шундай қилинмаса, тасаввуф фалсафий ўзанига тушиб қолаверар эди. Кўнгул ва кўз радифларининг қофияланишига эътибор [illegible]

Кўнгул	шайдо	Кўз – бехоб
	савдо	хуноб
	ягмо	ғарқоб
	нопайдо	ноёб
	хоро	қассоб
	бепарво	ғирдоб
	расво	қаллоб
	адо	ахбоб
	маййо	айёб

Яъни, Кўнгул ёрга шайдо бўлгану, Кўз уйқу нималигини унутган. У ...р жамолини бошқа кўра олмаслигини билиб шу аҳволга тушган. Лекин, ...нгулни ёрга шайдо қилган асосий айбдор Кўздир. У биринчи бўлиб ёр ...сини томоша қилган.

Жисмида савдо голиб бўлган кишининг кўзлари қизариб, қонталаш ...либ туради. Бу ҳол қонда савдонинг ортиб кетишидандир. Кўзнинг ...ноб бўлишига эса мажнун Кўнгулнинг ҳар савдо зоҳир қилиши боисдир.

Иккинчи байтда ташхис санъати акс этган. Ёр жамолини истаб ...лгис сайрига чиққан Кўзу Кўнгул сафар шиҳолосида бири тому аламга ...тиб, иккинчиси сувга чўкиб кетди. Яъни, Кўнгул ёрини тола олмай ҳам ...лди. Кўз эса, бу кургуликдан ўз кўз ёшларига ўзи гарқ бўлди.

Учинчи байтда ташхис янада гўзалроқ намоён бўлади. Кўнгул ёр ...рокида ўртанавериб, ўз эгасининг ўтида ўзи куйиб кул бўлди. Кўз эса ...крон азобида тўккан ёшларидан хосил бўлган сел туфайли нобуд бўлди. ... чорида иккаласи ҳам ноёбу нопайдодур.

Ёр: "Агар мени соғинса, менинг ўрнимда Кўзим ва Кўнглимни ...расун". деган эмиш. Бечора ошиқ не қилсинки, бундайин тиканзор

ўнгул ва қотил Кўзни ҳеч қачон асраган эмас.

Агар бир кун келиб зор Кўзиму маҳжур Кўнглим ёр васлига эришса, бу шарафни Кўнглим фарёду оҳу вой билан, Кўзим ўз ёшлари билан қарши олади.

Навбатдаги байтда тарди акс санъати воқеъ бўлган. Албатта, Кўнгулнинг беқарор бўлишига Кўз сабабчидир. Чунки, у "қарамайман!", деб берган ваъдасида турмай, яна ёр ҳуснига боқди. Шундан сўнг Кўнгул қароқчиши. Кўнгулни ҳеч [illegible] Кўз [illegible], қадрдонидир.

Кейинги байт чуқур фалсафий ва ижтимоий маъно касб этган: "Эй ошиқ! Бу дунё мулкидан кўнглингни уз ва дўст кўзла! Агар бошингга ҳам тушса, кўнглинг вафо қилиб, кўзинг дўстлар [illegible] бўлмайди".

Ниҳоят мақтаъ: Эй Навоий, ёр меҳмон бўладиганга ўхшайди. Кўнглинг уйини, Кўзинг эшикларини тартибга келтирибди.

Ғазалдаги такрорий қофия ва радифлар ғоя-мазмунни эркинроқ ифодалашга хизмат қилиб, "с" ҳарфидан ҳосил қилинган ҳарфий иштиқоқ санъати эса шеърнинг равонлиги, жарангига суръат бағишлаган.

Шу ўринда яна бир нарса киши эътиборини тортади. Нега шоир "кўз ва қош", "кўнгул ва аз" эмас, балки, айнан "кўнгул ва кўз"ни ғазалга радиф қилиб олди? Чунки, ишқ макон тутган ер – Кўнгулдир. Кўз эса, ёр чеҳрасини илк бор кўриб, шунча "фироқу рашку ҳажру оҳ ила дард"ни йўқлаб келувчи асосий айбдордир. Ошиқ ўз кўзларидан ранж чекади. Лекин, ёрнинг кўзлари-чи? Ахир, ошиқ кўнгулини асиру мубтало этган шу кўзларку! Кўзга Оллоҳнинг назари тушган, дейдилар. Шу сабабдан ҳам кўз – азиз, севимли, дилбардир. Бечора ошиқнинг назари ҳам энг аввало ёрнинг жоду кўзларига тушган ва кўнгли умрбод ишқ дардига мубтало бўлган. Бу ҳақда Навоийнинг бошқа бир ғазалида шундай байт бор:

Кўнгулни кўзларинг олди, не тонг ики бўлмак
Бир аҳли динни ики маст кофир этса асир?

- Кўнглим сенинг мастона кўзларингга мафтун бўлиб қолди. Бир диндор кўнглимни икки маст динсиз икки кайтелаб асир этса, бунинг ҳеч ажабланарли ери йўқ. Сенинг иккита масту беҳуш кўзларинг зулмига ёлғиз битта мўмин кўнглимнинг кучи етармиди?

Яна, яна бир байт:

Сайд қилди кўнгул кўзларингга, воҳ, қутулурму
Бир қушни анинг қасдида бўлгай ики сайёд?

- Бир қушни тутмоқ қасдида бўлган икки овчи каби икки кўзинг кўнглимга назар қилди ва кўнглим кўзларингнинг асири бўлиб қолди.

Ғазалга "кўнгул" ва "кўз"нинг радиф қилиб олиниши тасодифий эмас. Ишқ оташида энг кўп куйиб, хору расво, хастаю қурбон бўлган - кўнгулдир. Илк бор кўнгулни мафтун этган нарса эса - кўздир.

Хуллас, бу ғазал уста санъаткор ижодининг бетакрор намунаси бўлиб, беш асрдирки, тингловчиси қалбини жунбушга келтиради. Замондош шоирларимизнинг бу ғазалга боғлаган мухаммаслари фикримизнинг бир исботидир.[1] Бу ҳам майли, Ҳазрат Алишер Навоийнинг "кўнгул"ни англашда оғир маънавий хусусиятлар мулоҳазаларини "Ҳайрат ул-аброр"дан ўқиниб олса бўлади. Бироқ бу - бошқа мавзу. Демак, қофия ва радиф танлашда ҳам Навоийона зийраклик, санъаткорлик лозим экан.

"Бадоеъ ул-бидоя"да кўнгул истилоҳи билан яратилиб халқимизнинг севимли қўшиқларига айланиб кетган шеърлар, хос аҳли ишқининг ғазал

---

[1] Ҳусниддин Салоҳий мухаммаси. Ленин йўлининг 1987 йил 4 феврал сонида эълон этилган.

мунаси сифатида ҳар қандай мадҳ ва таҳсинлардан ортиқ ижод муналари жуда кўп. Бундай қўшиқларни тинглар экансиз, сўз ва мусиқа ньъатларининг уйғунлиги, тоза бадиий тасвир ва фалсафий фикрларнинг ранлиги ақлингиз ва ҳиссиётингизни лол қолдиради. Буюк шоир ҳаётининг арчалари акс этган бу шеърлардаги ёр номасини ўпмоққа ошиққан ардманд, ошиқ кўнгулнинг изтироблари, унинг бесабрлик ила ҳар дам ўзга етказган азоблари сизнинг дилингизга ҳам сингиб қолади. Зеро, бундай ғазалга ҳеч қандай шарҳнинг ҳожати йўқ. Уни фақат [illegible] [illegible] тинглаш ва завқланиш керак!

Номаси қўйнумда, беским изтироб айлар кўнгул.
Ўпгали чиқмоқда гўёким шитоб айлар кўнгул.

Тоза бўлмиш эрди кўксум чоки, ваҳким, толпиниб
Чиққали ул рахнани ҳар дам хароб айлар кўнгул.

Ўқи захми йўлидин солсам ичимга номасин,
Бир фатила марҳам ўрнига ҳисоб айлар кўнгул.

Чирмабон жон пардасин манзур узра воло киби
Кўрмасун деб ғайр они, гўё ниқоб айлар кўнгул.

Ғунчадек қат-қат бўлуб қон ул мусофир ҳажридин,
Номаси янглиғ дамо-дам печу тоб айлар кўнгул.

Мусҳаф эрмиш руқъаси давронинин эрур ёнаким,
Жонга бу андишадин ҳар дам азоб айлар кўнгул.

Эй Навоий, очти кўксимнинг тикилган чокини,
Номаси қўйнумда, беским изтироб айлар кўнгул.

"Бадоеъ ул-бидоя"да "кўнгул" сўзи тимсоли билан боғлиқ бадиий санъатлар, чиройли лавҳалар сон-саноқсиздир. Биз улардан айримлари ҳақидагина мулоҳаза билдирдик. Зероки, шуларнинг ўзи ҳам Алишер Навоий бадиий санъаткорлигининг нақадар юксак эканлигини кўз-кўз қилади. Бундай мақтовли фикрларни Алишер Навоийнинг ғазалларида поэтик образ сифатида фойдаланилган кош, кўз, киприк, зулф, жон истилоҳлари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Шубҳасиз, бундай ишни амалга ошириш бутун [illegible] тадқиқот эмас, балки бир неча рисолалардан иборат бўлувчи [illegible] икки-учта рисолалар қобилига сиғмайдиган талқин ва таҳлилни тақозо қилади.

Ҳазрат Навоий Низомий Ганжавийни улуғ бир денгизга ўхшатиб, ўзини эса мазкур денгиздан тили билан қултумлаб сув ичувчи итга ташбеҳ берган. Бу гап худди шу маънода бошқачароқ шаклда Ҳазрати Жомий тўғрисида ҳам айтилган. "Бадоеъ ул-бидоя"ни мутолаа қилар эканман, ўзимни бундан ҳам ғариброқ бир аҳволда ҳис қилдим ва шундай хулосага келдимки, буюк Навоийни ҳали ўрганган эмас эканмиз. Янги авлодлар туфайли Навоийни чуқурроқ ўрганишга имкон туғилгани учун ҳам шукр. Зероки, "Бадоеъ ул-бидоя" девонининг ўзи Навоийнинг бошқа ижодий асарларини [illegible] ҳам, унинг ижоди билан шуғулланувчиларга материал бўлиб хизмат қила олади ва шу китобнинг ўзи Навоийни мавзуси мутафаккир ижодкорлари қаторига қўйиб ўрганишга, аҳолашга етарлича ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Баҳоланки, девондаги ҳар бир байтнинг шарҳи алоҳида бир рисолавий тадқиқотни талаб қилади:

То тамдадур Навоий, янга заҳр тийрадур,
[illegible]

шимизда кўп марта таъкидлаганимиздек, хазрат Навоийнинг улуғлиги шундаки, у ИНСОН хақида фикр юритган. Бу фикр доираси хар қандай миллий, диний, мафкуравий худудларни ёриб чиққан. Афсуски, Навоий ўрганилмаган.

.. "Бадоеъ ул-бидое" ғазалларининг таржимаси ва маҳорат масалалари.

Алишер Навоий асарларининг мазмуни асосида яратилган адабиёт намуналари XVI асрдаёқ (1557 йилдан кейин) Ғарбий Европа мамлакатларига тарқала бошлаган бўлса-да, шоир ижодини Европа адабиётшунослиги руҳида ўрганиш XIX асрнинг иккинчи ярмиларига тўғри келади. Бу даврда француз шарқшуноси Катрмер, рус олимлари .А.Березин, М.Никитскийлар Навоийнинг таржимаи ҳоли, ижодий фаолияти ҳақида бирмунча муфассал ҳамда асосли тўғри мулоҳазаларни баён этганлар. Лекин, уларга хос умумий камчилик шулардан иборатки, шоирнинг поэтик ижоди ҳақида гап борганда улар Навоийни форс адабиётининг таржимони сифатида талқин қиладилар. Биз бундай хато учган назарни Э.Блоше, М.Белин, В.Вельяминов-Зернов, Паве де Куртей, .И.Иминский, В.В.Бартолд, Бувуа, Э.Браун кабилар мулоҳазаларида учратамиз. Мазкур олимларнинг бундай мулоҳазаларни баён этишларига сосий сабаб уларни туркий тилни, туркий адабиётни билмаганликлари, ригиналда ўқимаганликларидир. Масалан, Е.Э.Бертелснинг гувоҳлик беришича, В.В.Бартолд Навоий асарларини ўқимай туриб, Ғарбий Европа адқиқотчиларига суянган ҳолда Навоийга "таржимон-шоир" нисбасини ақаб қўйган. Ғарб ва Санкт-Петербург олимларининг бундай хатоларини .Э.Бертелс "Навоий ва Аттор" мақоласида биринчи бўлиб тузатди.

Алишер Навоийнинг даври, ҳаёти, баъзи асарлари ҳақида Европа ва рус адабиётшунослигида анча ишлар қилинганлигига қарамай, шоир асарларининг дунё тилларига қилинган таржималари жуда оз. Мавжуд бўлган таржималарда эса асосан аслият мазмуни ифодаланган бўлиб, асарнинг бадиий жиҳатлари, муаллиф маҳорати масалалари эътиборидан

этиш ҳолган. Мазкур бўлимда биз таржимачиликда ана шу соҳадаги бўлган қарашлар ва муаммолар хусусида фикр юритишни ният қилдик.

Даҳо шоир Алишер Навоий санъаткорлиги, маҳоратининг турфа хил қирраларини кўра билиш ва ўрганиш нечоғли сермашаққат иш эканлигини таъкидлашнинг ҳожати бўлмаса керак. Зеро, Навоийнинг шоирлик маҳорати кўламдор, чексиз-чегарасиз эканлиги равшан, шу сабабли ҳам, лирик таржималардан Навоий бадиий маҳоратининг тўлиқ аксини кутиш ўринсиздир. Ҳар қандай мукаммал таржима ҳам лирик асарлари санъаткорлигини тўла ифодалай олмайди. Чунки, ҳар бир таржимон шоир маҳоратининг ўзи кўра билган қиррасини, ўзи сезган ва ҳис қилган хусусиятини таржимада беришга интилади. Шу ўринда бизга замондош бўлган фаранг таржимашунос олимларининг фикрларини қайд этишни истардик. Уларнинг таъкидлашларича, шеър санъатдир. Санъатни эса таржима қилиб бўлмайди. Ғазал мазмуни таржимада насрий баён этилиши керак. Бунинг исботи сифатида, Алишер Навоийнинг 550 йиллик тўйи арафасида Фарангистонда нашрдан чиққан шоир асарлари антологиясида ғазаллар наср билан таржима қилинган. Шоир шеъриятининг бундан олдинги фаранг тилига қилинган таржималари назм билан ўгирилган эди. Биз бу услубни қувватлаб, ижобий муносабатимизни билдирамиз. Чунки, назм наср билан ўгирилса ҳам, аслият мазмунига путур етмаса, асар руҳи ғолиб бўлиб турса, бу албатта, назм билан қилинган ғализ таржимадан афзалдир. Ваҳоланки, аксарият шеърий таржималарда биз Алишер Навоий асарларидаги донишмандлик, юксак бадиийлик хусусиятларини кўникиб кузата олмаймиз. Шуни ачиниш билан қайд этиш керакки, ҳатто шу кунларгача ҳам Алишер Навоий асарлари асл матнни ҳам тушунмайдиган кишилар томонидан таржима қилинмоқда.

адабиётшунослигимизнинг ана шу соҳадаги нуқсонини тузатиш, бизнингча, энг биринчи вазифалардан ҳисобланади. Зероки, Алишер Навоий "Садди Искандарий" достонини қозоқ тилига чиройли ўгирган Насипбек Айтовнинг қуйидаги мулоҳазалари заминида катта ҳақиқат ётади: "Навоийни дуч келган таржимонга ишониб топшириб бўлмайди. Айниқса, 1970 йили чоп этилган русча ўн томликни олиб қарайлик. Бу наср ана шундай шошма-шошарликнинг маҳсули бўлиб қолганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз... Навоий асарлари ҳар қандай таржимонга ҳам ўз хуфёсини очавермайди. Ҳазратнинг асарларини ўгириш учун мутаржим унинг шеърияти руҳига кира билиши, унинг нафосатини нозик ҳис қилиши, Навоий яшаган давр тарихини, ўша пайтдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётни яхши ўрганиши, ўша давр халқ урф-одатларини ўзига сингдириши лозим. Буларни билмай туриб, ул зотни таржима қиламан дейиш – басир одамнинг ўрмонга кириши билан баробардир."[33]

Ўзбекистон илмий жамоатчилиги, адабиётшунослик фани кейинги йилларгача Шарқнинг мутафаккир шоири Алишер Навоийнинг асарлари жаҳоннинг қайси тилига таржима қилинганлигини кўрар экан, уни қувонч билан қабул қилиб келди. Таржималарнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари қай даражада ва улар нималардан иборат эканлиги хусусида эса камроқ ўйлаб кўрди. Бу ҳам давр тақозоси эди. Лекин, ҳозирги мавжуд барча Навоий асарлари таржималари соҳасида эришилган муваффақиятлар билан қониқиб бўла олмайди. Нега деганда, бу ҳолда қониқиш лоқайдликка яқин бир нарса бўлиб, у Навоий ижодини бор бўйича кўп сонли китобхонлар назарига етказишга тўсқинлик қилади. Бинобарин, шоир асарлари таржимасининг ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан юксак бўлиши учун жон куйдириш адабиётшунослигимизнинг [illegible], [illegible]

иборат бурчи ҳисобланиши лозим. Кейинги пайтда ана шу руҳдаги мунозаралардан иборат рисола ва мақолалар кўзга ташлана бошлади. Жумладан, С.Олимов номли муаллифнинг "Навоийнинг шеършунос шогирди" рисоласи ҳамда "Фарҳод ва Ширин" достонида айрим поэтик санъатларнинг таржимада акс этиши" каби мақоласи ва бошқаларни санаб кўрсатиш мумкин.

Алишер Навоий бадиий маҳорати ва унинг бошқа тилда ифода этилишининг мураккабликлари ҳақидаги мулоҳазаларимизни "Бадоеъ ул-бидоя" дебочасига кирган ғазалларнинг ўрис тилига қилинган таржималари мисолида кўриб чиқишни лозим топдик. Бу ғазаллар асримизнинг 50-йиллари арафасида Б.Пастернак, В.Рождественский, С.Иванов, Н.Ушаков, В.Липко, С.Липкин, В.Державин, Е.Аксельрод, Г.Железнов, С.Сомова, К.Симонов каби таржимонлар томонидан ўрисчага ўгирилган.

Навоий асарларини биринчи бўлиб ўрисчага ўгирган таржимон Л.Ф.Лебедевдир. Бу заҳматкаш олим шундай деган эди: "Мени Шарқнинг буюк шоири Навоийнинг ўзига хос даҳоси мафтун этди, ижодини ўқий бошлаган кунимдан бошлаб унинг мафтуни бўлиб қолдим. Ҳеч бир шоир менинг юрагимни Навоийчалик забт этолмаган эди. Навоийнинг бутун асарлари рус тилида ўзбек тилидагидек янграшини истайман." [106]

Бизнинг назаримизда ўрис тилига ўгирилган Навоий асарлари намуналари орасида А.Рустамов, С.Липкин, В.Державин, С.Иванов ҳамда Л.Наумов таржималари анча муваффақиятли чиққандир. Бунинг сабабларидан бири таржимонларнинг Навоий асарлари мазмунини чуқур тушунишлари, шу билан бирга Шарқ намунавий адабиётида қўлланилган бадиий тасвирий воситаларни таржимада ҳам сақлаб қолишга ҳаракат

илганликларидир. Масалан, таниқли олим Алибек Рустамов Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб" асарини рус тилига саъж санъати билан таржима қилганики, бу- унча-мунча кишининг қўлидан келадиган иш эмас, албатта. Бироқ, бундай муваффақиятни "Бадоеъ ул-бидоя" девонидан саралаб олиб қилинган ҳамма таржималар ҳақида ҳам айта олмаймиз. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, айрим таржимонлар Навоийнинг машҳур девонидаги энг машҳур ғазаллари таржимасига қалам урганлар ҳолда уни ғоявий мазмуни жўн, [illegible] таржимага тушириб қўйганлар. Масалан, бу фикрни Вс. Рождественский рисолалаштирган "Ашрақат" ғазали ҳақида айтиш мумкин. [illegible] назарида таржимон байтларнинг мазмунини асосан сақлаб қолганга ўхшаб кўринади. Лекин, чуқурроқ назар солинса таржимада асл матнга хос бўлган сўфиёна руҳ барбод этилган. Байтлардаги "майи ваҳдат", "чеҳраи мақсуд", "соқии азал", "кўнгул жоми", "ўзга жому май" каби сўз бирикмалари таржимада оддий нарсаларга айланиб қолган. Натижада, байтдаги орифона руҳ мажозий ишқий кечинмаларни ифодаловчи оддий байтларга айланиб қолган. Бир неча мисолларга назар солайлик. Асл матнда:

Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул ҳудо,
Ёр аксин майда кўр, деб жомдин чиқди садо.

Таржимада:

Чаша, солнца отражая, правый путь явила мне.
И раздался голос чаши: "Друг твой отражен в вине".

Асл матнда:

Ғайр нақшидин кўнгул жомида бўлса занги ғам,
Йўқтур, эй соқий, майи ваҳдат мисоли ғамзудо.

аржимада:

В чаше сердца - образ друга, но и ржавчина тоски,
Лей щедрее влагу в чашу, исцелюсь тогда вполне.

сл матнда:

Эй кўп ул майким, анга зарф ўлса бир сингон сафол,
Жом ўлур гетинамо, Жамшид ани ичган гадо.

аржимада: (бу ерда таржимон байтларнинг ўрнини алмаштириб қўйган, иккинчи байт ўрнига тўртинчи байт, тўртинчи байт ўрнига учинчи байт олган):

С тем вином - Джемшида чашей станет черепок простой,
И Джемшидом - жалкий нищий, жизнь нашедший в том вине.

сл матнда:

Жому май гар бўйладур, ул жом учун қилмоқ бўлур
Ики жаҳон ҳар дам нисор, ул май учун минг жон фидо.

аржимада:

Если есть такая чаша, то цена ей сто миров,
Жизней тысячу отдам я, с ней побыв наедине.

сл матнда:

... Бахдате султаи муяссар май била жом ичраким,
Жому май лафзин деган бир исм ила қилгай адо.

аржимада:

Обрету я миг свиданья перед чашею с вином, -
Кто сказал "вино" и "чаша", видит встречу в глубине

в ҳоказо. Мазкур муқоясадан шу нарса англашиладики, таржимон у ёки у шоир ижодига қалам урар экан, у фақаттина шеърнинг зоҳирий мазмунига эътиборини қаратмай, шоирнинг ботиний руҳияти билан боғлиқ

ихатларини ҳам чуқур тушуниши лозим кўринади. Биз ўз тадқиқотимизда таржима асарларига анчагина енгил талаб, яъни, Алишер Навоий ғазалларининг ҳеч бўлмаганда зоҳирий мазмуни тўғри ифодаланганми, деган нуқтаи назар билан ҳам зеҳн солдик.

Аммо, минг афсуски, бу соҳадаги машғулотимиз ҳам унчалик қувончли натижаларга олиб келмади. Чунончи "Эй кўнгул, ул аҳди ёлғон сиҳр шартин қилди тут", "Оҳким, ул ойни бегона бўлди оқибат" (А.Наумов таржималари), "Жоним олмоқ учун носиҳки жонингдин [illegible]", "Тутулмиш эрди ғазабдин улусни қилди асир" (Н.Гребенович таржималари), "Ғунчаи хандон била ҳусну гули хуррам баҳор" (П.Лебедев таржимаси), "Илки олмиш хаста кўнглумнинг минг оҳу вой[illegible] эр" (С.Сомова таржимаси) каби ғазаллар таржималари фикримизга ёрқин мисол бўла олади. Жумладан, мазкур таржималарда байтлардаги зоҳирий мазмун ҳам ё нотўғри ёки бегоналаштирилган тарзда таржима қилинган. Мана, баъзи мисоллар.

Асл матн:

Тутулмиш эрди ғазабдин улусни қилди асир,
Қуёш тутулса, бале, фитнагир элга таъсир.

Мазмуни: Гўзал ёр ғазабдан юзини тўсди ва бу ҳаракати билан унга боқиб турган элни ҳайрону лол қолдирди. Ёрнинг шу ҳолатидаги латофати элни ўзига асир қилди. Гўзалнинг қуёшдек юзини тўсишига, албатта, унинг гуноҳкор ошиқлари сабабчидир. Чунки, нақл қилинишича, Ер юзидаги кишиларнинг гуноҳи ошиб кетса, Қуёш тутулар эмиш.

Таржима:

Ты прогневалась и сразу скрылась от людей,
Солнце затмевается, и очень живет мне мрачно[illegible].

Мазмуни: Сен ниҳоятда ғазабландинг ва тезда ал кўзидан яширининг. ... кўёш ботиб ал ҳаёти янада ғамгинроқ бўлди.

Асл матн:

Агарчи ёда гириҳ бўлса, ўқи туз чиқмас,

Қоши гириҳ била зулм ўқин қилмади тақсир.

Мазмуни: Агар мерган қўлидаги ёйда гириҳлар бўлса, яъни у ғилим тилим, тор тор бўлиб ситилиб турган бўлса (бунинг тасвири кўйидагича), отган ўқи тўғри учмайди. [illegible] қарам қарам бўлиб турган ёйдек қошлари билан [illegible] [illegible] [illegible] ута беради.

Таржима:

Если лук изогнут, стрелы пролетают мимо, –

Почему ж не промахнулся лук твоих бровей?

Мазмуни: Агар ёй эгилган бўлса, (ёй эгилган бўлади-да! – С.Д.) ундан отилган ўқ нишонга тегмайди. Шундай экан, нега сенинг ёйдек қошларинг отган ўқ ҳеч қачон адашмайди?

Асл матн:

Кўнгулим кўзларинг олди, не тонг, ики бўлмак

Бир аҳли динни ики маст кофир этса асир?

Мазмуни: Кўнглим сенинг мастона кўзларингга мафтун бўлиб колди. Бир ...ндор мусулмонни икки маст динсиз икки кейталиб асир этса, бунинг ҳеч ажабланарли ери йўқ. [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] зулмига ...нинг битта мўмин кўнглумнинг кучи етармиди?

Таржима:

И очам твоим прекрасным – сердце уступило,

[illegible]

змуни: Кўнглим сенинг жозибадор кўзларинг олдида таслим бўлди ва нинг тўлал жамолинг асири бўлиб қолди.

л матн:

Кўруб юзида ғазаб зулфи сари қочти кўнгул,
Кўнгулга соя керак итик бўлса меҳри мунир.

змуни: Равшан қуёшнинг ўткир нурларига дош беролмай, бирор соядан [illegible], [illegible] [illegible] [illegible], [illegible] зулфинг [illegible] қараб қочди.

рима:

Пусть лицо твое, как солнце, – гнев его опасен,
И в тени волос [illegible] прячусь я скорей.

змуни: Юзинг қуёш янглиғ, қаҳри қаттиқ ва хатарли. Сенинг [illegible]-тўлқин сочларинг соясида тезроқ ундан яшириниб оламан.

л матн:

Ҳаддингнинг ўқи кўнгул пардасига ўтмас экач,
Ю ҳадди ман, хусусан, касо ўқига ҳарир.

змуни: Отган ўқинг кўнглим пардасига безриб ўтмаган экан. Бу нохут [illegible] учун кўнглимни [illegible]. Ахир, нозик ҳарир парда [illegible] ўқига [illegible] [illegible], уни тўхтата олармиди? Ўқингни [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] сиғармиди?

фрима:

Почему ж стрела сегодня мимо пролетела?
Иль спасла меня завеса шелковых кудрей?

змуни: Нега бугун отган ўқинг нишон ёнидан ўтиб кетди? Балки [illegible] зулфларинг пардаси мени [illegible]? (?)

Аслий матн:

Ғам ўлса солма гириҳлар қошингтаким, қилмас
Ғалиб бўлуб бу қаро маънъи хомаи тақдир.

Мазмуни: Қанча ғаминг зиёд бўлса ҳам, қошларингни чимирма ва бу билан қошингдаги гириҳларни яна орттирма. Қошингдаги бу ортиқча қора излар зато бўлиб, тақдирим қаламидаги йўлига гов бўла олмайди.

Таржима:

[illegible], судьбы [illegible] переспорить мрак [illegible] черный.
Так не хмурь бровей напрасно и тоску рассей.

Мазмуни: Қора ғам туни тақдирда бор бўлган барча қўрғулиқларни енга олмайди. Бу сабабдан, қошларингни бекуда чимирма ва ғамни ҳайда.

Аслий матн:

Навоийё, санга бу сўзда шубҳа бўлса,
Қадаҳ кетурки, ҳуҳутида кўргузай бир-бир.

Мазмуни: Навоий, агар бу айтган сўзларимнинг тўғрилигига шубҳа қилсанг, қадаҳ келтир, уни симирай-да, исботини бир-бир кўрсатай.

Таржима:

Если ты словам разумным Навои не веришь, —
Чашу дай, и я, быть может, [illegible].

Мазмуни: Агар сен Навоийнинг бу оқилона сўзларига ишонмасанг, менга жомни бер, балки шундай қилиб, аниқроқ тушунтириб берарман.

Аммо бизнинг бу мулоҳазаларимиздан мазкур таржимонларнинг ҳолиятлари мутлақо ноаниқаросиз, деган хулоса келиб чиқмайди.

Арузда ёзилган шеърларда вазннинг қатъий қоидалари, қофияларда ҳар бир нозикликка эътибор қилмаслик талаби, шеърнинг ритмик [illegible]

тасвир воситалари, ўзбекча гапларнинг байтда мураккаб стилистик ўзгаришларга учратилиши ва бошқалар ҳар қандай таржимонни ҳам қийнатиб қўяди. Бу ўринда таржимашунос олима С.Саломованинг "Лайли ва Мажнун" достонининг ўрисча таржимаси хусусидаги қуйидаги фикрларини келтириш жоиз кўринади: "Сўз ўйини ("ишқ" сўзининг ҳар бир ҳарфи билан ўйлатни, истакни ўхшатиш) билан боғлиқ шарҳ:

Қўйнум учун "айн"ни айлагил тавқ,
"Шин"ну анга қилма шуълайи шавқ,
"Қоф"ни менга айла қўҳи андуҳ,
Кўнглумда замини кўк то кўк.
Уч нуқтасини шарора айла,
Иккисини икки хора айла.
Уч нуқтага ҳам керак порора,
Бу қасрга доғи хора пора.

Бу санъатни таржимада акс эттириш ҳақиқатан ҳам амри маҳол бўлса керак. Аммо, афсуски рус ўқувчисига ана шу ноёб санъат намунаси етиб бормайди ва демак, Навоий маҳоратининг бу қирраси фақат ўзбек китобхонига аён тушунарли бўлиб қолади." [40, 143–144-б.]

Катта қониқиш билан шу нарсани қайд этамизки, кейинги йилларда яратилган айрим таржималарда асл матннинг мазмунини мукаммалроқ бериш билан бирга Алишер Навоий қўллаган бадиий тасвирий воситаларини, жумладан структурасини сақлаб қолишга ҳам ҳаракат қилинмоқда. Масалан, А.Наумов томонидан қилинган:

Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод,
Булбул каби ҳажрингда ишим нолаву фарёд. –

...йтининг ўрисча нусхасини кўздан кечирайлик:

> Лик - белой розы, косы - смоль, и тонкий стан - самшит,
> Пою о ней... Так соловей пролить свой стон спешит.

...зкур таржимада ўзбекча байтнинг мазмуни ва ўзига хос руҳи, ...манимча, дуруст сақлаб қолинган. Яъни, биринчи мисрадаги ...шбиҳлар, иккинчи мисрадаги ташбиҳ таржимада муваффақиятли чиққан. ... ғазалнинг кейинги байтлари ҳам таржимада силлиқ чиқмаган.

...л матн:

> Сайд ўлди кўнглум кўзларингга, наҳ қутулурму
> Бир қушки анинг қасдида бўлғай икки сайёд?

...змуни: Бир қушни тутмоқ қасдида бўлган икки овчи каби икки кўзинг кўнглимга назар қилди ва кўнглим кўзларингнинг асири бўлиб қолди.
...ржима матни ҳам асл матн маъносига анча мос тушган:

> Живому сердцу стать лишь добычей глаз твоих;
> Два ловчих гонят дичь одну, она ли убежит?

...л матн:

> Ул мактаб аросида ўқидинг нос рамузин,
> Ўчки вафо илмин ўргатмиш бой устод.

...змуни: Сен нос илмини ўрганган мактабингда устозинг вафо илмидан ...рс бермаганмиди?
...ржимада:

> А в школе той, где весь тобой лукавства пройден курс,
> Наверно, верностью простой никто и не грешит.

[illegible]

Асл матн:

Ашкимни кўруб тез бўлур кўнгли жафоға,
Оре, итимас чунки суйи бўлмаса фўлод.

Мазмуни: Кўзимдан оққан ёшларни кўриб, ёрнинг кўнгли яна кўпроқ жафо қилади. Оре ростким, суви бўлмаса пўлатнинг тиғи ўткир бўлмайди. Ёр менинг кўз ёшларим билан кўнгли ханжарини тоблайди.

Таржима:

[illegible]
Я этим взглядом ледяным, как пикою, пронзит?

Таржима матнида "кўз ёшлари", "пўлат" каби сўзлардан фойдаланиб образ ратили нияти сезилиб турибди. Лекин, аслининг мазмуни ўзгариб кетган: Ҳали бу кўз ёшлари пўлатданми? Шундай бўлмаса, нега уларни кўриб музлай нигоҳ қаршисида тикиб қўйилгандай қотиб қолдим. Мантиқ асосидан мулоҳаза қилганда бу байт ғазалнинг умумий мазмунидан узилиб қолган.

Навбатдаги байтнинг асл матни:

Мингдин бир эмас ўз юраги захмларидин
Ҳар [illegible] тоғ бағрини захм айлади Фарҳод.

Мазмуни: Фарҳод ҳар қанча тоғ бағрини ёриб, захм қилган бўлса ҳам, бу захмлар унинг ўз юрагидаги ишқ солган захмларнинг мингдан бирича ҳам эмас.

Бу байт таржимаси ҳам бегоналашиб кетган:

Не камнем, что дробит скалу, - тоской души своей
Фархад пробился в грудь горы, где сладкий ток бежит...

[М]азмуни: ~~Фарҳод-тоғнинг ниғрон~~ кўксига чиқиб олиб тош билан эмас, [б]алки ўз юрагидаги ҳижрону ғам билан тоғ кўксини ёрибди.

Кейинги байт таржимаси ҳам, афсуски, ғазал бошида келган уч-тўрт [б]айт қолдирган яхши тасаввурга раҳна солади. Асл матн қуйидагича:

Ўлгуни киши дафн эта олмас, вале ҳар кун
Ке тиғ қилур дафн кўзунг бўлгали жаллод.

[Ти]ф[оқ]-масал санъати қўлланилган бу байтнинг мазмуни: Майитни одат [бў]йича бир марта дафн этилади. Сенинг жаллод кўзларинг эса ҳар кун [ў]з тиғини ва марта менинг кўнглимга дафн этади.

[Т]аржимаси:

Хоть каждый день меня казнишь, – не предашь земле,
Когда ж твой скорбный долг тебя спокойствия лишит?

[М]азмуни: Мени ҳар кун қатл этасан, лекин дафн этмайсан. Инсон [б]ўйнидаги қарзинг қачон сенинг паришон хотирингга келади?

Кейинги байт ва мақтаъ ўрисчага анча тузук ўгирилган. Байтдаги [т]ашхис санъати ҳам таржимада ўз ифодасини топган. Байтнинг асл матни:

Гул япроғи тирноқлар эрур бу чаман ичра
Булбул пару болини юлуб, борғали фарёд.

[М]азмуни: Гул ҳажрида нола чеккан булбулнинг учиб, чаманда япроқлари [б]илан унинг болу парини юлиб ташлади.

[Т]аржима матни асл[ият] мазмунини очиб бера олган:

А этой розы лепестки – подобие когтей.
И соловей у ног ее растерзанный лежит.

[Ниҳ]оят, мақтаъ мазмуни ҳам баҳоли қудрат ўрис китобхонига етказилган.

...ал матни:

Эй айб, Навоий киби девоналиғ этса,

Ҳар одамеким, бўлса анинг ёри паризод.

Мазмуни: Ҳар киши Навоий каби мажнунлик қилса айб эмасдир, паризодга ишқи тушган одамнинг ҳоли бундай оғир бўлмайди.

Таржимаси:

Кто безобразен в судьбе такой, безумный Навоий

Любой, кто девицей влюблен, теряет приличие.

Юқорида айтганимиздек кейинги йилларда таглама асосида таржима қилиш ўрнига бевосита аслиятдан ўрис тилига ағдариш иши анча жонланди. Бу соҳада, айниқса, машҳур олим ва таржимон С.Иванов фаолияти ибратлидир. Унинг Алишер Навоий ғазаллари, муқаттаоти, рубоият ва туюқларидан қилган таржималари ўзининг нафосати латофатини сақлаб қолгани билан кишини қувонтиради. Қуйида Алишер Навоийнинг С.Иванов томонидан қилинган бир ғазали таржимасини кўздан кечиришни лозим топамиз. Ғазал матлаъининг асл матни:

Зулфинг ичидан заъфарон узра тўкармен лолалар,

Лолалар эрмаски, бағримдин оқар парчалар.

Мазмуни: Сани соғиниб заъфарондек сариқ юзимда оққан кўз ёшларим равондир. Йўқ, бу кўз ёшлари эмас, хазон фаслида сап-сариқ барглар юзига тўкилаётган лолалардир. Йўқ-йўқ, бу лолалар ҳам эмас, балки ҳажринг ўтида ўртаниб, лахча қон бўлиб оқаётган бағрим парчаларидир. Ғазал матлаъида қўлланилган мусалсал тажнис, тасбиғ (лолалар – лолалар), ружуъ (лолалар эрмаски...), истиора (заъфарон, лолалар, парчалар) каби санъатлар ғазалнинг таржима нусхасида ҳам бор:

В разлуке лик мой как шафран, цвести на нем слезам-тюльпанам,

Но слезы – это кровь от ран, на мертвом сердце в клочья рваном.

иккинчи байтдаги ҳусни таълил санъати ҳам таржимон қаламида ўз аксини олган.

сл матн:

Дур тишингдин донайи сабрим қолур бобир десам,

Кулиб айтурким, экиннинг офатидур жолалар,

ламучи: Дур маржонидек оппоқ ва бир текис тишларингни кўриб сабрим доналари ҳосилсиз қолди, десам, "Экинларга офат келтирувчи жолалар, урдек тишларим орзуси жола каби сабрнинг экинзорини пайҳон илади да", деди кулиб.

аржимаси:

"Жемчужины твоих зубов, – сказал я, – сон терпенья губят",

Она в ответ мне: "Град суров, несущий гибель всем посевам!"

аржима мазмунини аслият мазмуни билан солиштириб кўрган киши .Иванов ижодига айтилган мақтовли фикрларнинг беҳуда эмаслигига ишонч ҳосил қилади. Навбатдаги байтда тажоҳули-ориф санъати қўлланилган:

Барги гул узра ёпишубдур шакар ҳар соридин,

Ё магар лаълинг уза қайнабтурур табхолалар?

айт таржимасида бу санъатнинг ифодаси билан бирга ташхис деб талувчи қофия санъати ҳам ишлатилган:

На розе яркие багрецы сверкают сладкие росинки,

Иль эта нежная пыльца, пристававшая к устам румяным?

Юқоридаги байтда қофиятда "ф" ҳарфи воситасида ҳосил қилинган ҳарфий иштиқоқ санъати ҳам байт таржимасида рус фонетикасидаги "шипящие" деб аталувчи "с", "ц", "ш", "щ" товушлари воситасида акс эттирилган:

Тола-тола най ўқуни кўксумда кўр синдиким,
Тебрангудуктур устухон кўнглумда бир-бир нолалар.

Таржимаси:

Обломками острых стрел твоих пробивших грудь мне обломками,
Все трепещут жала их в истекшем кровью сердце родном.

Асосий матннинг мазмуни ҳам таржима нусхасига мувофиқ:
Ишқ ғамини чекавергандан Навоий ҳам тоғига айланди, лолалар каби қонлиғ кўз ёшлар тўкилди. Тоғ агар ундай бўладиган бўлса, албатта, лолалар кўз ёшларидан бўлади-да:

Кўҳи ғам бўлди Навоий, лолалар гулгун сиришк,
Тоғ агар будур, бале, ашк ўлгусидур лолалар.

Таржимаси:

Стал Навои горой бед: цветут тюльпаны-слезы кровью,
Гора – печаль его обид, и – вечно цветет слезам багряным.

С.Н.Ивановнинг Алишер Навоий шеърлари таржимаси устида катта масъулият билан ишлаганлиги унинг бошқа таржималарида ҳам кўзга ташланиб туради. У ўз таржималарида Навоий шеъриятига хос зарофатларни сақлаб қолишга алоҳида эътибор беради. Бу эса таржимон учун осон иш эмас. Мана, қуйидаги байтга ва унинг русча таржимасига назар солайлик:

<u>Кеча ул ой бирла эрдим</u>, вах бу тушдур ё хаёл,
Туш эмас, чун йўқдурур уйку хаёледур мухол.

– Вчера я с луноликой был – ах, это сон, виденье бред!
О нет – не бред: где нету сна, там сновидений тоже нет!

Навоий байтидаги туйғу рухий санъатининг бетакрор намунаси ўзга тилда ҳам таржимоннинг санъаткор қалами остида ўзининг юксак ифодасини топган.

С.Иванов Навоий асарларида тез-тез учраб турадиган ирфоний мазмундаги байтлари таржимасида ҳам маҳорат кўрсатади. Хуллас, атоқли олим ва санъаткор таржимон С.Н.Иванов "Бадоеъ ул-бидоя" ғазаллари таржимасида ўзининг олимлик ва мутаржимлик қобилиятини намойиш эта олган. Биз унинг таржимасида ҳазрат Алишер Навоийнинг бир ғазали русчага қандай тирилганлигини мулоҳаза қилиш учун аслият ва таржимани ёнма-ён келтирамиз. Ғазал ниҳоят катта маҳорат билан русчага ўгирилиб, бирор байт мазмунига ҳам путур етмаган:

Ҳар гадоким, бўрёйи фақр эрур хилват анга,
Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хилъат анга.

Ким фано гулхонида ёйиб кўяр тош узра бош,
Тахт уза эрмас мусаннад муттако ҳожат анга.

Шаҳ эруб олам очар, дарвеш оламдин қочар,
Ҳам ўзунг инсоф бергилким, бу не нисбат анга?!

Ҳам не шаҳ мақсудидур – дарвешнинг марцудидур,
Кўр нодур ҳиммат мунга, не навъ эрур ҳолат анга.

Факр хўйи туфрогин шах мулкига бермас факир,
Мулк, кўрким, тенг эмас туфрог ила киймат анга.

Шах сипах чекса, факир ахволига етмас футур,
Бу вале чеккач нафас, бурбод бўлур хашмат анга.

Шох эмэстур бир нафас осуда дўзах вахмидин,
Эй хуш дарвешким, маъдуд эрур жаннат анга.

Пеша [illegible] ахли [illegible] маташиги давлат ёрур,
Мен[illegible]ким, субх [illegible] [illegible] [illegible] анга.

Шохга шахлиг мусалламдур, агар бўлгай мудом
Шохлиг таркин килиб, дарвеш ўлур ният анга.

Мумкин эрмас шахлар ичра бўйла ниятлиг, магар
Шохи Гозийким, муяссар бўлди бу давлат анга.

Шохлар дарвеши дарвешлар шохиди, бор
Шохлиг сурат анга, дарвешлик сийрат анга.

То шоху дарвеш бўлгай, кийматин, ё раб, аён
Шохдин хизмат анга, дарвешдин химмат анга.

Гар Навоий сўз узатти, факрдин эрмас деманг,
Бўлмагунча хукм шахдин, кайда бу журъат анга?

Таржимаси:

Бездольный в рубище одет, и лишь простой наряд ему,
А шитый золотом — о, нет! — не подойдет никак ему.

Кто в отреченья пал во прах и головой на камень лег,
Что ложе в золотых шатрах и мишура палат ему?

Шах жаждет миром завладеть, дервиш бежит от мира прочь,
Что шах дервишу? Сам заметь: о нет, он — не собрат ему.

От сути шахских дел тревог дервиш заботою далек:
В величье власти что во прок, и будет ли он рад ему?

Прах отрешенья бедняку любезней шахского добра:
Свой век во прахе — не в венцу! — влачить сей жребий
свят ему.

Шах двинет рать со всех сторон, а бедняков не устрашит,
Но и один бедняцкий стон опасностью грозит ему.

От веса шах — в плену тревог: как преисподней избежать?
Дервиш и раем пренебрег — не страшен даже ад ему.

Величью шаха дарят свет скитальцы праведной стези:
Они — как солнечный рассвет и просветляют взгляд ему.

И пусть навечно шаху дан его высокий жребий, — все ж
Дервишем стать, забыв свой сан, — превыше нет наград ему.

Хоть нет в умах других владык таких стремлений, добрый шах
Благих вносит уж почин, и люб такой уклад ему.

Порой в дервише шаха зришь, а в шахе суть дервиша есть,
"Ты — видом шах, душой — дервиш", — так люди говорят ему.

Шах и дервиш покуда есть, да чтут они завет творца:
Служить дервишам – шаху честь, они ж – верны стократ ему.

Не от гордыни не умолк и нижет речи Навои:
Лишь милость шаха и свой долг так говорить велят ему.

Биз номзодлик диссертацияси ҳажми талабларига риоя қилиб ушбу бўлимда Навоий асарларининг русча таржималари ҳақида қисман мулоҳазалар баён этдик. Аммо, бу иш Навоийнинг ҳар бир шеърий асарлари учун алоҳида-алоҳида таржимаси оид илмий тадқиқотлар [illegible] этади. Албатта бу баъй-ҳаёрли [illegible] усулда Алишер Навоий асарларининг русча таржималари мисолида умумий классик адабиёт намуналарини бошқа тилларга ўгиришни ўрганувчи адабиётшунослигимизнинг бой бир мураккаб соҳасига айланар. Яхши ният ва яхши истаклар яхши натижасиз қолмас, албатта.

Х У Л О С А

Жаҳон мумтоз адабиётининг порлоқ юлдузларидан бири Амир Низомиддин Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, жумладан поэтик мероси ҳақида Шарқ ва Ғарб адабиётшунослигида асрлар давомида умумий мулоҳазалар айтилди, тадқиқотлар юзага келтирилди. Бироқ, шу билан бирга, бутун шоир ижодини характерлаш, уни баҳолаш соҳасида баъзи бир камчилик ва хатоликларга ҳам йўл қўйилди. Чунончи, бундай камчиликлардан бири (албатта, услуб ва анъаналар билан боғлиқ ҳолда) Шарқ муаллифлари фаолиятида Алишер Навоий ижоди хусусида умумий мулоҳазалар айтиш билан чекланиш тарзида кўзга ташланса, Ғарбда эса шоир қаламининг оригиналлигини инкор этувчи хато тарзида бир муаллиф тилидан иккинчи муаллиф тилига кўчиб юриш тарзида назарга тушади.

Бутун шоирнинг ижодий мероси собиқ Иттифоқ олимлари учун ҳам кенг фаолият майдони бўлиб келди. Унинг ҳаётий фаолияти, эпик ва лирик адабий мероси ҳақида катта-катта илмий тадқиқотлар юзага келтирилди. Аммо бадиий ижодни синфийлик қолипи билан баҳолашдан иборат хато сиёсий тузум бўлиб олимларимиз узоқ йиллар санъаткор шоир ижодидан ...ветлар ғоясига мосроқ кўринувчи жиҳатларни ахтариб топишга вақт сарфладилар. Бу нарса эса шоир ижодини идеаллаштириш, нотўғри талқин этиш каби хатоликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Ҳазрат Алишер Навоий ижодини илмий ўрганиш, бадиият ва нафосат талаблари асосида ўрганиш кейинги йиллар мобайнида кучайди, янги бир босқичга кўтарилди, деган хулоса чиқарсак бўламиз. Бундай шароитда

шоирнинг алоҳида олинган асарлари устида тадқиқот олиб боришнинг савоби каттадир. Шунинг учун ҳам биз ўз тадқиқот ишимизга "Бадоеъ ул-бидоя"ни танладик. Зероки, бу девон ҳозирги кунларгача тадқиқот объекти қилиб олинмагандир.

Алишер Навоий ўзининг биринчи девони "Бадоеъ ул-бидоя"ни тартиб беришга анча кеч, ҳатто ҳукмдор қатъий фармойиш бермагунча киришмади. Бу шоир феълидаги камтарлик фазилатигина эмас, балки унинг девон тартиб бериш ишига ниҳоятда нозик ишлигини, бадиий-эстетик талабчанлиги нуқтаи назаридан ёндашганлиги билан ҳам изоҳланади. Шоирнинг бадиий-эстетик мулоҳазаларига кўра, ҳар қандай девонни ташкил этувчи ғазаллар гўзалликни шунчаки тавсифловчи шеърлар бўлиб қолмаслиги, ҳозирги гўзаллик тасвири баҳонасида у инсонни маърифатлантирувчи, бадиий-эстетик онгини тарбияловчи хусусиятларга ҳам эга бўлиши керак. Бундан ташқари, шоир нуқтаи назарида девон таркибидаги шеърлар аксарият ҳолларда якпоралик хусусиятига эга бўлиши ёхуд тадриж санъати билан зийнатланган бўлиши маъқулдир. Шоир ўзининг ана шу принципларига тўлиқ амал қилган. "Бадоеъ ул-бидоя" девони билан Алишер Навоий девон тартиб беришнинг бошқа жуда кўп назарий томонига хос масалаларни ҳам ҳал қилдики, унинг бу фаолияти шоирнинг замондошлари ва халафлари учун намуна мактаблигини ўтади.

"Бадоеъ ул-бидоя"нинг юзага келиши девон тартиб бериш тажрибасида аввал бўлмаган яна бир янги фазилатнинг зоҳир бўлишига асос солди: "Бадоеъ ул-бидоя"ни ташкил этувчи шеърлар нозикфаҳм олим, адабиётнинг башар ҳаётидаги аҳамиятини чуқур ҳис этувчи давлат арбоби Ҳусайн Бойқаро назоратидан ўтказилди. Бундан кейин эса, Ҳусайн Бойқаро саройидаги адабий суҳбатларда девонга тегишли бўлувчи шеърлар

умуммуҳокамасидан ҳам ўтказилди. Бу холиса тарихда кўрилмаган тажриба эди. "Бадоеъ ул-бидоя" девонидаги шеърлар ундан олдин тузилган "Илк девон" ва ундан кейин тартиб берилган "Хазойин ул-маоний" девонларидаги шеърлар билан муқоиса қилинганда буюк шоирнинг ижодий эволюциясини ўрганишда гоятда катта аҳамиятга эгадир. Ана шу юмуш бажарилганда, Алишер Навоийнинг ўз шеърларини қайта ишлаш пайтида қуйидагича таҳрир ишларини амалга оширганлиги кўзга ташланади:

а) айрим сўзларнинг байтда бажарадиган [illegible] кўриб, ёки бирор бир сўзнинг байтдаги мазмунни нотўлиқ ифодалаши билан боғлиқ ўзгаришлар;

б) шеърдаги бирор мисра ёки мисранинг катта қисми тузатилиши билан боғлиқ ўзгаришлар;

в) девондаги мазмунан бир хил бўлган иккита ғазалнинг бир ғазал шаклида қайта ишлаш;

г) айрим байтлар эски девон таркибидаги ғазаллардан тамоман чиқариб ташланганлиги;

д) айрим ғазаллар янги девонлар тартиб берилаётган пайтда янги байтлар билан тўлдирилганлиги.

Демак, Алишер Навоий шеърларининг таҳририни ўрганиш унинг бадиий маҳорати ўсишини кузатиш жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлиб, бу нарса шоир бадиий тафаккурида юз берган ўзгаришларни ўрганиш учун ҳам муҳимдир.

Аммо, "Бадоеъ ул-бидоя"ни ўта севимли қилган биринчи хусусият ундаги шеърларда инсон қалбининг, инсон онгининг, унинг фазилат ва [illegible] "Бадоеъ ул-бидоя"

шеърларида инсон қадр-қиммати улуғланади. Ҳар бир ғазал ўқувчи қалбида меҳр-шафқат, раҳм-адолат уруғини экади. Ўқувчини ҳиммат ва инсонийлик, қаноатлилик ва бошқа олийжанобликлар руҳида тарбиялайди. Шоир девондаги ҳамд ва наът руҳида ҳамда орифона усулда яратилган шеърларда ўзининг тасаввуфий мулоҳазалари воситасида оламни ва инсонни улуғлайди. Унинг тасвирида инсон шунчалик улуғки, ҳатто, оламнинг чароғи қуёш ҳам унинг оёқларига юз суртмоқчи бўлади. Шоирнинг тасвирида, Масиҳнинг [illegible] ҳам инсон [illegible] мавжуд. Алишер Навоий тасаввуф руҳида битган шеърларида Фаридуддин Аттор, Хожа Аҳмад Яссавий, Шайх Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Саъдий Шерозий, Нуриддин Абдураҳмон Жомий таълимотларига эргашади ҳамда ўз фикрларини ўзга санъаткорлик билан оригинал байтларда дарж этади. Алишер Навоийнинг дунёқарашига кўра, абадий тафаккур инсон жисмоний ва руҳоний покланиш орқали қўлга киритадиган бойликдир. Навоий инсон мавжуд моддий оламнинг ўзида ҳам яна шу бойликни қўлга киритиши мумкин деб ҳисоблайди. Бу унинг кўпчилик сўфийлардан ажратиб турадиган томонидир. Бунинг учун эса инсон ўзлигини таниши керак, оламни таниши керак, акс ҳолда, "Садди Искандарий"да тасвирланганидек, ўша океанда яшаб сув ахтариб ҳалок бўлган баликлар ҳолига тушади.

Алишер Навоийнинг кўпгина шеърларида олий ҳақиқат, мукаммал адолатга эришиш ғояси олға сурилади ва бадиий ҳал қилиб берилади. Биз буни олдинги саҳифаларда бир неча мисоллар билан (ғазаллар таҳлили мисолида) кўрдик. Навоий бундай шеърларида инсоний қадриятлар тасвирига ҳам гўзал байтлар бағишлайди. Масалан, шоир ўзининг ана шундай [illegible] кўтариб [illegible]

ҳар томонлама бадиий ҳал этади:

Қулиқа шаҳ масқан аро хуррамдурур озодлиқ,
Бўлғонимдин банд аро сайёд илак доми била.

Мутафаккир шоир эркинлик шахснинг ўз ватанида бўлгандагина қўлга киритилади, дейди. Бунинг учун инсон ижтимоий-сиёсий эркин бўлиши билан бирга руҳий жиҳатдан ҳам пок бўлиши лозим. "Бадоеъ ул-бидоя"да шундай шеърлар ҳам борки, уларни хиссий ҳол шеърлар деб аташ мумкин. Бироқ, бундай шеърлар тор ҳиссиёт, шахсий кечинмалар доирасидаги мулоҳазалардан иборат бўлмасдан, биринчидан, кенг ижтимоий-фалсафий, бадиий план асосида яратилган бўлиб, иккинчидан юксак нафосат жиҳатидан ҳам ажралиб туради. Бунга мисол қилиб "Қоснидаким ёрдин бир сўз ривоят айласа...", "Эй кўнгул, келким иков бўлиб нигоре ўзлали...", "Бой, юз минг войким, тарки муҳаббат этти ёр...", "Кўнглума ёр истабон меҳнат келурин билмадим..." каби шеърларни киритиш мумкин.

"Бадоеъ ул-бидоя" девонида Навоий бадиий услубига хос бўлган тадриж санъатида ёзилган шеърлар катта ўринни ишғол қилади. Бундай шеърларда Алишер Навоий тасвирланаётган нарсанинг бирор бир жиҳатини ёки уни турли воситалар орқали шунчаки тасвирлайдики, бундай тасвир натижасида киши ҳайратдан лол қолади. Масалан, бундай шеърлар умумасига ёрдам келган нома мазмуни бўлган ғазални мисол қилиб келтириш мумкин.

Шоир девонини астойдил кўздан кечирар эканмиз, унда Шарқ поэтикасига хос бўлган барча тасвирий усулларнинг унумли қўлланилганлигини кўрамиз. Жумладан, девондаги кўпгина ғазалларда ўнгача сифатлаш воситасида бадиий фикрнинг турли-туман тасвири

кўринади. Бу ғазалларда кўнгул баъзан сирдош, дўст, мусоҳиб, ҳабиб, баъзан телба, бебош, зулмкор, баъзан хаста, чок этилган жафокаш, баъзан куш, гунча ёки Каъба – байтул-ҳаром ташбиҳлари билан сифатланади. Бадиий санъатларнинг бетакрор намунаси яратилган бундай ғазалларига шоирнинг "Раҳм этинг, эй дўстлар, мажруҳ кўксимни ёринг...", "Телба кўнглим, ваҳки, ҳар соат бирор сори борур...", "Ёрдин айрилғали шайдо кўнгул, бехол кўз...", "Қилди оғзи менинг ҳайрони оғзи кўнгул...," каби ғазаллари мисол бўла олади.

Жаҳоншумул шоир сифатида Алишер Навоий асарлари, жумладан, унинг "Бадоеъ ул-бидоя" девонидаги баъзи ғазаллари дунёнинг кўпгина тилларига ўгирилгандир. Айни шу таржималар мисолида биз Навоий маҳорати ва уни бошқа тилда, жумладан, ўрис тилида ифода этишнинг мураккабликлари хусусидаги фикрларимизни баён этдик. Вазн, адабий услубда фарқлар бўлишига қарамай, айрим таржимонлар бу соҳада таржима санъатининг яхши намуналарини намойиш эта олганлар. Бу нарса ўрис туркшунос олими ва таржимони С.Иванов, таржимонлар В.Державин, С.Липкин, А.Наумовларнинг ижодларида кўринади. Тадқиқот ишимизнинг шу масалага бағишланган бўлимида бундай яхши таржима намуналаридан мисоллар келтирилгандир.

Бироқ, бадиий маҳоратнинг етишмаслиги, айниқса, оригинал тилини билмаслик туфайли қилинган таржималарда бундай шавкат кўзга ташланмайди, балки қуйидагича хато ва камчиликлар эътиборни тортади:

Асл матн:

Тутулмуш эрди ғазабдин улуси кулли асир;
Қуёш тутулса, бале, фитнадур анга таъсир.

Мазмуни: [illegible]

боқиб турган элни ҳайрону лол қолдирди. Ёрнинг шу сохтидаги латофати элни ўзига асир қилди. Гўзалнинг қуёшдек юзини тўсишига, албатта, унинг гуноҳкор ошиқлари сабабчидир. Чунки, нақл қилинишича, Ер юзидаги кишиларнинг гуноҳи ошиб кетса, Қуёш тутулар эмиш.

Таржима:

Ты прогневалась и сразу скрылась от людей, –

Солнце спряталось, и стала жизнь еще мрачней.

Мазмуни: [illegible]

Тус Қуёш ботиб ел ҳаёти янада тамтиқроқ бўлди.

Асл матн:

Агарчи еда тирих бўлса ўқи туз чиқмас,

Қоши тирих била зулм ўқин қилмади тақсир.

Мазмуни: Агар мерган қўлидаги ёйда тирихлар бўлса, яъни у тилим-тилим, тор-тор бўлиб ситилиб турган бўлса (бунинг тасвири қуйидагича –) отган ўқи тўғри учмайди. Гўзал ёр эса тарам-тарам бўлиб турган ёйдек қошлари билан зулм ўқларини қусурсиз ота беради.

Таржима:

Если лук изогнут, стрелы пролетают мимо,

Почему ж не промахнулся лук твоих бровей?

Мазмуни: Агар ёй эгилган бўлса, [illegible] бўлади-да! – С.Д.) ундан отилган ўқ нишонга тегмайди. Шундай экан, нега сенинг ёйдек қошларинг отган ўқ ҳеч қачон адашмайди? ва ҳоказо.

"Бадоеъ ул-бидоя" ҳақидаги умумий тарздаги хулосаларимиз шулардан иборат. Мазкур девон бундай кейин ҳам бир неча мавзулар [illegible]

АДАБИЕТЛАР РЎЙХАТИ

I. МАНБАЪЛАР

I. Абдурахмон Жомий. Лайли ва Мажнун. Саломон ва Абсол. - Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Ад. ва сан.нашр. - 1990 - 224 б.

2. Абдурахмони Чомй. Бахористон. - Душанбе: "Адиб" - 1987 - 160 с.

3. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий. - Тошкент: Ўзбекистон "Фан" - [illegible] - 152 б.

4. Абу Мансур ас-Саолибий. Ятимат ад-дахр. - Тошкент: ЎзССР "Фан" - 1976 - 339 б.

5. Алишер Навоий. МАТ 20 томлик. I, II ,IV ,V ,VI ,VII ,VIII, IX тт. - Тошкент: УзССР "ФАН" - 1987, 1988, 1989, 1990, 1991, 1992.

6. علیشیر نوایی. ایلک دیوان. - تاشکینت. ۱۹۷۸

7. КН - 1337. علیشیر نوایی. بدایع البدایه.

8. КН - 4842/4. علیشیر نوایی. نوایی دیوانی.

9. Алишер Навоий. Хамса. - Тошкент: Ғ.Ғулом н-даги Ад.ва сан.нашр. [illegible] - 423 б.

10. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. IV томлик. - Тошкент: ЎзФА нашр. - 1959.

11. Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. - Тошкент: Ғ.Ғулом н-даги Ад.ва сан.нашр. - 1966, 1967, 1968, 1969, 1970.

12. Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва хукамо. - Самарқанд: Ғ.Ғулом н-даги Ад. ва сан.нашр. Самарқанд бўлими - 1990 - 189 б.

13. Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. - Тошкент: "Камалак" - 1991 - [illegible] б.

14. Алишер Навоий. Соч. в 10-ти томах. – Ташкент: Изд. "ФАН" ЎзССР – 1968, 1969, 1970.

15. Алишер Навоий. Избранное. – Ташкент: "Ўқитувчи" – 1978 – 248 с.

16. Алишер Навоий. Смятение праведных. – Ташкент: Изд. ЦК КП Узб. – 1968 – 127 с.

17. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. IV томлик. – Тошкент: ЎзФА наш. – 1983, 1984, 1985.

18. [illegible]. Девон. ЎзССР ФА Шарқшунослик институти фонди, инв. № 658. – 1989 – 368 б.

19. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: "Юлдузча" – 1989 – 368 б.

20. Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. I. жилд. – Душанбе: "Ирфон" – 1987, 1988.

21. Ойбек. Навоий. – Тошкент: Ўздавнашр – 1948 – 437 б.

22. Сайди Али Раис. Мирьотул-мамолик. – Тошкент: ЎзССР ФА – 1963 – 203 б.

23. Хусайн Бойқаро. Девон. Рисола. –Тошкент: ЎзССР ФА – 1968 – 128 б.

24. Ғиёсиддин бинни Ҳумомиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. – Тошкент: ЎзССР ФА – 1948 –204 б.

II. ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР

25. Абдуллаев В. Навоий Самарқандда. – Тошкент: Бадиий адабиёт наш. 1968 – 136 б.

26. Абдуллаев И. Абу Мансур ас Саолибий. –Тошкент: ЎзССР "ФАН" –48 б.

27. Абдуғафуров А. Эрк ва эзгулик куйчилари. –Тошкент: Ғ.Ғулом н-даги Адаб. ва санъат наш. – 1990 – 160 б.

28. Абдугафуров А. Навоий сатираси. I-китоб. - Тошкент: ЎзССР "ФАН" - 1966 -316 б.

29. Абдуғафуров А. "Фарғона сухандар..."// Ўзбекистон адабиёти ва санъати - 1989 - 26 июл - 3-6-б.

30. Абдуғафуров А. Фиғонимдин фалак рангин.// Шарқ юлдузи. - 1990 - N 7 147-150-б.

31. Абдуғафуров А. "Бадоеъ ул-бидоя"нинг тузилиш санаси.// Ўзбек тили ва адабиёти - 1991 - N 4 - 3-9-б.

32. Айбек. Ал-Фейн. Алишер Навоий. - Тошкент: Изд. худ.лит. им.Г.Гуляма - 1968 - 230 с.

33. Айтов Н. Назм осмони саддори.// Ўзбекистон овози. - 1991 - 3 сентябр - 4-б.

34. Ахмедов Т. Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достони. -Тошкент: ЎзССР "ФАН" - 1970 - 140-б.

35. Ахмедов Н. Тарихий шахс талқини. Рисола. - Тошкент: Ғ.Ғулом н-даги Ад.ва сан.наш. - 1989 - 126 б.

36. Алишер Навоий ижодий меросини ўрганиш проблемалари. Илмий мақолалар тўплами. Самарқанд: СамДУ наш. - 1990 - 182 б.

37. Алишер Навоий "Хамса"си. Тадқиқотлар. - Тошкент: ЎзССР "ФАН" - 1986 - 142 б.

38. Алибек. Алишер Навоий тилидаги макон ва замон кенгликлари ҳақида.// Ўзбек тили ва адабиёти. - 1987 - N 3 - 30-34-б.

39. Вафоев Н. "Топтим ул калом ичра камол".// Шарқ юлдузи - 1991 - N 8 - 147-149-б.

40. Бадиий таржима ва ўзбек адабиёти адабий алоқалари. Маърузалар тезислари. - Самарқанд: СамДУ наш. - 1991 - 130 б.

4I. Ботирхон Акрам. Табият ва самовот сирлари.// Шарқ юлдузи – I99I – № 8 – I43-I46-б.

42. Ботирхон Акрам. Қанотим куйса учмоқтин.// Сирли олам. –I99I – № 6 – 2-4-б.

43. Ботирхон Акрам. Навоий шоҳбайтлари.// Халқ сўзи. – I99I – 6 март –6-б.

44. Бегматов А. Навоий жононаси.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати – I992 – 3 январ – 3-б.

45. Бордиева Н. Навоийни ўқий оламизми?// Ўзбекистон адабиёти ва санъати – I990 – I4 сентябр – 4-б.

46. Бертельс Е.Э. "Улуғ ўзбек шоири" тўпламига ёзган тақризи.// Шарқ юлдузи – I99I – № 7 – I83-I84-б.

47. Бертельс Е.Э. Навоий. – М. – Л.:Изд.АН СССР – I948 – 269 с.

48. Бертельс Е.Э. Алишер Навои. – М.:"Наука" – I953 – 243 с.

49. Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. – Тошкент – ЎзССР "ФАН" – I974 – I49 б.

50. Валихўжаев Б., Воҳидов Р. Навоий ижоди – илҳом манбаи. –Тошкент: ЎзССР "ФАН" – I96[illegible] – 74 б.

51. Валихўжаев Б. Барҳаёт шеърият. // Ленин йўли – I986 – 8 февр. – 4-б.

52. Валихўжаев Б. Самарқандга мафтун эди.// Ленин йўли – I988 – 9 феврал – 4-б.

53. Валихўжаев Б. Унутилмас ришталар.// Ленин йўли – I989 – 8 феврал– 4-б.

54. Валихўжаев Б. "...Фарзанд дер эди".// Совет Ўзбекистони – I990 2 ноябр – 4-б.

55. Валихўжаев Б. "Хамса" ёзиш анъаналарига Алишер Навоийнинг муносабати.// Ўзбек тили ва адабиёти -1990 - N I - 16-21-б.

56. Валихўжаев Б. Ўрта аср адабиётшунослигида тазкира.// Ўзбек тили ва адабиёти - I990 - N 5 - 9-I3-б.

57. Валихўжаев Б. Алишер Навоийнинг Самарқандлаги қадамжолари.// Мулоқот - 1991 - N 2 - 25-31-б.

58. Вохидов Р. XV асрнинг иккинчи ярми XVI асрнинг бошларида ўзбек ва тожик шеърияти. (Адабий алоқа ва ўзаро таъсир масалалари). Тошкент:ЎзССР "ФАН" - 1988 - 141-б.

59. Воҳидов Р. Сухайлий.(Ҳаёти ва ижоди). Тошкент: ЎзССР "ФАН" - 44-б.

60. Воҳидов Р." Мадолис ун-нафоис" таржималари. - Тошкент:ЎзССР "ФАН" - I984 - 72 б.

61. Воҳидов Р. Шарқнинг буюк алломаси. (Абдураҳмон Жомийнинг 575 йиллигига). - Тошкент:ЎзССР "ФАН" - I989 -72 б.

62. Воҳидов Р. Навоийнинг икки дурдонаси. -Тошкент:ЎзССР "ФАН" - I992 - I34 б.

63. Воҳидов Р. Навоий барҳаёт. - Тошкент:Ўзб. "ФАН" - I997 - 79 б.

64. Воҳидов Р.Э. Мангуликка тенг лаҳзалар.// Муштум - 1991 - N I7 4-б.

65. Воҳидов Р.Э. Тазаррулар ила...// Ўзбекистон адабиёти ва санъати - I997 30 август - I-б.

66. Дониёров Х. Ўз тарихимизни биламизми?// Ленин йўли - I990 -I5 июн - 3-б.

67. Ёқубов Ҳ. Навоий ва ўзбек совет адабиёти.// Ўзбек тили ва адабиёти 1967 - N 3 - 17-23 б.

68. Иброхимов А. Сўз шири.// Ўзбек тили ва адабиёти – 1991 – 23 июн – 3-б.

69. Иванов С. Кровное слово. – Ташкент: Изд. лит. и иск. им. Г. Гуляма – 1991 – 698 с.

70. Иванов С. В красе нетленной предстаёт. – М.: "Наука" – 1977 – 310 с.

71. Иванов С. Арабизмы в турецком языке. – Л.: Изд. Ленинградского ин-та – 1973 – 61 с.

72. Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. Учинчи нашр. – Тошкент: Ғ. Ғулом н-даги Ад. ва сан. нашр. – 1978 – 432 б.

73. Иззат Султон. Жаҳон адабиётининг нодир обидаси.// Ўзбек тили ва адабиёти – 1985 – N 6 – 8-10-б.

74. Имомназаров М. Ҳақиқат ва мажоз.// Шарқ юлдузи – 1991 – N 4 – 159-166-б.

75. Исҳоқов Ё. Алишер Навоий ва соқийнома жанри.// Ўзбек тили ва адабиёти – 1975 – N 1 – 18-23-б.

76. Исҳоқов Ё. Таносиб.// Ўзбек тили ва адабиёти – 1975 – N 3 – 72-75-б.

77. Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. – Тошкент: ЎзССР "ФАН" – 1965 – 140 б.

78. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: ЎзССР "ФАН" – 1983 – 168 б.

79. Исҳоқов Ё. "Мурувват барча бермакдур эмас йўқ".// Шарқ юлдузи – 1990 – N 12 – 184-186-б.

80. Исҳоқов Ё. Навоий ва ўзбек шеъриятидаги услублар масаласи.// Ўзбек тили ва адабиёти – 1990 – N 5 – 4-8-б.

81. Исҳоқов Ё. Ташбеҳ.// Ўзбек тили ва адабиёти – 1970 – N 4 – 21-24-б.

82. Исхоков Е. Муболага.// Ўзбек тили ва адабиёти - 1972 - N 5 - 76-80-б.

83. Комилов Н., Эралиев Б. Ишк оташининг самандари.// Шарк юлдузи - 1991 - N 11 - 161-166-б.

84. Комилов Н. Сўнмас ёғдулар.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати - 1990 - 16 ноябр - 3-б.

85. Вохидов Л. Навоий ижодида муаммо жанри. - Тошкент:ЎзССР "Фан" - 1986 - 85 б.

86. Маллаев Н. Навоий ижодиётининг халқчил негизи. - Тошкент: "Ўкитувчи" - 1973 - 112 б.

87. Маллаев Н. Гениал шоир ва мутафаккир. - Тошкент:ЎзССР "Фан" - 1968 - 50 б.

88. Махкам Махмуд. Назмул-жавохир - қалб кўзгуси.// Сирли олам - 1991 - N 9 - 2-5-б.

89. Махкам Махмуд, Зокир Кучибоев. "Дареи рахматига гарк қилгай..."// Саодат - 1991 - N 6 - 6-7-б.

90. Махмуд Саттор. "...Тоғ ичида бир кишвар".// Сирли олам - 1991 - N 9 - 6-7-б.

91. Махмуд Хасаний, Сурайё Каримова. Навоий даври табобати. - Тошкент: Ибн Сино н. даги нашр. - 1993 - 120 б.

92. Махмуд Хасаний. Соҳибдоро марсияси.// Сирли олам - 1991 - N 9 - 2-4-б.

93. Матназар Абдулҳаким. "Тонг тўкиз,кўзимга сирли кўнгул бўлса мужойиб...".// Шарқ юлдузи - 1990 - N 6 - 150-151-б.

94. Мухаммадхўжаев Х. Ҳардошлик туйғуси. - Тошкент:Ғ.Ғулом н-даги Ад.ва сан.нашр. - 1975 - 33 б.

95. Муродий Т. Истиора.// Ўзбек тили ва адабиёти - 1972 - N 6 79-80-б.

96. Мухиддинов М. Навоийнинг ишқ баёни.// Саодат - 1991 - N 7 - 8-9-б.

97. Мухиддинов М. Барқарор анъаналар. - Тошкент:ЎзССР "ФАН"-1987- 59 б.

98. Мухиддинов М. Шарқ адабиётида адабий-танқидий қарашлар тарихидан. - Самарқанд:"Зарафшон" - 1989 - 204 б.

99. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Исломда таржимачилик бўйича.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати - 1991 - 14 июн - 5-б.

100. Мирзоев Абдулғаний. Алишер Навоий ва Абдураҳмони Жомий. - *Душанбе:"Ирфон" - 1965 - 64 с.*

101. Мирзоев А.М. Рудаки и развитие газели.-Сталинабад:Таджикгосиздат - 1958 - 71 с.

102. Мирзоев А.М. Камол ад-дин Бинои. - М.:"Наука" - 1976 - 479 с.

103. Мирзамухамедова М. "Жисмни қил садқа ано бошига".// Тошкент оқшоми - 1991 - 5 август - 3-б.

104. Мухторов А. Жомий ирагида Навоий мехри.// Халқ сўзи - 1991 - 26 март - 7-б.

105. Нагиева Ж. Навоийнинг "Бадоеъ ул-бидоя" девони қўлёзмаси.// Адабий мерос - 1976 - N II - 106-III-б.

106. Навоий ва адабий таъсир масалалари. - Тошкент:ЎзССР "ФАН" - 1968 - 351 б.

107. Навоий замондошлари хотирасида. - Тошкент:ЎзССР "ФАН" - 1989 - 347 б.

108. Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. - Тошкент:Ғ.Ғулом н-даги Ад.ва сан.наш. - 1972 - 136 б.

I09. Носир Мухаммад. "Ўз вужудингга тафаккур айлагил..."// Халқ сўзи – 1991 – 20 феврал – 4-б.

I10. Ойбек. Навоий гулшани. – Тошкент:Бадиий адабиёт наш. – 1967 – 150 б.

III. Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Тошкент:ЎзССР "ФАН" – 1976 – 159 б.

I12. Орипов М. Шоирнинг тасаввуфи хусусида сўз.// Сирли олам – 1991 – № 8 – 2-4-б.

I13. Орипов М. Инсонийлик мохияти.// Гулистон – 1990 – № 12 – 7-б.

I14. Одилов Ш. "Эрни этсурайкўр ор сари..."// Ўзбекистон адабиёти ва санъати – 1992 – 10 январ – 3-б.

I15. Отажонов У. Навоий ижодини ўрганиш тарихидан.// Шарқ юлдузи – 1991 – № 8 – 68-69-б.

I16. Рашидов П. ва бошқалар. Тарих бадиияти. – Тошкент:ЎзССР "ФАН" – 1989 – 234 б.

I17. Расулов Х. Навоий ғазалларининг насрий баёни хақида.// Адабий мерос – 1990 – № I – 37-39-б.

I18. Рахмонов З. "Бадоеъ ул бидоя" девони хақида.// Гулистон – 1990 – № 9 – II-I2-б.

I19. Рахмонов Б. "Ишқнинг эритган оламе".// Шарқ юлдузи – 1990 – № I0 – I52-I54-б.

I20. Родоначальник узбекской литературы. – Ташкент:Уздавнашр – 1940 – 137 с.

I21. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Тошкент:Ғ.Ғулом н-даги Ад. ва сан.наш. – 1987 – 247 б.

122. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент:Ғ.Ғулом н-даги Ад.ва сан.наш. – 1979 – 308 б.

123. Рустамов А. "Биз фано туфроғи бўлдук".// Саодат – 1991 – N 2 – 3-5-б.

124. Рустамов А. Буюк қалб сабоқлари.// Совет Ўзбекистони – 1990 – 9 феврал – 2-б.

125. Рустамов А. Навоий ва она тилимиз.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати – 1991 – 8 феврал – 5-б.

126. Рустамов А. Нўр [illegible] [illegible].// Адабий мерос – [illegible] – N [illegible] – 97-103-б.

127. Рустамов Э.Р. Узбекская поэзия в первой половине XV века. – М.:"Наука" – 1963 – 76 с.

128. Саъдулла Аҳмад. "Киши муҳр аро ҳар не қилса нигор..."// Сирли олам – 1991 – N 10 – 2-3-б.

129. Салоҳий Исомиддин. "...Ҳуқуқлидур озодлик!".// Зарафшон – 1991 – 10 октябр – 4-б.

130. Салоҳиддинов И. Устоздан илҳом олиб.// Ленин йўли. – 1991 – 4 июл – 4-б.

131. Салоҳиддинов И. "Навоийга мақома бер...".// Ленин йўли – 1990 – 21 ноябрь – 4-б.

132. Салохиддинова Д. Актуальность произведений Алишера Навои на современном этапе.// Русский язык – 1991 – N 1 – 45-46 с.

133. Салоҳиддинова Д. Улуғ адибнинг педагогик қарашлари.// Совет мактаби – 1990 – N 12 – 11-14-б.

I34. Салохиддинова Д. "Бадоеъ ул-бидоя" девонига кирган ғазалларнинг рус тилига таржимаси ҳақида. Тезислар тўплами. - Самарқанд:СамДУ наш. - I99I - 48-49-б.

I35. Садриддин Айний. Алишер Навоий. - Сталинобод:Наш.Давлати Точикистон. - I949 - 267 с.

I36. Саъдиев Садри. Поэтикаи шоирони Мовароуннахри асри XVI. - Душанбе:"Дониш" - I980 - I57 с.

I37. Сирожиддинов Ш. [illegible] // Ленин йўли. - I990 - №№ 27,28,29,31,32.

I38. Султонмурод Олим. "Мунда фониий ўлмай ва ўлмас тамом..."// Шарқ юлдузи - I99I - № 2 - I54-I64-б.

I39. Султонмурод Олим. Шайхлар кароматы.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати - I99I - I феврал - 3-б.

I40. Султонмурод Олим. Танқид - қадимий.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати - I990 - 25 май - 3 б.

I4I. Султонмурод Олим. "Бўйи бирла сочи тенг келинчак"// Ўзбекистон адабиёти ва санъати - I990 - I6 март - I-б.

I42. Султонмурод Олим. Навоийнинг шеършунос шогирди. - Тошкент:ЎзССР "ФАН" - I990 - 68 б.

I43. Таржима муаммолари. Мақолалар тўплами. - Тошкент:ЎзССР ФА Адабиётшунослик институти - I99I - 200 б.

I44. Тоҳир Рашид Хўжа. Хизр образи ва унинг классик адабиётдаги талқини.// Ўзбек тили ва адабиёти - I99I - № 2 - 3-8-б.

I45. Тохиров К. Октябрдан аввалги ўзбек-туркман адабий алоқалари проблемасига доир. - Тошкент:ЎзССР "ФАН" - I988 - II6 б.

146. Тохиров Қ. Қалби уммон ижодкор.// Ленин йўли - 1990 - 9 феврал 4-б.

147. Тохиров Қ. Хусайн Бойқарога аризя.// Ленин йўли - 1988 - 9 феврал - 4-б.

148. Умаров Э. Навоий давридаги Хирот ўзбекларининг тили.// Адабий мерос.- 1986 - N 4 - 39-44-б.

149. Улуғ ўзбек шоири. Мақолалар тўплами. - Тошкент:ЎзССР "ФАН" наш. - 274 б.

150. Файзиев Т. Хусайн Бойқаро.// Фан ва турмуш. - 1991 - N 12 - 2-3-б; - 1992 N I - 3-4-б.

151. Шайхзода. Гениал шоир.(Навоий ижодининг баъзи масалалари). - Тошкент:Уздавнашр - 1947 - 55 б.

152. Шайхзода. Асарлар.6 томлик. 4 т.:Ғазал мулкининг султони. - Тошкент:Бадиий адабиёт наш. - 1972 - 372 б.

153. Шайхзода. Асарлар.6 томлик . 5 т.:Адабий-танқидий мақолалар. - Тошкент: Бадиий адабиёт наш. - 1973 - 327 б.

154. Шарафиддинов О. Алишер Навоий. - Тошкент:Бадиий адабиёт наш. 1971 - 192 б.

155. Шарипов Ш. Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достонидаги ахлоқий-таълимий ҳикоятлар.// Адабий мерос -1977 - N 7 - 54-62-б.

156. Шарипов Ш. Навоийнинг вокеабанд ғазаллари.// Адабий мерос - 1978 - N 10 - 53-61 б.

157. Шарипов Ш. Навоий ва адабий алоқалар. Тошкент:ЎзССР "ФАН" - 1968 - 250 б.

158. Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. - Тошкент: ЎзССР "ФАН" - 1986 - 104 б.

159. ~~Шомуҳаммедов А. Ҳамкорлик самаралари.~~ - Тошкент:ЎзССР "ФАН" - 1982 - 53 б.

160. Шарипов Ж. Шеърий таржиманинг баъзи масалалари. - Тошкент: - ЎзССР "ФАН" - 1969 - 151-б.

161. Шодиев Э. Алишер Навоий ва унинг салафлари. Студентлар учун қўлланма. - Ленинобод:ЛенДПИ нaш. - 1957 - 33 б.

162. Шодиев О. Ирсол ул-масал рубоийлари.// Ўзбек тили ва адабиёти - 1977 - N 3 - 73-75-б.

163. Шодиев О. Навоийнинг адабий тахаллуслари.// Адабий мерос - 1990 - N 7 - 24-28-б.

164. Шодиев О. "Юсуф ва Зулайхо"ни ким ёзган?// Шарқ юлдузи - 1990 - N 7 - 151-154 б.

165. Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. - Тошкент:Ғ.Ғулом н-даги Ад.ва сан.нaш. - 1973 - 170 б.

166. Шукуров Н. Бу олам саҳнида...- Тошкент:Ғ.Ғулом н-даги Ад. ва сан.нaш. - 1983 - 248 б.

167. Шукуров Н. Навоий сабоқлари.// Ленин йўли - 1991 - 16 феврал - 4-б.

168. Шукуров Ш. Тема труда и образы тружеников в творчестве Алишера Навои.Автореферат канд.дисс. - Самарканд:Изд.СамГУ - 1975 - 24 с.

169. Шукуров Ш. Мирзо Бедилнинг поэтик мероси. - Тошкент:ЎзССР "ФАН" 1979 - 123 б.

170. Эрматов А. Навоий асарларидаги жонли тил манбалари.// Ўзбек тили ва адабиёти - 1969 - N 4 - 10-12-б.

171. Ўринбоев А., Маҳмуд Ҳасаний. Табаррук номалар.// Сирли олам - 1991 - N 5 - [illegible]

172. Каюмов А. Итк водийси чечаклари. - Тошкент:Г.Гулом н-даги Ад.ва сан.наш. - 1965 - 255 б.

173. Қаюмов А. "Ҳайрат ул-аброр"талқини. - Тошкент:Г.Гулом н-даги Ад.ва сан.наш. - 1977 - 155 б.

174. Каюмов А. Алишер Навоий. - Тошкент:"Камалак" - 1991 - 178 б.

175. Каюмов А. "Фарҳод ва Ширин" сирлари. - Тошкент:Г.Гулом н-даги Ад.ва сан.наш. - 1979 - 167 б.

176. [illegible] Қизилқумли. [illegible] // [illegible] - 1990 - [illegible] июн - 4-б.

177. Қўзмонқов М. Уч учрашув таассуроти.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати - 1990 - 29 июн - 3-б.

178. Қодиров А. Улуғ алломa ва табобат.// Ленин йўли - 1990 - 26 июн - 4-б.

179. Қодиров М. Алишер Навоий сўз қудрати ва нутқ маданияти ҳақида.// Адабий мерос - 1989 - N 2 48 - 31-33-б.

180. Қодиров В. Висол йўлида.// Шарқ юлдузи - 1991 N 9 - 151-154-б.

181. Қудрат Дўстмуҳаммад.Улуғбобо таҳсиятлари хусусида.// Шарқ юлдузи 1991 N 10 - 3-8-б.

182. Ҳайитметов А. Алишер Навоий даҳоси.Мақолалар. - Тошкент:Г.Гулом н-даги Ад.ва сан.наш. - 1970 - 172 б.

183. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. - Тошкент:УзССР "ФАН" - 1959 196 б.

184. Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. - Тошкент: ЎзССР ФА наш. - 1963 - 173 б.

185. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. - Тошкент:ЎзССР ФА наш. - 1961 - 292 б.

I86. Хайитметов А. Ҳаётбахш чашма.Мақолалар. - Тошкент:Ғ.Ғулом н-даги Ад.ва сан.нашр. - 1974 - I65 б.

I87. Хайитметов А. Эл шод бўлмаса,мамлакат обод бўлмас.// Совет Ўзбекистони - I989 - 9 феврал - 3-б.

I88. Хайитметов А. Болаликнинг шеърий ихтиролари.// Фан ва турмуш - I997 - № 2 - 6-7-б.

I89. Хайитметов А. "Дегонимни уқунса марғуб эт..."// Совет Ўзбекистони - I989 - 9 феврал - 3-б.

I90. Хайитметов А. Шеъриятимиз соҳибқирони.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати - I991 - 30 август - 5-6-б.

I91. Ҳаққул Иброҳим. Ҳақ сўзининг қаҳрамони.// Саодат - I990 - № I2 - I8-19-б.

I92. Ҳаққул Иброҳим. Фақру фанолик ҳайрати.// Шарқ юлдузи - I991 - № 7 - I09-I2I-б.

I93. Ҳаққул Иброҳим. Оқиллик ва рофиллик.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати - I991 - 29 март - 5-б.

I94. Ҳаққулов Иброҳим. Занжирбанд шер қошида. - Тошкент:"Юлдузча" - I989 - 223 б.

I95. Ҳаққул Иброҳим. Ғазал гулшани. - Тошкент:Ўзб. "ФАН" - 1991 - 70-б.

I96. Ҳаққул Иброҳим. Шеърият - руҳий муносабат. - Тошкент:Ғ.Ғулом н-даги Ад.ва сан.нашр. - I9889 - 329 б.

I97. Ҳаққул Иброҳим. Камол эт касбким... - Тошкент:"Чўлпон" - I991 - 240 б.

I98. Жамол Камол. "...Қизил,сариқ,яшил".//Шарқ юлдузи - I990 - № 8 - I64-I66-б.

199. Жўра Раҳим. Халқ жафосига шарифторлик.// Мулоқот - 1991 - N 10 38-42-б.

200. Нусратилла Жумаев. "Ростлиг улдурки...".//Шарқ юлдузи - 1990 - N 5 - 189-191-б.

201. Нусратилла Жумаев. Қиёсий таҳлил ҳикматлари.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати - 1991 N 5 2 август - 3-б.

202. Жумаев Нусратилла. "То туади Навойи аяти ишқ...".// Ўзбекистон адабиёти ва санъати.- 1990 - 2 ноябр - 3-б.

203. Жумаев Нусратилла. [illegible] [illegible].// Ўзбекистон адабиёти ва санъати - 1990 - 20 апрел - 5-б.

204. Ғафур Ғулом. Хожи Муқаммо.// Шарқ юлдузи - 1991 - N 5 - 146-150-б.

205. Ғаниева С. Алишер Навоий. - Тошкент:ЎзССР ФА нашр. - 1968 - 84 б.

206. Ғаниева С. "Муншаот"да даврнинг баъзи ижтимоий-сиёсий масалалари.// Ўзбек тили ва адабиёти - 1975 - N 1 - 11-15-б.

207. Ғаниева С. Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" асари ва самарқандлик шоирлар.// Ўзбек тили ва адабиёти - 1970 - N 6 - 24-28-б.

208. Ғаниева С. "Хўблар ўрганмаслар тонг йўқ Навоий назмини..."// Ўзбекистон адабиёти ва санъати - 1991 -8 феврал - 5-б.

209. Эркинов А. "Сени ўйлаб дейинму, э...".// Шарқ юлдузи - 1990 - N 11 - 164-166-б.

210. Эркинов С. Шарқ адабиётида Фарҳод қиссаси. - Тошкент:ЎзССР "ФАН" - 1985 - 64 б.

Жадвал № I

"[illegible]"

№№	Лирик жанрлар	ТТ, Инв. № 84			Илова "Бадоеъ"дан "Хазойин"га киритилмаган шеърлар
		III	ХВ	ХХ	
1.	Ғ а з а л	25	57	56	
		= 637 ғазал			42
2.	М у с т а з з о д		I		
3.	М у х а м м а с		I		
4.	М у с а д д а с		I	1	
5.	М у р а б б а ъ				
6.	Т а р ж е ъ б а н д		I		
7.	Қ и т ъ а				5
8.	Р у б о и й				2
9.	М у а м м о				
10.	Ч и с т о н		10		
11.	Т у ю қ		10		
12.	Ф а р д			50	3
	Ж а м и :		61	107	52
		76 [illegible]			

1. [illegible]

2. [illegible]

ЖАДВАЛ № 1

"БАДОЕЪ УЛ-БИДОЯ" ДЕВОНИДАГИ ҒАЗАЛЛАРНИНГ "ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ" ДЕВОНЛАРИГА КИРИШ ТАРТИБИ

№№	ЛИРИК ЖАНРЛАР	"ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ" ДЕВОНИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ: ПАРИЖ, инв. № 746				ЛОНДОН, инв. № 401				БОМБЕЙ, инв. № 3010				ТОШКЕНТ, инв. № 64				ИЛОВА "Бадоеъ"дан "Хазойин"га киритилмаган шеърлар
		ГС	НШ	БВ	ФК	ГС	НШ	БВ	ФК	ГС	НШ	БВ	ФК	ГС	НШ	БВ	ФК	
I.	ҒАЗАЛ	469	98	66	78	488	55	54	44	597	90	50	66	489	75	37	56	42
		жами – 774 ғазал				жами – 571 ғазал				жами – 607 ғазал				жами – 657 ғазал				
2.	МУСТАЪЗОД					1	1	1		1	1	1		1	1	1		
3.	МУХАММАС					2	1	1		2	2	1		2	2	1		
4.	МУСАДДАС							1	1			1	1			1	1	
5.	МУСАММАН																	
6.	ТАРЖЕЪБАНД					1	1	1		1	1	1		1	1	1		5
7.	ҚИТЪА					41				41				41				2
8.	РУБОИЙ	27				78				62				68				
9.	МУАММО		35				52				52				52			
10.	ЧИСТОН			1				10				10				10		
11.	ТУЮҚ			4				10				10				10		8
12.	ФАРД				28				42				48				50	
	ЖАМИ:	526	138	71	101	561	110	58	87	564	146	74	115	616	101	61	107	52
		– 851 асар				– 816 асар				– 839 асар				– 916 асар				

1. Шартли қисқартмалар: ГС – "Ғароиб ус-сиғар"; НШ – "Наводир уш-шабоб"; БВ – "Бадоеъ ул-васат"; ФК – "Фавоид ул-кибар".

2. [illegible] "Бадоеъ ул-бидоя" девонидан "Хазойин ул-маоний" девонлар тўпламига киритилмаган асарлар [illegible] билдиради – С.Г.

СХЕМА

"БАДОЕЪ УЛ-БИДОЯ" ДЕВОНИДАГИ ИККИ ГАЗАЛДАН ТАҲРИР НАТИЖАСИДА БИТТА ГАЗАЛ ЯРАТИЛИБ, "НАВОДИР УН-НАВОБ"ГА КИРИТИЛГАН

"Бадоеъ-ул-бидоя"даги 672-газал:

Очиб кўнгли шигофин, айладим кўнгилларни наззора,
Эрур аз ворий гам тийгидин хар пора ва пора.

Таним мехнат сипехри,анда,вах,пайхонингу ешкин
Кўнгулга гусса еткурманка собит бирла сайёра.

Манга бедардлик дард эрди,эаххим, хавринатдин
Чу менда бўлди дард,энди эрур бечоралик чора.

Ўтарсен ўйнаи-ўйнайдек гадойи хаста бўл уера,
Қолурмен бир киё боқмоқ учун бобора-бобора.

Кўнгул саргашталардин бўлди йўқ огоним масбугуй
Ани чарх айлагандур гунча кўзингликка ишора.

Ўлумдин хахр дучвор ўлмаса дард ахлиганечун
Анга Мажнуни асраб; айлагай Лайлини овора?

Навоий кўксини чок этти хахр ишонкин,фахм этгай
Тахайёл кайъатин кўнгул аро ким килди наззора.

"Бадоеъ ул-бидоя"даги 673-газал:

Фироқинг тийгидинким хаста жоним бўлди юз пора,
Эрур хар пора бир кўз қилгали ҳолимни наззора.

Губорим жисми хижрон даштида саргашта қилкинг
Жунундек хар каёнким мойил ўлди, бўлди овора.

Не тон урён таникга урди,кўксим чокига солдим.
Мени бедил кўнгул касб эттим они кўнгулдек қора,

Олиб аз пора кўнглум итларингга айладинг қисмат,
Итингмен,айб эмас,жони,менга ҳам тегса бир пора.

Таниним ниқ асири айладинг, манъ этма охиним,
Чу кил ўт ичра тушти ҳуд бўлмоқлик эмас чора.

Малак тасвири шайтон хабардекдурурким ... ўзни
Қилиб маъмури акр, истар аморет нафси аммора.

Навоий бўлди этмоқ кўзгу кон этган гумон айлар,
Сув ичганни май ичган сотинур, ким бўлса майхора.

"НАВОДИР УН-НАВОБ"даги 591-газал:

Очиб кўнгли шигофин айладим кўнгилларни наззора,
Эрур аз ворий гам тийгидин ... бир хар пора.

Не тон урён таникга урди кўксум чокига солдим,
Мени бедил кўнгул касб эттим они кўнгулдек қора.

Таниним ниқ асири айладинг манъ этма охиним,
Чу кил ўт ичра тушти ҳуд хилолоқликдин эмас чора.

Ўтарсен ўйнаи-ўйнаи, мен гадойи хаста бўл уера,
Қолурмен бир киё боқмоқ учун бобора-бобора.

Ўлумдин хахр дучвор ўлмаса дард ахлига,нечун
Анга Мажнуни асраб; айлагай Лайлини овора?

Бизни май ... кўнгулни ... ков этган гумон айлар,
Сув ичганни май ичган сотинуркими, бўлса майхора.

Малак тасвири шайтон хабардекдур, бўлк ахл ўзни,
Қилиб маъмури акр истар аморет нафси аммора.

Кўнгул саргашталардин бўлди йўқ огониш ... гуй,
Ани чарх айлагандур гунча кўзингликка ишора.

Навоий кўксини чок этти хахр, ... фахм этгай,
Тахайёл ... кўнгул аро ким ... наззора.

РАНГЛАРГА ИЗОҲ: ҚИЗИЛ РАНГ – "Бадоеъ"даги 672-газал; ЯШИЛ РАНГ – "Бадоеъ"даги 673-газал; ҚОРА РАНГ – "Бадоеъ"даги газалдан "Наводир"га киритишда тушириб қолдирилган байтлар; ГУНАФША РАНГ – ўзгартирилган сўз ва иборалар.